

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ОЗОДЛИККА БАХШИДА УМР

Иброҳим НОРМАТОВ

Тошкент
2018

№-79

НОК 323 575 л. 082

№. Дброhim

отодлиha

бaxишhидa uмr


Тохтент 2018

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ОЗОДЛИККА БАХШИДА УМР

ИБРОҲИМ НОРМАТОВ

33790



Тошкент

“Muharrir nashriyoti”

2018

УЎК 323(575.1)(092) Каримов

КБК 66.3(5Ў)

Н 79

Норматов, Иброҳим

Озодликка бахшида умр [Матн]: / И.Норматов – Тошкент:
“Muharrir nashriyoti”, 2018. – 132 б.

ISBN 978-9943-5117-5-0

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрь куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори асосида чоп этилди.

Тўпламга таниқли журналист Иброҳим Норматовнинг кейинги йилларда Ислом Каримов фаолияти ҳақида чоп этилган мақолалари киритилган.

УЎК 323(575.1)(092) Каримов

КБК 66.3(5Ў)

ISBN 978-9943-5117-5-0

© “Muharrir nashriyoti”,
Тошкент, 2018.

*Буюк давлат ва сиёсат арбоби
Ислом Каримов таваллудининг
80 йиллигига бағишланади.*

КИРИШ СЎЗИ

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг асосчиси ва Биринчи Президенти, буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида номи ўзбек давлатчилиги тарихида қоладиган шахс. У миллат ва давлат озодлиги йўлида журъат ва жасорат кўрсатди, оғир дамларда халқнинг бошини қовуштира олди, эл-юрт равнақи йўлида куч-гайратини аямади, ёш давлатимизни турли хавф-хатардан сақлашда ақл-идрокини намоён этди, жаҳонга тинчлик учун курашчи сифатида танилди, Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсатини дипломатик санъат даражасига кўтара олди.

Мустақил Ўзбекистонни чорак аср бошқарган инсон собиқ иттифоқ таркибидан ажраб чиққан бугунги озод республикалар раҳбарлари орасида “Халқаро миқёсдаги лидер” мукофотиغا сазовор бўлган ягона давлат арбобидир.

Мен мустақиллик йилларида Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги улкан тарихий хизматлари ҳақида кўплаб очерклар ёзганман. Қўлингиздаги китобга фақат кейинги 2 йилда ёзганларимни киритдим.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев имзолаган қарорга кўра нишонланадиган Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигига муносиб тухфадир.

Иброҳим Норматов,

*Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
журналист, “Олтин қалам” соҳибби*

ОЗОДЛИК ҚАЛҚОНИ БЎЛИШГА ҚОДИР АРМИЯ

Хавф-хатарни енгиб ўтишдаги хушёрлик ва масъулият

Ўз озодлигига ўзи қалқон бўлмаган, ўз чегарасини ўзи қўриқламаган, ўз хавфсизлигини ўзи таъминламаган, ўз миллий армияси ўзига таянч бўла олмаган давлат мустақил деган номга муносибми?.. Аммо жаҳонда шундай давлатлар бор. Улар бировнинг қош-қовоғига қараб фикрлайди, бировнинг йўл-йўриғига қараб йўрғалайди.

Худога шукр, Ўзбекистоннинг ўтмишдаги ўз салохиятига, бугунги салобатига, эртанги бўй-бастию кучқудратига яраша ўз миллий армияси бор. Қуйида унинг ташкил этилиши ва шаклланиши, тикланиши ва синовлардан ўтиши, ислохотлар ўтказиши ва куч-қудрат орттириши жараёнлари ҳақида сўз юритамиз.

Мустақиллик эълон қилинганида озодлик қувончининг ҳиссиётлари ҳамманинг қалбини сеҳрлаб олди. Оддий халқ буни Яратганнинг мўъжизаси деб қабул қилди. Бу ҳақиқатан ҳам шундай эди. Бироқ озодликни қалқон бўлиб ҳимоя қила оладиган халқгина бундай мўъжизага ўзини муносиб деб ҳисоблайди. Назаримда, ўша пайтда озодликка қалқон бўлиш масъулияти, аввало, Ислом Каримовга бир дақиқа ҳам тинчлик бермаган бўлса керак. Чунки вазият ўта мураккаб ва жуда қалтис эди.

Биз озодликни эълон қилганимиздан сўнг орадан икки кун ўтиб, Москвада СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари съезди бошланди. Мақсад қандай қилиб бўлмасин (майли, конфедератив иттифоқ тар-

зида бўлса ҳам) собиқ империяни сақлаб қолиш, СССР мудофаа вазирлигини бугунги вазиятдан келиб чиқиб қайта ташкил этиш ҳамда ҳарбий қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш эди. Ўша пайтда маршал Язов ҳарбий-сиёсий тўнтаришда қатнашиб, шарманда бўлгани сабабли мудофаа вазири лавозимини маршал Шапошников бажарётган эди.

Борис Ельцин янги иттифоқ Қуролли Кучлари назоратини Россия ихтиёрида қолдириш таклифини киритди ва ядро қуролларини сақлаш кафолатини ҳам ўз зиммасига олди. Болтиқбўйи республикалари буни ҳатто эшитишни ҳам исташмади. Чунки ғарб давлатлари уларнинг мустақиллигини ўша пайтдаёқ тан ола бошлаганди. Ельциннинг таклифидан кейин Украина вакиллари тутоқиб кетишди. Улар ҳеч қандай марказ, янги номдаги ҳеч қандай империя, «халқ билан бирга» бўладиган ҳеч қандай ягона армия керак эмаслигини, мустақилликми, демак, ҳамма томондан мустақиллик, дейишди. Бунга сабаб шуки, Совет армияси сафидаги маршаллар, генераллар, адмираллар, бошқа жанговар офицерларнинг камида 30-40 фоизи украин миллатига мансуб ҳарбийлар эди. Украина ўзининг жанговар миллий армиясини тузишга қодир эди. Белоруссия ҳам деярли шундай имкониятга эга эди. Биз ўша пайтда собиқ Совет армияси сафида генерал ёки полковник унвонларига эга ўзбек ҳарбийлари борми-йўқми, бўлса қанча ва улар кимлар – билмас эдик. Бироқ бир нарсани аниқ билардик – ўзбек йигитлари нуқул қурилиш батальонларига ҳарбий хизматга чақириларди. Жанговар қисмлардаги озроқ бўлса-да борлари ҳам асосан қон тўкиладиган жанжалли жойларга юборилар эди.

1991 йилнинг август-сентябрь ойларида буюк давлатчилик ва буюк миллатчилик шовинизми билан захарланган кучлар жон талвасасида жазавага тушган пайт эди. Хўш, бундай вазиятда эълон қилинган озодлик энди қандай ҳимоя қилинади?! Қўшнилариимизда

эса аҳвол бошқача эди. Қозоғистон вакили Москвада ўтаётган съезд ишига раислик қилар экан, давлат мустақиллиги ҳақида сўз очгани йўқ. Қирғизистон билан Туркменистон вакиллари конфедератив иттифоққа розилик билдиргандай бўлишди. Тожикистон ҳам ҳали ўз давлат мустақиллигини эълон қилгани йўқ. Ана шундай бир пайтда бутун Ўрта Осиё ҳудудини беш панжали бургутдек чангаллаб турган Туркистон ҳарбий округига ва унинг генералларига ишонса бўладими? Округ штабида ва жойлардаги жанговар бўлинмаларда қўмондонлик лавозимини эгаллаган бирорта ҳам ўзбек, тожик ёки туркман йўқ.

Наҳотки, Совет Армияси сафида битта ҳам ўзбек генерали бўлмаса?! ГКЧП воқеасидан кейин шу ҳолат билан қизиқиб кўришдию буни қаранг, ўзбек генерали топилди. Собиқ СССРнинг Вьетнамдаги элчихонасида ҳарбий маслаҳатчи бўлиб ишлаётган генерал-майор 51 ёшдаги ўзбек миллатига мансуб одам экан. 1991 йил август ойининг охирида у маршалл Шапошниковнинг буйруғи билан Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари этиб тайинланди. У иш бошлаганидан кейин орадан бир неча кун ўтиб, яъни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги тузилиб, унга вазир тайинланган куннинг эртасига оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида шундай деди:

– Менинг ҳарбий округ миқёсидаги вазифаларим кўп. Уларнинг энг асосийси, маҳаллий миллат вакилларида кадрлар тайёрлашдир. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг, республика Мудофаа ишлари вазирлиги, Миллий гвардия, муқобил хизмат ташкил этилиши муносабати билан қисқа вақт ичида сифат жиҳатидан янги тузилмаларни вужудга келтириш керак. Жумладан, Ўзбекистон ҳудудида жойлашган олий ҳарбий билим юртли фаолиятини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда. Билим юртлирида ўзбек тили-

ни, халқнинг миллий анъана ва урф-одатларини биладиган ёшлар ўқиши керак.

Ўша пайтда, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазири – Миллий гвардия қўмондони этиб тайинланган офицер зиммасидаги масъулиятни бир тасаввур этинг. У мустақил давлат Президенти берган кафолатдан фойдаланиб, Туркистон ҳарбий округи генераллари билан тенгма-тенг гаплашиши ва ҳар кун, ҳар соат, ҳар бир масалада ўз давлати ва ўз халқининг манфаатини, хавфсизлигини, ҳимоясини кўзлаб, ҳарбийларга хос журъат ва қатъият билан ҳаракат қилиши керак. Хуллас, Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги билан Туркистон ҳарбий округи ўртасидаги муносабатлар ўзаро муроса асосида жуда нозиклик билан олиб борилди.

Миллий армияни ташкил этиш, шакллантириш ва унинг пойдеворини мустаҳкамлашда 1992 ва 1993 йиллар энг мураккаб давр бўлди. Собиқ СССР парчаланганидан кейин юзага келган қалтис вазиятда, Совет армиясининг ҳарбий бўлинмаларида бошқарув, интизом ва тартиб йўқотилган, ички ва ташқи таҳдидлар кундан-кунга кучайиб бораётган, совет пропагандаси миллатчилик руҳида тарбиялаган маршаллар ва генераллар турли шовинистик кучлар таъсирига берилган, бунинг устига, собиқлик мақомига тушиб қолган аламзада арбоблар ҳар кунги оммавий ахборот воситаларида куч ишлатишга даъват этиб турган бир пайтда Ўзбекистонда Мудофаа ишлари вазирлигини, унинг органлари ва жойлардаги қўмондонлик тузилмаларини шакллантириш ўз вақтида қабул қилинган яқкаю ягона тўғри қарор бўлди. Орадан бироз вақт ўтиб, Туркистон ҳарбий округининг мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий бўлинмалари қайта жойлаштирила бошланди, ўзбошимчалик билан олиб чиқиб кетилаётган қурол-аслаҳалар тўхтатиб қолинди. Буни Президентимизнинг ўзи назорат остига олди. Ҳарбий қисмларда миллий тартиб-қоидалар жорий этила бошланди. Бундай армияда хизмат қилиш биринчи на-

вбатда маҳаллий миллат вакиллари бўлган йигитларга ёқимлироқ ва фахрлироқ бўлди.

Аммо аламзада кучларнинг ифвогарлиги бир кун ҳам тўхтамади. Миллий армиямиз шакллана бошлаган 1992 йил бошиданоқ Россиянинг оммавий ахборот воситаларида рус миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистондан ёппасига кўчиб кетишга мажбур бўлаётгани, ҳатто ҳарбий қисмлардаги рус офицерлари ҳам тўхтатиб қолинмаётгани ҳақидаги иғволар кўпайиб кетди.

Буни қаранг, орадан бир йил ўтиб, яъни 1993 йил март ойида Президент Ислон Каримов МДХдаги хорижий мухбирлар халқаро уюшмаси аъзолари билан суҳбатлашганида ҳам Ўзбекистон армиясидаги рус офицерлари масаласи кўтарилди. Президентга шундай савол берилди:

– Собик Совет армиясининг тегишли қисми ўтган йили Ўзбекистон назорати остига ўта бошлаган эди. Бу жараён қандай давом этмоқда? Асосан рус миллатига мансуб бўлган офицер кадрларни сақлаб қолиш учун нима қилмоқчисиз?

Ислон Каримов бу саволга жавоб бериб, шундай деди:

– Ўзбекистонда ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган, парламент эса мудофаа ва куролли кучлар тўғрисида бир қанча қонунларни қабул қилди. Офицерлар, ҳарбий хизматчиларга ҳақ тўлаш, уларнинг ижтимоий кафолати масалалари ҳал этилган. Хуллас, Ўзбекистон армиясидан кетишга интилаётганлар йўқ. Қўмондон кадрлар тайёрлаш учун Ўзбекистонда учта ҳарбий билим юрти бор. Уларда таълим олиш учун турли миллатга мансуб кишилар ўқишга кирмоқда, аммо маҳаллий миллат ёшлари орасида ҳарбий касбни эгаллашга интилиш сезиларли даражада кучайди.

Аслида, ифвогарларга рус миллатига мансуб офицерларнинг ўзлари зарба бера бошлади. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири номига нафақат мамлакатимиз худудидаги ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган, балки

муваққилликка эришган республикаларнинг қуроли кучларида хизмат қилаётган рус, украин ва белорус миллатига мансуб офицерлардан ҳам Ўзбекистонга ва унинг ҳалқига садоқат билдириб, шу давлатга қасамёд қилиб, унинг ҳарбий гарнизонларида хизмат қилиш истаги билдирилган хатлар кела бошлади. Ўша хатлардан бир нечасини мисол тариқасида келтирамиз.

«Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирига. Мени Ўзбекистон Қуроли Кучлари сафига қабул қилиш масаласини кўриб чиқишингизни илтимос қиламан. Сабоби – Ўзбекистонда киндик қоним тўкилган, у ерда ота-онам ва қариндош-уруғларим истиқомат қилишади. Вујорилган жойда, лозим кўрилган лавозимда хизмат қилишга тайёрман. Ҳозирги вақтда Россия Федерацияси Қуроли Кучларида хизматни ўтаяпман. Баллистика бўйича мутахассисман. Катта лейтенант С. Мамишев».

«Сиздан хизматимни давом этириш учун Ўзбекистон Қуроли Кучларининг ҳар қандай гарнизонига ўтказишда далолат қилишингизни сўрайман. Турли хил самолётларда учганман. Ҳозир кема командириман. Ўзим Фарғонада тутилганман. Ота-онам ва энг яқин қариндошларим ҳам ўша ерда яшашади. Майор Ю. Косов».

«Мени, иккинчи ранг капитани Г.М.Ширшовни, Украина Қора денгиз флотидан Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига ўтказиш тўғрисида далолат қилишингизни илтимос этаман. Мен Тошкентда туғилиб вояга етганман. Ленинград олий ҳарбий-денгиз инженерлик билим юртини тамомлаганимдан сўнг турли флотларда хизмат қилдим. Ҳозир катта десант кемасининг катта муҳандис-механигиман. Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай гарнизонидан хизмат қилишга тайёрман, унинг ҳалқига садоқат билдириб, қасамёд этишга ваъда бераман».

«Мен, капитан А. Литвиненко, Ўзбекистон Республикасида, унинг ҳар қандай ҳудудида хизматни ўташга ваъда бераман. Республика ҳалқига садоқат билдириб,

Қасамёд этишга тайёрман. Билим юртини тамомлаганимдан сўнг хизматни Афғонистонда бошлаганман. Қўшинлар у ердан олиб чиқиб кетилганидан сўнг Бухоро вилоятига юборилдим. Оиламдаги мураккаб аҳвол, яъни рафиқамнинг инжиқлиги туфайли дастлаб Украинага ўтказиш тўғрисида далолат ёздим. Рафиқам ҳам, мен ҳам ўша ерда туғилганмиз. Масаламни ижобий ҳал этишди. Украина Мудофаа вазири номига мени илгариги хизмат жойимга – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ихтиёрига юборишни сўраб далолатнома ёздим. Ана шу масалани ижобий ҳал этишингизни сўрайман».

«Мени Россия Федерацияси Қуролли Кучларидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ўтказиш тўғрисидаги масалани ижобий қараб чиқишингизни илтимос қиламан. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик билим юртини тугатганман. Ҳозир Тинч океани флотининг денгиз пиедаси қўшинларида полк штабининг муовини вазифасида хизматимни ўтаяпман. Ўзбекистон халқига садоқат билдириб қасамёд этишга ваъда бераман. Майор В. Жевако».

Бу хатлар Президентга берилган саволга муносиб жавоблардир. Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига нафақат маҳаллий руслар, балки яшаш ва хизмат жойларидан қатъи назар, турли миллатга мансуб офицерлар қабул қилинди.

Ўзбекистонни ўзининг ватани деб билган ҳар бир инсон жанговар ҳарбий бўлинмаларда ҳамда миллий гвардияда хизмат қилиш имкониятига эга бўлди. Қуролли Кучларимиз пойдеворига ана шу тарзда асос солинди. Ишнинг кўзини билиш ва ҳушёрлик ўша мураккаб даврда ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олишда катта аҳамият касб этди.

Назаримда, дастлабки ўта қалтис ва мураккаб вазиятларда эҳтиёткорлик, ҳушёрлик ҳамда юксак масъулият кўрсатилиб, хавф-хатарлар енгиб ўтилгани

қандай айтган менинг юқоридаги фикрларим Президент Ислам Каримовнинг Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан қимматчиларига йўллаган байрам табригидаги: «Биз суверен Ўзбекистоннинг Қуролли Кучларини ташкил этиш жараёнида ҳарбий қурилиш соҳасида мерос бўлиб қолган тажрибадан тўғридан-тўғри нусха кўчиришдан воз кечиб, аниқ ва реал геостратегик ва геосиёсий шартноши, замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг қандай хусусиятларга эга эканини ҳар томонлама ҳисобга олдик, Марказий Осиё минтақасида юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзинга хос жиҳатлари таҳлилидан келиб чиқиб иш тутдиқ ва шунингдек, ўзимизнинг азалий миллий ғазилат ва анъаналаримизга таяндик», – деган сўзларга қамоландик туялди.

*“Ватанпарвар” газетаси,
01.01.2016*

СИНОВЛАР ОРТДА ҚОЛГАНИ ЙЎҚ

Ўзбекистон Марказий Осиёда мустақилликка эришган давлатлар ўртасида биринчи бўлиб ўз Қуролли Кучларига, энг эътиборлиси, ўз ҳарбий ҳаво кучларига эга давлат бўлди. Шунингдек, минтақада фақат Ўзбекистонгина ўз чегарасини ўзи қўриқлай бошлади. Бунинг жаҳон миқёсида ҳарбий-сиёсий жиҳатдан ҳамда мустақилликни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қай даражада аҳамиятга эга эканини эҳтимол ўшанда ҳамма ҳам тушуниб етмагандир. Ваҳоланки, ёш мустақил давлатнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини таъминлашда бу тарихий аҳамият касб этган ғоятда муҳим чора эди.

Ўша пайтда бироз вақт биз учун қулай вазият кузатилгандай бўлди. Туркистон ҳарбий округи билан орани очик қилишда кутилмаган ҳолатлар юз берма-

ди. Мамлакатимиз ички ҳаётида уюшқоқлик кузатилди. Россия билан муносабатларни халқаро қонунқоидалар асосида аниқлаштириб ола бошладик. Яқин атрофдаги қўшнилар билан энди Ўрта Осиё эмас, балки Марказий Осиё деган номда қардошлик ришталарини боғлай бошладик. Афғонистон давлати ва афғон халқи большевиклар босқинидан қутилди. Демак, ҳозирча жиддий хавф-хатар йўқ.

Озодликни қўлга киритиб, халқини бунёдкорлик сари йўналтириб, ўз Қуrollи Кучларини ташкил этиб, мамлакат ва халқнинг ҳимоясини таъминлашда ишончли қадам ташлай бошлаган Ўзбекистон Республикасига жаҳон ҳамжамиятининг эътибори кучайди. Ислom Каримов икки йилда Осиё ва Европадаги ўттиздан ортиқ хорижий давлатларда бўлиб, улар билан яқин алоқалар ўрнатган бўлишига қарамасдан, ён қўшнилар билан ҳамкорликни ҳар жиҳатдан устувор деб билди. Жумладан, Президентнинг 1992 йил сентябрь ойида Афғонистон Ислom давлати раҳбари Бурҳониддин Раббонийга йўллаган мактубида шундай дейилади:

«Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари ўртасида ҳеч қачон кескин тўқнашувлар бўлмаганида катта рамзий маъно бор. Заҳматқаш афғон халқи кўрган катта мусибатлар биз учун ҳам оғир дард бўлиб келди. Худога минг қатла шукрки, эндиликда Афғонистон ташқи жоҳил кучларнинг тинимсиз хуружларидан, уларнинг ёвуз хатти-ҳаракатларидан қутулди. Аммо бу ерда 13 йил давом этган аёвсиз уруш мобайнида минг-минглаб одамларнинг нобуд бўлиши, сон-саноксиз етим-есирлар, мислсиз вайронагарчилик ва жароҳатлар, тинчлик ва осойишталик нималигини унутган афғон халқининг дарди ва алами ХХ асрнинг улкан фожиасидир.

Мустақиллик ва истиқлол уфқлари сари интилаётган Ўзбекистон эндигина ўзининг бош мақсадларини ўзи белгилаш, асл дўстларини ўзи аниқлаш, озодлик, тенглик ва адолат ҳақидаги асрий орзу-умидларини ўзи ифодалаш ҳуқуқига эга бўлди... Авлод-аждодлари-

миз рухи, халқларимизнинг эзгу ниятлари эндиликда барчани хотиржамликка, тинч меҳнатга, қўшничилик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга чорламоқда».

Афсуски, кўп ўтмай минтақада вазият ёмон томонга ўзгарди. Тожикистонда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Афғонистонда ички вазият издан чиқа бошлади. Яъни дастлаб ҳокимият учун курашда турли миллатга мансуб гуруҳлар ўртасида келишмовчилик келиб чиққан бўлса, кейинчалик, толибон бош кўтарди. Шундай қилиб, ўн уч йиллик уруш азобини тортган афғон халқи шу бугунгача давом этиб келаётган жаҳолат гирдобига тушиб қолди.

Ҳозир айрим телеканалларни кўрсангиз, оммавий ахборот воситалари учун гўё жаҳонда Украина, Ироқ ва Суриядаги аҳволдан бошқа мавзу йўқ деб ўйлайсиз. Ўша пайтда эса Тожикистон, Афғонистон тилга олинмайдиган кун бўлмасди. Дастлабки икки давлатдаги аҳвол маълум, хўш, нега Ўзбекистон тилга олинарди? Унутманг, худди ҳозирдагидек ўша пайтда ҳам иғвони ўйлаб топиш ва авж олдиришда журналистлардан ўтадиган куч йўқ эди. Россиянинг оммавий ахборот воситаларида Тожикистондаги фуқаролари урушида Ўзбекистон ўз ҳарбийлари ва ҳарбий техникаси билан ҳукумат қўшинларига ёрдам бераётгани тўғрисидаги ёлғон хабарлар берилди. Иғвогарлар Афғонистондаги ўзбек, тожик ва пуштун миллатларига мансуб аҳолини бир-бирига қарши қайраб, ўзбекларни тошкентпараст кучлар деб атай бошлашди. Президент Ислом Каримов 1993 йил март ойида журналистлар билан бўлган учрашувда бундай иғвогарларга зарба берди. «Ёрдам тўғрисида гапирадиган бўлсак, – деди Ислом Абдуғаниевич бир журналистнинг Россия оммавий ахборот воситаларида фақат Ўзбекистон билан боғлиқ берилган хабарлар ҳақидаги саволига жавобан, – Тожикистоннинг қонуний йўл билан сайланган ҳукумати мадад беришни сўраб, барча МДХ мамлакатларига мурожаат қилди. Ўрта Осиёдаги тўрт давлат раҳбарларининг Россия ташқи ишлар вазири ҳам иштирок этган Олмаотадаги кенгашида Тожикистонга ана шундай ёр-

дам бериш тўғрисида қарор қабул қилинган эди... Бу МДХ Бирлашган қуроли кучлари қўмондонлигининг ишидир. Тожикистон – ялпи хавфсизлик кенгашининг тенгҳуқуқли аъзоси, бинобарин ҳукуматнинг илтимосига биноан унга ҳар томонлама ёрдам берилмоқда. Бу халқаро қонунларга асосланган тажрибадир». Ўшанда Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятга баҳо бериб, шундай деди: «Хўш, жафокаш Афғонистонда нималар бўляпти, у ерда хорижий қўшинлар бўлмаса, нима учун одамлар ҳалок бўлмоқда?! Ким қурол-яроғ етказиб бера-япти? Бунинг жавоби қийин эмас. Афғонистон кимгадир тутаб турган олов каби зарур, шу олов чўғларини Марказий Осиёдаги мустақил давлатларга олиб ўтиб, уларга тазйиқ ўтказиш мумкин. Бундай ҳаракатлар ёвуз кучларнинг мақсадларига киради».

Хуллас, энди қаддини ростлаб, куч тўплаб, тажриба орттираётган Ўзбекистон Қуроли Кучлари учун синов даври бошланди. Энди огоҳлик ва хушёрликнинг ўзи камлик қилади. Энди Ватан озодлигини ҳимоя қилишга қодир жанговарлик керак.

Тожикистон ва Афғонистондаги вазиятлар эса тобора чигаллашиб, хавfli тус олиб борарди. Ниҳоят, 1997 йилда Толибон Қобулни қўлга киритди. Ўзбекистон биринчи навбатда ўз чегарасини мустаҳкамлади. Нафақат мамлакатнинг жанубий ҳудудидаги ҳарбий бўлинмалар, балки чегарадаги ҳарбий бўлинмалар ҳам замонавий қурол-яроғлар билан таъминланди, аскарлар ва офицерларнинг ҳарбий маҳоратларини ошириш чора-тадбирлари кўрилди. Ҳарбий вертолётлар ва самолётларнинг жанговар навбатчилиги ташкил этилди. Танклар ва бошқа ҳарбий техникалар доим буйруққа тайёр бўлиб турди. Ўша пайтда Ўзбекистон фақат ўзининг ҳарбий куч-қудратига ишонди. Бундай қалтис ва мураккаб вазиятлар тўқсонинчи йиллар охири ва икки мингинчи йиллар бошида ҳам юз берди. Президент Ислом Каримов 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон

Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма навляндаги маърузасида мураккаб даврларда Куролли кучларни мустақкамлаш борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб, шундай деганди:

«...Ута муҳим жанговар топшириқларни бажаришга йўналтирилган махсус операциялар бўйича кучларнинг бўлинмалари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Терро-ризмга қарши кураш корпуси тузилди. Бу бўлинмалар эстимол тутилаётган душманинг ҳар қандай тажовузко-рона ҳаракатларига қарши муносиб зарба беришга қодир куч экани Сурхондарё, Қашқадарё ва Тошкент вилоятла-рининг тоғли туманларига суқилиб кирган халқаро тер-рорчиларнинг жангари тўдаларини йўқ қилиш бўйича амалга оширилган операцияларда намоён бўлди».

Тўғриси, буларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Агар биз ўтган кунларни унутсак, мустақилликнинг моҳиятини тушуниб етмаган, манқуртлик асоратидан қутилмаган, бугуннинг қадрига етмаган, эртанги кунимиз, яъни ке-лажагимиз тўғрисида қайғурмаган бўламиз. Эслаш, хо-тирлаш, ақл-идрок билан фикрлаш ва хулоса чиқариш халқимизнинг машаққатли синовлар пайтидаги ирода кучини тўғри баҳолаш имконини беради.

Ўтган даврда бундай синовлар оз бўлмади. Тош-кентда юз берган террористик хуружни эслайлик. Бош майдонда портлашларни амалга оширганлар халқимиз орасида қўрқув ва ваҳима уйғотиб, юрти-мизда бошбошдоқлик ҳамда парокандаликни вужуд-га келтириш билан ўзларининг ғаразли мақсадларига эришмоқчи бўлдилар. Бироқ фитначилар доғда қолишди. Халқимиз ўзини йўқотиб қўймади. Ҳеч ким саросимага тушмади. Ҳеч кимнинг қалбини қўрқув ва ғулғула қамраб олмади. Юртдошларимиз орасида мутлақо эртанги кунга ишончсизлик сезилмади. Бун-га сабаб шуки, портлашлар юз берганидан кейин ора-дан атиги бир неча дақиқа ўтибоқ Ислом Каримовни телеэкранда кўрдик. У ўзини эркин ва дадил, ишончли ва қатъиятли тутарди. Ўшанда биз Юртбошимизнинг

Шак-шубҳасиз, кўшниларимиздаги вазиятдан, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан, кимлардир куч ишлатиш ва зўравонликка мойиллигидан, кимлардир хавфсизлик ва ҳамкорликни кўзлаб тинчликсеварлик сиёсатини юритаётганидан қатъи назар, Ватаннинг ҳимояси йўлида ҳарбий куч-қудратимизни янада мустаҳкамлаш учун Қуролли Кучларимизнинг жанговарлигини ошириб боришимиз шарт.

Биз ўтган йилларда ўта машаққатли даврни босиб ўтдик. Кўпдан-кўп синовларни ортда қолдирдик. Яратган юртимизни ёмон кўзлардан, ҳасадгўйлардан, душманларнинг макр-ҳийласидан, жаҳолатпарастлардан, ёвуз ниятли бошқа қора кучлардан асради. Бунинг учун шукроналар айтамыз.

Бироқ бугун минтақамизда ва бутун дунёда мураккаб ва олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият вужудга келган бир шароитда хушёрлик ва огоҳликни унутишга, лоқайдлик ва хотиржамлик туйғусига берилишга, ортиқча ишонч ва бино қўйиш дардига йўлиқишга ҳаққимиз йўқ. Шу билан бирга, биздаги вазминлик ва андишани бошқалар журъатсизлик ёки қўрқоқлик деб қабул қилишларига йўл қўймаслигимиз керак. Қўрққан олдин мушт кўтарар деганларидек, биз ҳеч қачон бировга олдин мушт кўтармаймыз, аммо бизга мушт кўтарадиган бўлса адабини берамыз. Барча шарқ халқларида бўлгани каби бизда ҳам бировга биринчи бўлиб мушт кўтариш йўқ.

Энди синовларга келсак, ҳақиқат шуки, синовлар бундан кейин ҳам бўлади. Бугунги дунёнинг ўзи синов. Кутсангиз ҳам, кутмасангиз ҳам унга дучор бўласиз. Кучда ҳам, бойликда ҳам, яхши кунингизда ҳам, ёмон кунингизда ҳам синаб кўришади. Шунинг учун Қуролли Кучларнинг огоҳлиги ва хушёрлиги доим зарур. Фикримизни синовлар ортда қолгани йўқ, деб яқунлаганимиз боиси шундан.

“Ватанпарвар” газетаси,

08.01.2016

АҚЛ РАҲНАМОЮ ИШБОШИ БЎЛГАН ЮРТ

Бугун Ўзбекистон қаддини ростлаб олган, бунёдкорликда бўй чўзган, «ўзбек модели»ни жаҳонга танитган, ташқи сиёсатда мустақил қадами билан танилган, миллий тотувлик ва бағрикенгликда Жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини ҳамда эътирофини қозонган, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда ташаббуслари қанот боғлаган, муроса ва мулоқотни дипломатик санъат даражасига кўтара олган, ҳарбий кучқудратда ўз озодлигига қалқон бўлишга қодир йигит ёшида. Бунга у ўз-ўзидан эришгани йўқ, албатта. Ақл-идрокнинг устуворлиги унга тўғри йўл кўрсатди. Бундай пайтда беихтиёр Абу Шукур Балхийнинг қуйидаги ҳикматли сўзлари ёдга тушади:

Очиқ кўздан зийрак – ақлдир, ақл,
Донолардан тийрак – ақлдир, ақл.
Ақл раҳнамою ишбошинг бўлсун,
Жаҳонда у ҳар вақт йўлдошинг бўлсун.

Ҳа, ўтган 25 йилда Ўзбекистонга ҳаминша ақл раҳнамою ишбоши бўлди. Бунга бир оғиз сўз билан ифода-далаш бошқа-ю, ана шу ўтган даврдаги жараёнларни барча мураккабликлари, машаққатлари ва ибратли жиҳатлари билан баён этиш бошқа. Шунинг учун «Ватанпарвар» газетасининг бугунги сонидан бошлаб, Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ва унинг халқи ҳаётида юз берган ўзгаришларни туркум материалларда бериб борамиз. Уларни ақл-идрок йўлдош бўлган йиллардаги кураш ва ғалаба солномаси деб қабул қиласиз, деган умиддамиз.

Азиз тупроқ – кўзга тўтиё

«Ватанни севмоқлик иймондандир». Бу ҳикма ҳар биримизнинг қалбимизга муҳрланиб қолган. Шу азиз тупроқ бизнинг Ватанимиз, уни севмаслик – иймонсизликдир. Сирли Сайхун билан асов Жайхун соҳилларидаги муқаддас манзилгоҳларда бизнинг аجدодларимиз яшаб ўтган. Одам Ато билан Момо Ҳаво давридан бери ер юзида қандай мўъжизалар юз берган бўлса, ўтган кўп мингйиллик тарихимиз ҳаммаси ҳақида гувоҳлик беради.

Бироқ ёвуз кучлар бизнинг азиз тупроғимизни кўп бор оёқости қилишди. Ҳар сафар уни душмандан озод қилар эканмиз, ўзлигимизга қайтиб, бу азиз тупроқни кўзимизга тўтиёдек суртдик. Охири босқич 130 йил давом этди. Ниҳоят, 25 йил олдин бир азамат чиқиб яловга, ўзлигидан кечиб кириб оловга, ўз халқи учун туриб гаровга, Ўзбекистонга Озодлик, дея жасорат кўрсатди. Тўғриси, ўшанда қувониб қарсак чалганлар билан бирга ҳангу манг бўлиб қолганлар ҳам бўлди. Бу манқуртлик асоратининг таъсири эди. Орадан бироз вақт ўтиб, Озодликни эълон қилган азамат ўз халқига қарата шундай деди: «Мен очиқ айтаман, бу масалани сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этиш ҳақидаги фармонга имзо чекканимда бутун масъулият ва жавобгарликни ҳис этганман, бу нарсага жонимни тикканман. Бу улуг мақсадга эришиш учун не-не машаққатли курашлардан, синовлардан ўтишни ҳам яхши тасаввур қилганман. Аммо яна бир марта такрорлаб айтаман – бу йўлдан қайтиш, чекиниш йўқ. Бу олий мақсад учун ҳаммамиз бир бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихатликда иш олиб борсак, албатта ўз ниятимизга эришамиз».

Эҳтимол, ўшанда бу сўзларга шубҳа билан қараганлар бўлгандир. Бироқ ўтган 25 йиллик тарих ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмади. Бугун юқоридаги гаплар-

нинг амалдаги натижасини кўриб турибмиз. Озод-
нинг элчи қилган ўша азамат барча ўзгаришларга
мажбурий ишбоши бўлди. Орадан чорак аср ўтиб,
бу кувончли ҳиссиётлардан энтикиб, бу тушумми ё
қийинчи деб, наҳотки энди эркимиз ўз қўлимизда, дея
қийинчи кунларимизни эслашнинг вақти кел-
ди. Озод юртимизга, унинг пойтахти Тошкентга бутун
қўйдан ватандошларимиз ташриф буюришди. Юрт-
дошларимиз озодликнинг дастлабки кунларидаёқ улар
билан учрашиб, ўзининг дил сўзларини шундай изҳор
қилди: «Дунёда ўзбекман деган, туркистонликман, де-
ган ҳар бир инсоннинг асл Ватани шу тупроқдир. Бу
тупроқда улуғ бобокалонларимиз хоки ётибди. Шу за-
минда ўтганлар ва шу заминни қўмсаб, унга етолмаган-
лар руҳи покларига бош эгамиз». Ўшанда нафақат зал-
да ўтирган ватандошлар, балки телеэкран қаршисида
ўтирган биз ҳам кўз ёшларимизни тия олмаганмиз. Ва-
тан соғинчи, Ватанга садоқат ва муҳаббат ана шундай
ватандошлар ўртасида узоқни яқин, меҳр-оқибатни
мустаҳкам, бегонани дўст, дўстни қариндош қилади.
Мустақилликнинг ўтган йилларида бунинг ҳаммасини
ўз кўзимиз билан кўрдик, ўз қалбимиз билан ҳис этдик,
инсонлар ҳаёти синовидан ўтказдик.

Бугун биз Ватан деган азиз тупроқ ҳақида сўзлар
эканмиз, ғаразли мақсадда атайлаб тарихий ҳақиқат
бузиб талқин этилиб, илгари ўзбек давлатчилиги
бўлмаган деб даъво қилинаётган ҳолатларга тўхталиб
ўтмасак бўлмайди. Бундай бузғунчиликдан қўзланган
мақсад битта – аввало, ўзбек ёшларининг онги-
ни захарлаб, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш,
қолаверса, ўзбекларни камситиш. Биз кўрадиган хо-
рижий телеканалларнинг айримларида Соловьев ва
Бабаян каби журналистлар ўз кўрсатувларига асосан
миллатчиларни, шовинистларни, бузғунчиларни так-
лиф этишади. Улар кўп ҳолларда Ўзбекистонни ва
ўзбекларни тилга олмай ўтишмайди.

Ҳозирча бундай бузғунчиликнинг пайи қирқилмаётган экан, биз журналистлар тарихий ҳақиқатларга таянган ҳолда ўзбек давлатчилиги кўп асрлар олдин ҳам бўлганини, у турли даврда турли номлар билан аталганини, халқимизнинг озодлик йўлидаги буюк жасоратларини, Ватан ва миллат шаъни учун курашган Соҳибқирону саркардаларимизни ўз кўрсатувларимиз, мақолаларимиз ва маърузаларимизда қайта-қайта эслатиб туришимиз зарур. Айниқса, Озодлик байрамимиз арафасида бу нарса долзарб аҳамият касб этади. Миллатчи ва шовинист бузғунчиларга нисбатан лоқайдлик эса бизнинг шаънимизга тўғри келмайди.

Келинг, ўзбек давлатчилиги тарихидан айрим даврларни эслаб кўрайлик. Президент Ислом Каримов 1996 йил апрель ойида Францияда бўлган эди. Ўшанда Франция Президенти Жак Ширак Ўзбекистон раҳбарига бобокалонимиз Амир Темурнинг 1402 йилда Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубини тақдим этди. Бу Франция раҳбарининг Ўзбекистонга, унинг тарихи ва маданиятига чуқур ҳурмати ва эҳтироми эди. Ўз навбатида, ўшанда Ислом Каримов Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида очилган кўрғазмада сўзлаган нутқида ўзбек давлатчилиги тарихини эслатиб шундай деди: «Турон», «Туркистон» ва «Мовароуннаҳр» номлари билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди».

Жумладан, Амир Темур бобомиз инсонпарвар қонунларга ҳамда миллий кадриятларга асосланган қудратли давлат барпо эта олди ва бу давлат инсоният тарихида ёрқин из қолдирди. Кўп йиллар зулм-зўравонлик, қарамлик ва эркисизликдан сўнг 1991 йилда эришилган озодлик эса бизнинг халқимизга миллий давлатчиликни қайта тиклаш учун қулай имконият

аратди. Биз «Ўзбекистон» деган Ватанга эга бўлдик. Ўзбекистон дея аталур, уни севиб эл тилга олур, деганлари шу Ватан. Уни севиш билан бирга, унга тош отганларнинг додини бериш, тухмат қилганларни тумшугидан илинтириш, уни камситганларни ҳушёр торгтириб қўйиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Агар буни унутсак, Ватаннинг қадрига етмаган бўламиз.

Бугунги дунёни кўз олдингизга келтиринг. Ҳозир Ўзбекистон фуқаролари озод ва эркин халқ сифатида дунё кезиб юрибди. Улар қаерларда бўлишмасин, айтилик, элчихоналардан ташқари – йирик аэропортларда, халқаро анжуманларда, турли учрашувларда, нуфузли спорт мусобақаларида, қўшма корхоналар бинolari ва бошқа жойларда жилоланиб турган миллий байроғимизни кўрганларида беихтиёр фахр-ифтихор туйғусидан энтикишади, шу юртнинг фуқароси, шу элнинг фарзанди эканидан қалblари қувончга тўлади. Хўш, бундай сеҳрли ҳиссиётнинг манбаи қаерда?! Бу, аввало, ўзликни англашда, Ватан ва миллат шаънини қадрлашда, ўтмишга ҳурмат ва келажакка ишончда, иймон-эътиқод ва авлод-аждодга муносиб бўлишда, бой маънавий меросни ўрганиш ва ундан ибрат олишда намоён бўладиган ижобий ҳолатларда шаклланадиган қудратли кучдир.

Бироқ очиқ айтадиган бўлсак, Ватан ҳароратини ҳамма ҳам бирдай ҳис этмайди. Шунинг учун ҳам Ватанга муҳаббат турлича бўлади. Орамизда фақат шахсий манфаатдан келиб чиқиб Ватан дейдиганлар ҳам, ўзгаларнинг ноғорасига ўйнаб мунофиқлик йўлини танлаганлар ҳам, кимдандир ёки нимадандир норози бўлса, Ватанни ёмонотлиқ қиладиганлар ҳам, ўта «замонавийлашиб» кетганидан қўшватанликни ёки қўшфуқароликни орзу қиладиганлар ҳам бор. Уларнинг айримлари шу муқаддас заминда яшаб туриб мунофиқлик қилсалар,

айримлари хорижий давлатларда яшаб Ватан ҳақида тилёғламалик қиладилар, яна бир тоифалари эса ўзгаларни улуғлаш билан ўз юртларини камситмоқчи бўладилар. Тўғриси, қаерда қорни тўйса, ўша ерни Ватан дегувчилар, қаерда қандайдир манфаат бўлса, ўша жойни макон қилувчилар, қаерда ўзгаларнинг йўриғига йўрғалаб ёки бировларнинг ноғорасига ўйнаб хузур-ҳаловатга етиш мумкин бўлса, ўша ерни орзу қилувчилар, ўзгаларнинг ҳаёти ва турмуш тарзи кўзига ой кўришиб, ўз миллий қадриятларидан воз кечувчилар аслида мунофиқлик дардига мубтало бўлган беватанлардир.

Шу ўринда мустақилликнинг дастлабки йилларида кузатилган бир ҳолатни эслатиб ўтмоқчимиз. Бир пайтлар мамлакатимиз ташқарисида Ўзбекистонда аҳолининг айрим табақалари учун икки давлат фуқаролигини жорий этишни талаб қилувчи сиёсий кучлар пайдо бўлди. Аслида, бу қўшватанлик дегани. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахннинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди». Икки фуқароликни тан олмаслик халқаро тамойилга тўла мос келади. Икки давлат фуқаролигини жорий этиш – бу аслида авлод-аждоди шу заминда яшаб келган туб аҳолини камситишдан бошқа нарса эмас.

Баъзан шундай савол кўндаланг бўлиб қолади: Ўзбекистон фуқароси бўлиш билан ватанпарварлик ўртасида фарқ борми? Бор, албатта. Айтайлик, мансабга ўтирганда Ватанни улуғлаб, мансабдан кетганда Ватанга тош отадиган ҳам, бойлик ва бошқа мақсадманфаат деб ўзгаларнинг ноғорасига ўйнайдиган хиёнаткорлар ҳам, оғизда тўғрилик ва ҳалоллик ҳақида гапириб, амалда эгрилик ва нопоклик йўлини танлаганлар ҳам, кўпчилик олдида шукроналик, сабр-

қаноат, бағрикенглик ва меҳр-оқибат ҳақида сафсата сотиб бошқа пайтларда ўзга давлатлардаги ҳаёт кўзига ой бўлиб кўринадиган мунофиқлар ҳам Ўзбекистон фуқароси бўлишлари мумкин, аммо уларни ватанпарвар деб бўлмайди. Ватанпарварнинг қалбида соғлом фикр устун бўлади, унинг юраги ана шу фикрдан кучқувват олади. Уни ҳеч қандай нопок куч енга олмайди. Яъни ватанпарвар инсон Ватан шаъни ва унга бўлган меҳрни, Ватан тупроғи ва унга бўлган соғинчини, Ватан сеҳри ва унга бўлган садоқатни ҳар қандай бойлик, мансаб-мартаба ҳамда имконияту имтиёздан устун қўяди. Ватанпарварлик аслида шукроналикнинг ёрқин ифодасидир.

Ватаннинг тупроғи азиз ва муқаддас. Унинг суви зилол ва ҳавоси шифобахш, иқлими мўътабар ва табиати гўзал, даласию дарёси, тоғларию боғлари мафтункор. Майли, чўл ёки қир-адир бўлсин, майли шўр босган сойлик ёки тоғу тош бўлсин, майли тикан қоплаган тўқай ёки болга ботган водий бўлсин, барибир, ҳаммаси кўзимизга ойдаи сулув, қуёшдай чароғон, отадай азиз, онадай муқаддас кўринадиди. Буни билмаган ва ҳис этмаган инсон Ватан қадрини англаб етмайди.

Биз сизга айтсак, бу тупроқнинг азизлиги шундаки, унда юртимизни жаҳонга танитган улуғ зотлар – азиз-авлиёлар, уламолар, алломалар, олимлар, донишмандлар хоки ётибди. Бу тупроқнинг муқаддаслиги шундаки, Унда Ватан ва миллат озолиги йўлида жон фидо қилган минглаб, миллионлаб халқ қаҳрамонлари ором топди. Бу тупроқнинг улуғворлиги шундаки, унда Соҳибқирон Амир Темур каби Ватан ва миллат фидойилари туғилиб, ўсиб-улғайиб, вояга етиб, жаҳон кезиб, бутун инсоният тараққиётига ва ривожига катта ҳисса қўшиб, ер юзида Оллоҳнинг назари тушган юрт ва эл борлигини тарихга муҳрлаб кетди.

Энг муҳими, биз ўтган 25 йилда тўғри йўлдан адашмадик. Давлатимиз раҳбари Тангри кўнглига солган йўлни ифодалаб, 1991 йил 18 декабрь куни «Халқ сўзи» газетасига берган интервьюсида шундай деган эди: «Ўзбекистон – миллатараро ва фуқаролар тотувчи ўлкаси! Бу юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорлик деганидир; бу шаҳарларимиз, қишлоқларимиз, хонадонимиз учун тўкинлик, маъмурлик манбаидир; бу тартиб-интизомга адолатга даъватдир». Бу сўзлар худди шу бугун айтилгандай қалбимизга ором, ҳаётимизга гўзаллик ва мамнунлик бағишлаб турибди. Фахрланиш ва ифтихор ҳисси билан бундан кейин ҳам жаҳонга ўзлигимизни намоён қилаверайлик.

*“Ватанпарвар” газетаси, 25-сон,
17.06.2016*

ВАТАНДОШЛИК ТҲҲҲҲҲҲ – ОЛИЙ МЕЗОН

Ўзбекистон давлати ва унинг раҳбарияти озодликнинг дастлабки кунлариданоқ миллатчиликнингнинг олдини олиш чорасини кўрди. Ўша даврни бир эслаб кўринг: Грузияда давлат мустақиллиги эълон қилиниши биланоқ, унинг биринчи президенти «Грузия фақат грузинлар учун!» деган шиорни ўртага ташлади, Украинада эса дарҳол рус тилининг мақоми насайтирилди. Оқибатда миллатлар ўртасидаги муносабатлар ўшандаёқ дарз кетди. Ўзбекистонда эса бошқача йўл танланди. Қуйида бу йўл турли миллат вакилларини ватандошлик тўғғғғғғ билан қандай бирлаштиргани ҳақида ҳикоя қиламиз. Билмасангиз билиб қўйганингиз яхши, Пайғамбаримиз Маккадан Мадинага ҳижрат қилганида ватандошлик тўғғғғғғ билан мадиналик араблар ва яҳудийлар бошини қовуштирган. Энг муҳими, ҳар бир миллатга ўз динида ва тилида қолиш, ўз урф-одатларига амал қилиш эркинлиги берилган. Ҳозирги давр талаби билан айтганда, бу демократия ва эркинликнинг энг олий мезонидир.

Мамлакатимизда ҳозир юздан ортиқ миллат ва элат вакилларидан иборат 32 миллион аҳоли истиқомат қилади. Аҳолисининг сони жиҳатидан Ўзбекистон жаҳонда 43-ўринда туради. Демак, унинг ўзига яраша салобати ва салоҳияти бор. Миллатлар ва элатлар ранг-баранглиги жиҳатидан эса унга тенглашадиган давлатлар санокли. Миллий ва диний эркинликлар шу даражадаки, Ўзбекистон деган юртда шу пайтгача ҳали биронта миллат ёки элатнинг қадриятлари, урф-одатлари, диний эътиқодлари камситилганини эслай олмаймиз. Ҳатто миллий ғурури камситилган инсонни тополмайсиз. Тўғриси, бировнинг миллатини сўраш ҳаёлингизга ҳам келмайди. Бироқ Ўзбекистон яшайдиган корейсларнинг аксарияти соф ўзбек тилида гапиришда ўзбекларга ибрат бўлаётгани бор ҳақиқат.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида ўтган йилларда бизга миллатлараро муносабатлар масаласида қандай фитналар уюштирилганини эсламасак бўлмайди. Айниқса, қайта қуриш йилларида ва мустақиллик арафасида Ўзбекистонни миллий-этник низолар ўчоғига айлантириш мақсадида не-не балоқазоларни уюштиришмади дейсиз. Месхети турклари, корейслар, немислар, қрим татарлар ва қўшни қардош халқлар ўзбекларга қарши қайралганда қандай мушкул ҳолатларга тушмадик?.. Бу камлик қилганидек, Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси ўртасида режали равишда фитна уруғини соча бошлади. Дастлабки Ўш фожиаси тўқсонинчи йиллар бошида юз берди. Мустақиллик арафасида бундай фитна янада кучайди. Нафақат газеталар саҳифалари, телеэкранлар ва радиотўлқинларда, балки сиёсат ва жамоат арбоблари даражасида ҳам Ўрта Осиёдаги қардош халқлар бир-бирига душман сифатида тарғиб қилинди.

Мустақиллик эълон қилинганидан кейин Ўзбекистонга турли даражадаги бузғунчилар, ифвогарлар ва журналистлар оқими кучайди. Собиқ марказ ишлаб

тургани учун ҳали ўз мустақилликларини эълон қилмаган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳудудларидан Ўзбекистонга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Ислоҳ Каримов буни олдиндан сезгани ва билгани учун бўлса керак, 1991 йил 31 август кунин Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Мустақиллик эълон қилганида бузғунчиларни огоҳлантириб шундай деди: «Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон халқлари билан минг йиллик муштарак тарихи ва маданияти, қавм-қариндошлиги, умумий орзу-умидлари бир. Уларни ҳеч қандай куч бир-биридан ажратолмайди».

Орадан уч ҳафта ўтиб, Ўзбекистон Президенти бутун Туркистон ўлкаси вакилларини, шу жумладан, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман қардошларни Тошкентга таклиф қилди. Келган вакиллар ҳар қандай вазиятда ҳам қардошлиқ садоқатларига содиқ эканликларини намоён этишди.

Шундан кейин собиқ марказдан топшириқ олган журналистлар Ўзбекистонга келиб, бошқа «айб»ларни ахтара бошлади. Яъни Ўзбекистонда рус миллатига мансуб аҳоли ўзбек тилида гапиришга ва ёзишга мажбур қилинган пими-йўқми (бу тажриба кейинчалик Украинада қўлланилди), ишдан ҳайдалаётганлар орасида руслар борми-йўқми, умуман, бу миллат вакили кўчада, бозорда, дўконда, жамоат жойларида камситиляп пими-йўқми – шуларни аниқлаш, агар шундай қилинаётган бўлса, ваҳима кўтариш ва фитна кўзғаш мақсад қилинган мавзу «Известия» ва «Комсомольская правда» газеталарини «безай» бошлади. Бунда асосан Ўзбекистондаги рус миллатига мансуб аҳоли орасидан «қулоқ» изланди.

Бир мисол. «Известия» газетаси мухбири Николай Андреев 1992 йил июнь ойида Тошкентда бир ҳафтадан кўпроқ бўлиб, юқоридаги ўзини қизиқтирган

саволларга жавоб излайди. У рус миллатига мансуб кўплаб тошкентликлар билан учрашади. Қараса, ҳеч ким уларни ўзбек тилида гапиришга ёки ёзишга мажбур қилмаяпти, ҳеч ким уларни ишдан ҳайдамаяпти, қайтага ўзбеклар у билан рус тилида муомала қиляпти, ҳатто бозордаги ўзбек аёллари ҳам рус тилида чиройли гапиришяпти. Ахир Андреев Москвадан топшириқ олиб келган, бу аҳволда у нимани ёзади?! Энағар йўлини топади. У газетанинг 25 июнь сониди ёзади: «Метрода эълонларни ўзбек тилида эшитиб ҳайрон қолдим. Айтишларича, баъзи идораларда ҳужжатларни ҳам ўзбек тилида ёза бошлашибди. Ажабо, кимгадир телефон қилсанг, ўзбек тилидаги овозни эшитасан-а!.. Ўзбек хотинларнинг телефонда ўзбек тилида гапиришлари эса ғашга тегади...» Албатта, шовинизм ва миллатчилик билан заҳарланган одам учун бу оддий ҳол. Аммо бошқалар учун бу унинг қай даражада тубанлашиб кетганини кўрсатади.

Ўрта Осиёдаги қардош халқлар ўртасига низо уруғини сочиш янги босқичга кўтарилган бир пайтда, яъни 1993 йил бошида Ислон Каримов қўшни қардош давлатлар раҳбарларини Тошкентга – жиддий учрашувга таклиф қилди. Улар икки кун мобайнида мулоқот ва музокара олиб бориб, бундан кейинги кўп томонлама ҳамкорлик ва ҳаракат режаларини белгилаб олдилар. Ўша пайтдан бошлаб улар Ўрта Осиёни Марказий Осиё деб аташга қарор қилдилар. Давлат раҳбарларининг ўзаро дўстона ҳамда қардошларча самимий муносабатлари, фикрлар ва хулосалар яқдиллиги минтақа халқларини хушнуд этибгина қолмасдан, ижод аҳлига илҳом бағишлади. Ушбу мақола муаллифларидан бири Ўзбекистон Радиосининг бир кунлик эшиттиришлари сценарийсини ёзиб, бир кунда беш тилда эшиттиришлар берган бўлса, бухоролик шоир Сафар Барноев жўшқин бир шеър ёзди. Қуйида бу шеърдан парча келтирамыз:

Тўпланишди беш қардош,
Бир кўзу бир қош.
Дейишди беш панжамиз,
Бирлашсак, биз янчамиз.
Бир-бирига хеш ўғлон,
Ёзиб катта дастурхон,
Навбат билан олиб сўз,
Ўтирдилар юзма-юз.
Кўкдан ой тушди ерга,
Бир чирой тушди ерга.
Бўйи чўзиқ ҳойнаҳой,
Помир, Тиёншон, Олой.
Музликлар эриб сим-сим,
Очилди катта тилсим.

Ана шу тилсимнинг очилганига ҳам йигирма уч йилдан ошди. Ўтган даврда четда туриб очилган ана шу тилсимни сеҳрлашга кўп уринишлар бўлди, кўзу қошни бир-бирига қарши қўйишлар бўлди, кўкдан тушган ой юзини тўсишлар бўлди, Помир, Тиёншон, Олойни ўзаро тўқнаштиришга уринишлар бўлди. Ана шундай бузғунчилар оқибатида ўринсиз гина-қудратга ва англашилмовчиликка йўл очилган ҳолатлар ҳам кузатилди. Бироқ барибир минг йиллик тарих ва маданиятнинг бирлиги, қавм-қариндошликдаги узвийлик, динимизнинг муқаддаслиги, ўтган улуғларимизнинг панднасихатлари, яшаш тарзимизнинг умумийлиги устун келди. Ашаддий миллатчилару шовинистлар, геосиёсат даҳоларию аламзада кучлар бизнинг минтақани Яқин Шарққа ёки Кавказортига айлантира олмаганликларига сабаб шуки, аввало, бизни Оллоҳ қўллади, қолаверса, давлат раҳбарлари юртни ва халқни ақл-идрок билан бошқардилар. Хусусан, Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда тинчлик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик самарали фаолиятини бутун жаҳон тан олди. Ҳатто ўта нозик ва қалтис вазиятлар

юзга келган пайтларда ҳам мулоҳазакорлик билан қарор қабул қилиб, бузғунчи ифвогарларнинг режасини пучга чиқарди. Жумладан, 2010 йилдаги Ўш ва Жалолобод воқеаларида Ўзбекистон Президенти тутган йўлни жаҳондаги деярли барча йирик давлатларнинг раҳбарлари маъқуллади. Кейинги икки йилда Ислом Каримов Тожикистон, Қозоғистон ва Туркменистонда бўлганида унинг минтақадаги қардош халқлар алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида айтган гапларидан ғоятда руҳланиб, кўнглимиз таскин топганидан шодмиз. Шу йил апрель ойида Нурсултон Назарбоев билан Ислом Каримов Тошкентда учрашиб, икки қардош халқнинг дўстлиги ҳақида чиройли гаплар айтишганида бошимиз осмонга етди.

Агар қўшни давлатлар халқлари билан ҳамкорликда қардошлик туйғуси устуворлик қилаётган бўлса, Ўзбекистонда яшаётган қозоқ, қирғиз, тожик, туркман биродарларимиз ва бошқа юздан ортиқ миллат вакиллари билан аҳиллик ва иноқликда ватандошлик туйғуси раҳнамолик қиляпти. Ўзбекистонда барча миллатларга, барча миллий қадриятларга, барча тилларга, барча динларга бирдай муносабат шаклланган. Умуман, миллий бағрикенглик, диний эркинлик, турли миллат вакилларининг бирдамлиги ва тотувлиги, тинчлиги ва хавфсизлиги Ўзбекистоннинг ички ҳамда ташқи сиёсатида устувор йўналиш қилиб белгиланган. Ислом Каримов бу сиёсатнинг ташаббускори, ташкилотчиси, изчил тарғиботчиси ва доимий раҳнамосидир.

Тўқсонинчи йиллардаги ифволартаъсирида кўчиб кетиб, жиддий хато қилган, эндиликда эса Ўзбекистонни соғинганидан оромини йўқотганларнинг Президентга йўллаётган мактубларини ўқисангиз, миллий бағрикенглик сиёсатининг таъсир кучига тан берасиз. Мана бу ҳаяжонли дил сўзларини 2013 йилда нашр қилинган «Президентга мактублар» китобидан олдик. «Ўзбекистонни, унинг бағри кенг, меҳр-оқибатли,

меҳмондўст халқини тез-тез тушимда кўраман, – деб ёзади Екатеринбург шахридан меҳнат фахрийси Николай Баженов. – Сахий, меҳнатсевар, меҳрибон ва самимий ўзбек халқига биз россияликлар учун энг оғир бўлган йилларда кўрсатган оқибатлари учун ҳамда ўзбек ерида қалбимизда ҳис этган бахтли онларимиз учун раҳмат айтамиз».

Бундай миннатдорчиликнинг сабаби бор. Бажановнинг отаси Россиянинг ўртаҳол деҳқонларидан эди. Ўттизинчи йилларда у қулоқ сифатида отиб ташланади. Ўшанда энди эсини таний бошлаган Коля онаси билан Ўзбекистонга қочади. Тошкентга келгач, кўча чангиб ўйнаб юрган бир гуруҳ ўзбек болалар даврасига тушиб қолади. Бирга бозорга боришади. Турли-туман мевалардан ейишади. Бир пайт қорни оғриб йиғлаб, деворга суянганча ухлаб қолади. Уйғонса, катта-катта узум бошлари осилиб турган ток сўриси тагида ётибди. Онаси йўқ. Истараси иссиқ бир нуроний кампир ёнига келиб нималардир дейди, аммо у ҳеч нарса тушунмайди. Фақат «момо», яъни русча «мама» деганга яқин сўз ёдида қолади. Кечқурун момонинг Эри Пўлат бобо келади. Шундай қилиб, Коля бу оилада асранди фарзанд бўлиб қолади.

Ўзбекистонда яшашни бахт деб билган бошқа бир инсон эса ўзининг Президентга мактубини шундай бошлайди: «Мен, Химиланов Таймураз Константинович, асли казказликман. Ҳозирги Россия Федерациясининг Осетин автоном республикаси, «Дурдур» деб номланган қишлоғида 1961 йил 30 январда туғилганман. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, Гагарин кўчаси, 29-уйда истиқомат қилиб келяпман. Тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга келиб, бу юртни ва унинг меҳнатқаш, меҳмондўст халқини севиб қолдим. Мана, 30 йилдирки, шу ерда яшаб келяпман. Қорақалпоқ қизига уйландим. У билан икки қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Мен ўзимни дунёда-

ги энг бахтли инсон деб биламан. Сабаби бошқа юртларда Ўзбекистондаги каби оққўнгил, самимий инсонларни учратмаганман. Улар орасида яшашнинг ўзи бахт. Шунингдек, Сиздек буюк инсон билан бир кунда туғилганимдан фахрланаман».

Бугун биз шуни мамнуният билан айта оламизки, давлатимиз ва халқимиз ўтган йилларда жиддий синовлардан ўтиб, тотувликка таянган аҳил оила қуришда катта тажриба тўплади. Бунда оила бошлиғи тутган йўл, ўтказиб келаётган ички ҳамда ташқи сиёсат катта аҳамият касб этди. Аҳолининг сони жиҳатидан давлатимиз ва халқимиз Марказий Осиёда етакчи ўринда туради. Бироқ биз ҳеч қачон бошқаларга нисбатан устунликни даъво қилмадик. Аксинча, минтақада миллий тотувликни, тинчлик ва барқарорликни, хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш учун курашда бошқаларда ҳавас уйғотяпмиз. Ўз юртида миллатлараро тотувликни таъминлаб, Ўзбекистонни аҳил оилага айлантира олган Юртбошимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Бош Ассамблеясида, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотида, Ислон Конференцияси Ташкилотида, Шанхай ҳамкорлик Ташкилотида, НАТО/СЕАП-нинг Бухарест кенгашида, ЮНЕСКОда ва бошқа нуфузли халқаро минбарларда бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик-барқарорлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик муҳитини яратиш юзасидан амалий тақлифлар ҳамда ташаббуслар билан чиқди. Бундай сиёсий фаоллик ҳамон жаҳон жамоатчилигининг эътиборини тортиб келяпти.

Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни кузатсангиз ҳаёлингизни бир фикр чулғаб олади. Давлатларга ва уларнинг раҳбарларига, халқларга ва уларнинг турмуш тарзларига ўзгариб турган вазиятлар ва уларнинг оқибатларига, давлат арбобларининг ваъдалари ва уларнинг амалдаги хатти-ҳаракатларига, ўзгаларнинг ҳакамлик даъволари ва уларнинг оқ-воҳларига баҳо беришда ҳеч қачон шошмаслик, йккиланмаслик, адаш-

маслик керак. барча қалтис ва мураккаб жиҳатларни қиёслаб, чуқур ва атрофлича фикр-мулоҳаза юритиб, Жаҳон миқёсида халқаро ва одилона мезонлар назоратидан ўтказиб, сўнг хулоса чиқариш лозим. Эътибор беринг, бировларнинг айтганини қилиб, турли мақомга йўрғалайдиган давлатларда миллий-этник ҳамда диний низолар кучайиб боряпти, кам сонли миллатлар камситилиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари паймол этиляпти, энг ёмони, беғуноҳ одамлар қурбон бўляпти, гўдақлар, аёллар, қариялар азоб тортяпти. Араб дунёсидаги парокандалик, айирмачилик, таслимчилик, оғмачилик, гуруҳбозлик, муросасизлик айрим давлатларни ва халқларни жар ёқасига келтириб қўйди. Бу ҳар қандай инсонни бирни кўриб фикр қилишга ва бирни кўриб шукр қилишга ундайди.

Биз шукр қилишга муносиб халқмиз. Чунки юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик, миллий тотувлик турмушимизни обод, кўнгилларимизни шод қиляпти. Оиланинг аҳиллиги ота-онага боғлиқ бўлганидек, мамлакатимиздаги миллий тотувлик ҳам юрт етакчисининг тутган йўлига, оқиллиги ва одиллигига боғлиқ. Буни ўзгалар ҳам эътироф этишаётганига нима дейсиз?! Жумладан, 2000 йил 15 январь куни «Комсомольская правда» газетасида босилган бир мақолани эсладик. Мақола Ўзбекистонга ва унинг раҳбарига бағишланган бўлиб, унда шундай фикр баён қилинган: «Агар кимнидир «Ота» деб улуғлашар экан, демак, унинг оиласида тинчлик ва тотувлик ҳукмрон. Каримовни эса айнан шундай деб аташади: ўзбеклар ҳам, руслар ҳам, корейслар ҳам...»

Қарияларнинг айтишича, Юрт отаси фоний дунёда ҳам, боқий дунёда нафақат ўзи учун, балки ҳамма учун жавоб бераркан. Эзгулик нури бундан кейин ҳам Ўзбекистон деган аҳил оиламизнинг йўлини ёритиб турсин.

*“Ватанпарвар” газетаси,
24.06.2016*

«ЎЗБЕК МОДЕЛИ»НИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ

Иқтисодиёт – тараққиёт устуни. Бу устуннинг тиргаклари кўп. Ҳар бир давлат ўзига маъқул бўлган тиргакни танлайди. Албатта, бировнинг тиргагига таянганлар ҳам бор. Аммо Ўзбекистон ўз озодлигини эълон қилгач, ўзининг иқтисодий тараққиёт йўлини – «Ўзбек модели»ни танлади. Бу йўл мустамлака пайтида «боқиманда» тамғаси бошилган Ўзбекистонни мустақиллик йилларида «бойвачча» даражасига олиб чиқди.

1992 йил:

Ўзбекистондан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланган месхети турклари кетишди, сабзавот етиштирган Қрим татарлари кетишди, арманилар – қурувчилар кетишди, яхудийлар кетишди – газбудкалар ёпилиб, тикув устаналари тўхтаб қолди, энди ишчилар, инженерлар, конструкторлар ҳисобланган руслар кетишса, бутун саноат тўхтаб қолади.

*«Известия» газетаси,
1992 йил 25 июнь.*

2016 йил:

Халқаро миқёсдаги катта нуфузга эга бўлган Жаҳон Иқтисодий Форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани, албатта, барчамизга мамнуният етказди.

*«Ватанпарвар» газетаси,
2016 йил 22 январь.*

Биз юқоридаги «башорат» билан ҳақиқатни қиёсламасак, ҳали ҳам аламзадалиқни тарк этолмаётган шовинистик кучларни мулзам қилолмаймиз. Бир пайтлар қуллик исканжасида сақланган халқнинг

иқтисоддаги бугунги парвозини кўриш, ажабмас, уларни ўтган кунларни эслашга мажбур қилса!

Улар 1991-1993 йилларда Ўзбекистонда очарчилик бўлишини роса кутишди. Буни ўша пайтда нашр этилган ва ҳамон шахсий архивимизда сақланаётган газеталарда босилган мақолалар мазмуни кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилганидан сўнг, империяпараст кучларнинг буюртмасини бажараётган газеталар боқиманда республика, пахта экишдан бошқа нарсани билмайдиган халқ иқтисодий таназзул йўлини танлаб, катта хато қилди, деб ёзишди. Айниқса, «Известия» газетаси биз учун кўп «жон куйдирди». Ўзбекистонда етиштириладиган пахтанинг сифати жуда паст, уни Россиядан бошқа ҳеч ким сотиб олмайди, республикада нефтсиз ҳаёт, ёғочсиз қурилиш тўхтаб қолади, дея башорат қилишди шовинистик кайфиядаги иқтисодчилар. Хуллас, мустақиллигимизга сиёсий жиҳатдангина эмас, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам маломатлар ёғдир бошланди.

Ана шундай бир пайтда мустақил иқтисодий сиёсатда биринчи қадам қўйилди – 1991 йил 26 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Пахта хомашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархларини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Орадан бир ҳафта ўтгач, «Комсомольская правда» газетаси бунга жавобан «Биродарлар, бизни ечинтиришяпти!» деган шарҳ билан чиқди. Шарҳ норозилик ва огоҳлантириш руҳида ёзилган эди. «Худди шу Ўзбекистон бунга жавобан ўз қўшниларидан яна ҳам таъсирлироқ «дорилар» олиши мумкин» дейилди унда. Бу ерда асосан Ўзбекистон олаётган нефть, буғдой, металл прокати, ёғоч-тахта назарда тутил-япти. Шама шамалигича қолиб кетмади. Жумладан, ўша пайтнинг ўзидаёқ бир тонна металл прокатнинг баҳоси 120 сўмдан бирданига 1500 сўмга кўтарилди. ёғоч-тахтанинг нархи эса бир неча ўн баробарга ошди.

Ўшанда бизни ҳали Жаҳон ҳамжамияти тан олмаган, хавфсизлигимиз таъминланмаган, шу билан бирга, ҳали хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқага киришмаган эдик.

Албатта, қийинчиликлар бўлди. Айтайлик, металл асосий хомашё ҳисобланган корхоналарда ишнинг тўхтаб қолиш ҳолатлари кузатилди. Қурилишларда бекор туриб қолишлар юз берди. Қимматлашгани сабабли қишлоқ хўжалик техникаси ва уларга эҳтиёт қисмлар сотиб олиш камайди. Бироқ бошқалар башорат қилганидек Ўзбекистонда очарчилик эмас, балки озиқ-овқат таъминотида узилишлар ҳам юз бермади. Халқимиз ишбилармонлик ва тадбиркорлик кўрсатиб, ҳар қандай инқирознинг олдини олиш чорасини кўрди.

Айниқса, 1992 йилда бизни турли кўзгуларда кузатишди. Ўша йили Ислом Каримов Осиёдаги деярли барча етакчи давлатларда бўлди. Агар ҳозир ўша пайтда айрим давлатларнинг оммавий ахборот воситаларида, хусусан, шовинистик йўналишдаги нашрларда қитмирлик билан берилган шарҳларни ўқисангиз, куласиз. Ўзбекистон иқтисодда Хитой моделини танлади, тараққиётда Туркия йўлини маъқул топди, ривожланишда араб дунёсига оғиб кетди, афтидан, япон мўъжизасига қизиқиб қолди, Ҳиндистон йўлини танлаш эҳтимоли бор, Миср мафтун этган кўринади, қабилида ўннгаю сўлга қарамай шарҳлашди журналистлар. Президентимиз кейинги йили Ғарб дунёси билан мукамал танишди. Башоратлар яна ўзгарди. Энг ажабланарлиси шундаки, магазинда нега гўшт йўқ, нега сариёғ йўқ, нега қанд йўқ, деб тўполон қиладиганлар бизнинг озодлик сари қўйган қадамимиз устидан кула бошлашди.

Ишлаб чиқаришдаги таназзул мустақилликка эришган барча республикаларда давом этарди. Бироқ бирида кучайса, бирида пасайиб борарди. Ўзбекистонда асосий диққат-эътибор ана шу ҳолатни тўхтатиб қолишга қаратилди.

Хамдўстликдаги айрим давлатларда ижобий ўзгариш юз бермаётган бўлса-да ваъдалар бериш кучайиб кетди. Бироқ Ўзбекистонда ваъдалар берилмади, башоратлар қилинмади, аксинча, бозор муносабатларига ўтишда амалий қадам қўйилди. Иқтисодий ислохот биринчи босқичининг йўллари ва йўналишлари аниқ белгилаб берилди. Ислохотнинг Президентимиз таърифлаб берган машхур беш тамойили асосида иш юритилди. Хўш, бу қандай тамойиллар эди?! Биринчидан, иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш, иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим. Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Учинчидан, бутун янгилавиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур. Тўртинчидан, демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш зарур. Бешинчидан, янги иқтисодий, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич қарор топтириш лозим. Умуман, бозорга босқичма-босқич ўтиш тамойили алоҳида эътиборга лойиқ. Шундай азизлар, Ўзбекистон ҳеч кимнинг иқтисодий моделини танламади, ҳеч кимнинг изидан бормади, ҳеч кимдан нусха кўчирмади, ҳеч кимга оғиб ҳам кетмади, ҳеч кимга маҳлиё ҳам бўлмади. Ўзбекистон ислохотга ўтишда ўз йўлини – ўз моделини танлади.

Ислохотнинг биринчи босқичи 1994-1995 йиллардаёқ ўзининг самарасини берди. Яъни 1994 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг таназзули тўхтатилди. Айрим соҳаларда ҳатто ўсишга ҳам эришилди. 1995 йилда дон ва нефть мустақиллигига эришишда катта довондан ошиб ўтилди. Кейинги йилларда эса бу борада чўққилар забт этилди. Би. иқтисодий юксалишда МДХда олдинги ўринлардан бирига чиқиб олдик. Ваҳоланки, тўрт-беш йил олдин охиридан иккинчи ўринда эдик.

Уша пайтдаёк, яъни Ўзбекистон ислохотнинг биринчи босқичида иқтисодий тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олганидаёк Жаҳон банки президенти жаноб Жеймс Уолфенсон мухбирлар билан суҳбатда шундай деди: «Мен жаҳон банкига аъзо мамлакатлар, хусусан, Марказий Осиё минтақасига ташрифим дастури муҳокама этилганда, айнан Ўзбекистонни танладим. Зеро, ўз миллий валютасини мустақамлаш, инфляцияни жиловлash, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, нефть ва ғалла мустақиллигини таъминлаш йўлида қисқа давр мобайнида Ўзбекистон эришган муваффақиятлар алоҳида диққатга сазовордир. Айниқса, республика раҳбариятининг ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида юритаётган сиёсати Жаҳон банки учун ҳам хос бўлган инсонпарварлик ғоялари билан ҳамоҳангдир. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан танишар эканман, мен бунга яна бир бор амин бўлдим». Бу ҳеч қандай изоҳ талаб қилмайдиган эпитроф, албатта.

Хуллас, «боқиманда» республиканинг инқирозини кутганларга жавобимиз шу бўлдики, биз жуда қисқа вақтда иқтисодий бўҳронлардан қутилиб, тараққиётнинг ишончли йўлига чиқиб олдик. Бу, аввало, ўз бойлигимизга ўзимиз эгаллик қилганимиз самарасигина эмас. Аслида, халқимизнинг тадбиркорлиги, иқтисодни тараққий эттиришда танланган йўлнинг тўғрилиги, Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган ташкилотлар ҳамда давлатлар билан мустақам ҳамкорлик ўрнатилгани, энг муҳими, иқтисодга тўғри раҳбарлик қилингани катта аҳамият касб этди. Президентимиз таъбири билан айтганда, бозор муносабатларига ўтиш биз учун ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳон бўлди.

Иқтисодий ислохотнинг иккинчи босқичида эса, биринчидан, давлат мулкларини хусусийлаштириш

соҳасида бошланган ишни охирига етказиш, иккинчидан, ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, учинчидан, миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш, тўртинчидан, иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш таъминланди. Шунини қониқиш ва мамнуният билан таъкидлаб ўтиш зарурки; ислохотнинг ҳар иккала босқичида ҳам тинчлик, барқарорлик, миллий аҳиллик ва бағрикенглик, халқнинг донолиги ва ўз тақдирига, Ватанига эгаллик ҳисси, ислоний турмуш фалсафасининг юксак ғояларига содиқлик, одамларнинг дунёқарашида ва фикрлашида сифат ўзгаришлари юз бергани муваффақиятни таъминлашда муҳим омиллар бўлди.

Гап иқтисоддаги ижобий ўзгаришлар ҳақида борар экан, кичик бизнес ва тадбиркорлик ҳақида тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Агар эсингизда бўлса, 2011 йил шундай ном билан аталган эди. Ҳозир иқтисоднинг бу тармоғи ривожланиб кетди. Аслида, кичик бизнес ва тадбиркорликка эътибор халқнинг ижтимоий ҳаётини янада яхшилаш йўлида қўйилаётган муҳим қадамдир. Хўш, ҳозир оддий халқнинг ижтимоий ҳаётида қандай ўзгаришлар кўзга ташланмоқда?! Аввало, тўкинчилик ва мўл-кўлчилик. Бозорларни ва дўконларни айлансангиз, кўзингиз қувонади, дилингиз яйрайди, руҳан енгил тортасиз, шукроналар айтасиз. Сиз истаган ҳамма нарса бор. Бўлганда ҳам танлаб, саралаб, савдолашиб оладиган даражада. Баъзан мевалар арзонлигидан савдолашишга уяласиз. Президентимиз бир маърузасида илгариги замонларда кичик бизнес ва тадбиркорлик қандай номлар билан аталган бўлмасин, яъни унинг отини савдогар ёки дўкондор дейдими, хунарманд уста ёки касаначи дейдими, катта-кичик корхона эгаси дейдими, бундан қатъи назар, аждодларимиз айнан шу соҳа ҳисобидан рўзғор тебратиб, ўз оиласини, эл-юрт манфаатини таъминлаб келган, деб халқаро тилда жуда чиройли таърифлаб берганди.

Дўконлардаги ва бозорлардаги тўкинчиликнинг бош омили – тадбиркорлик ва ишбилармонлик. Ҳозир қишлоқларда ва ҳатто шаҳарлар атрофида боғ яратиш мева етиштирмаётган, теплица-иссиқхона қуриб, сабзавот-полиэ маҳсулотларини кўпайтирмаётган, чорва моллари боқиб юртимизни гўштга ва сутга сероб қилмаётган, қир-адирларга дон сепиб халқимиз дастурхонини энг азиз неъмат – нон билан беэмаётган фермерлару шахсий томорқа эгаларини топа олмайсиз.

Мамлакатимизда бундан кейин ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар эшиги очилар экан, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу билан биз жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган ўрта синфнинг шаклланишига ва унинг тобора мустақкам бўлиб боришига эришамиз. Жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмагани яхши, албатта. Унда аҳоли қатламлари табақалашиб қолади. Ўрта даражадаги ижтимоий қатлам юртимизда амалга ошириляётган ислохотларни янада чуқурлаштиришдан ҳамда мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан кўпроқ манфаатдор. Кичик бизнес ва тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётгани бор ҳақиқатдир. Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунёдаги ўн та давлат қаторидан жой олди.

Айтгандай, Ўзбекистонда саноат тўхтаб қолишини кутганлар доғда қолишди. Автомобилсозлик саноати шундай гуркираб кетдики, буни ҳатто ўз халқимиз ҳам кутмаган эди. Пахта етиштиришдан бошқа нарса ни билмайдиган халқ, деб камситганларнинг ўзлари бизда ишлаб чиқарилган автомобилларни харид қила бошлашди. Бугун бизнинг автосаноатимиз Жаҳон ав-

тосаноати етакчилари билан рақобатлашмоқда. Бир пайтлар «бетон қоришни билмайди» деб камситилган халқ бугун шаҳарсозлик, уйсозлик ва йўлсозликда МДХдаги биродарларига ибрат кўрсатяпти. Бозорлари ва дўконлари ўзида ишлаб чиқарилган телевизор, музлаткич, дазмол ва бошқа маиший техника воситалари билан тўлиб-тошган бугунги Ўзбекистон энди узоқ юртдан келадиган мих ёки болтга зор эмас. Илгари миннат билан ўлчаб берилган ёғоч-тахтага муҳтож бўлган Ўзбекистон бугун ўзининг гўзал мебелларию ёғоч буюмларини ҳаммага кўз-кўз қиляпти. Мустамлака пайтида ширин-шарбат меваларию тил ёрар қовунлари марказга сувтекин олиб кетилган бугунги мустақил Ўзбекистоннинг мазаси дунёнинг бошқа жойларида учрамайдиган меваларию савзавот-полиз маҳсулотларига маҳлиё бўлиб, иложи бўлса, харид қилишга умидвор бўлмаган давлатнинг ёки халқнинг ўзи борми?

Юқорида биз Ўзбекистон дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олганини таъкидлаб ўтдик. Бундан ташқари, Президент Ислам Каримов 2016 йил 15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қайд қилиб ўтганидек, 2015 йилда мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотига сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилди.

БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ўзбекистон МДХга аъзо мамлакатлар орасида биринчи ўринни эгаллади. Хўш, биз мустамлака пайтимизда бахтли яшашда нечанчи ўринда эдик?! Ҳозирги ёшлар буни билишлари шарт. Шунинг учун қиёслаб кўрсатиш зарур. Акс ҳолда, бугунги куннинг қадрини билишмайди.

«Аргументы ва факты» ҳафтаномазининг 1992 йилдаги сонларидан бирида мустақил давлатларнинг собиқ СССР пайтидаги, аниқроғи, 1990 йилдаги иқтисодий аҳволига доир маълумотлар эълон қилинган. Агар ўша маълумотлар таҳлил қилинса, собиқ СССР пайтида кимнинг бойлиги талон-тарож қилингани, ким боқиманда бўлгани, ким қандай аҳволда яшагани маълум бўлади-қўяди. Маълумотлар собиқ СССРнинг умумий кўрсаткичига нисбатан олинган. Собиқ СССР аҳолисига нисбатан Россиянинг аҳолиси 51,3 фоизни ташкил этгани ҳолда миллий бойлиги қарийб 60 фоизни ташкил қилган. Демак, 51,3 фоиз аҳоли собиқ СССРнинг 60 фоиз бойлигига эгалик қилган. Ўзбекистонда эса бутунлай бунинг акси бўлган, яъни республикада собиқ СССР аҳолисининг 7 фоизи яшагани ҳолда миллий бойлигимиз атиги 3,5 фоизни ташкил этган. Ерости ва ерусти бойликларимиз кўп бўлишига қарамасдан, собиқ СССР пайтида биз бошқаларга нисбатан анча қашшоқ яшаганмиз. Аҳоли жон бошига маҳсулот истеъмол қилишда ҳам ҳаммадан орқада бўлганмиз. Ўша пайтда Россия, Украина ва Беларусияда яшовчилар бизга нисбатан икки баравар кўп маҳсулот истеъмол қилишган. Жумладан, ўша пайтда Ўзбекистонда аҳоли жон бошига истеъмол қилинган маҳсулот собиқ СССРдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 59 фоизни ташкил этган. Бу Тожикистондан кейинги энг паст кўрсаткич.

Албатта, Ўзбекистоннинг иқтисодиётдаги бугунги юксак парвозига ҳасад қилувчилардан кўра ҳавас қилувчилар кўп. Улар бизнинг ишончли ҳамкорларимиздир. Дўстона рақобат ҳамиша яхши самара беради. Жаҳондаги халқаро сиёсий ташкилотлар бизнинг мустақил ташқи сиёсатдаги қадамларимизни қанчалик қадрласалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар бизнинг иқтисоддаги ютуқларимизни шунчалик эътироф этиб бораётган эканлар, демак, шунинг ўзи тенглар ичида тенг бўлганимизнинг исботидир.

Ўзимизни таниб, қадримизни тиклаб, бойлигимизга эгаллик қилиб, катта марраларга ва юксак мақомларга эришдикми, бундан кейин ҳам халқнинг дарди, юрт ободлиги, келажак ташвиши билан яшашимиз керак. Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида айтган қуйидаги сўзлари ҳар биримизни мақсад сари чорласин: «Биз озод ва обод Ватанимиз мустақиллигининг қутлуғ 25 йиллиги кенг нишонландиган 2016 йилга катта мақсад ва режалар билан қадам қўйдик. Янги тарихимизнинг энг ёрқин саҳифасини ташкил этадиган ана шу буюк санага ҳар томонлама муносиб ва салмоқли ҳисса қўшиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун улкан шарафдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламан».

“Ватанпарвар” газетаси, 28-сон,
08.07.2016

БИЗ ТЕНГЛАР ИЧИДА ТЕНГМИЗ

Мустақил ташқи сиёсат юритиш – ўта нозик иш. Халқаро ҳаётда кўриб турибмиз, бу дипломатияни мукамал эгаллаш, унинг қонуниятлари ва талабларига амал қилишнинг ўзига яраша машаққатлари бор. Албатта, танланган йўлда изчиллик ва қатъият кўрсатилсагина, долзарб халқаро масалаларда одилона ва холисона қарорлар қабул қилиниши учун курашилсагина, музокараларда мулоқот ва муросага мойиллик билдирилсагина ҳар қандай машаққатларни енгиш мумкин бўлади. Унутманг, бировларнинг йўриғига йўрғаловчилар, ўзгаларнинг таъсирига берилувчилар, таклиф ва ташаббус сиздан, маъқуллаш ва ижро этиш биздан, деб қўл қовуштириб турувчилар, моддий-маънавий ёки бошқа манфаатлар деб холисликка хиёнат қилувчилар, ўта долзарб халқаро масалаларни ҳал этишга ёндашувларда турланиб-тусланувчилар, низоли вазиятлар вужудга келган минтақаларда тинчлик ўрнатиш ишига ҳисса қўшишдан ўзларини четга

олувчилар, бошқаларниг миллий урф-одатлари, диний ва маънавий қадриятларни камситувчилар мустақил ташқи сиёсат юритувчилар эмас, балки лўттибозлик дардига мубтало бўлган мунофиқлардир. Асл мустақил ташқи сиёсат мунофиқликка бутунлай ёт бўлиб, барча сазй-ҳаракатлар дипломатик мезонларга асосланган холислик ва ҳаққонийликка, бағрикенгликка, инсонпарварликка, тўғри ва ижобий натижа берадиган қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ташқи сиёсатда ана шундай эзгуликка хизмат қиладиган йўлни танлади. Куйида ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай йўл танлайди? Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу савол ҳаммани қизиқтира бошлади. Айниқса, ташқи дунё тезроқ жавоб кутарди. Шунинг учун 1991 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистонга хориждан келатган турли даражадаги давлат арбоблари, дипломатлар ва журналистлар оқими кучайди. Шу икки ойда ҳатто давлат ва ҳукумат раҳбарлари бошлиқ бир неча расмий делегациялар ҳам келди. Атиги икки-уч ҳафта ичида Тошкентда жаҳондаги энг йирик йигирматадан ортиқ газеталар ҳамда ахборот агентликлари вакиллари келиб-кетишди. Уларнинг орасида АҚШнинг «Вашингтон пост», Англиянинг «Файнэншл таймс» ва «Индепендент», Франциянинг «Фигаро», Япониянинг «Аэра», араб дунёсининг энг нуфузли «Аш-шарқ ал-авсат» газеталари мухбирлари, масъул муҳаррирлари ва бош муҳаррирлари, шунингдек, «Ассошиэйтед пресс» жаҳон ахборот агентлиги ва бошқа ахборот агентликларининг мухбирлари бор эди. Президент Ислоҳ Каримов улардан ҳеч бирининг илтимосини эътиборсиз қолдирмади ва уларни қабул қилди ва суҳбатлашди. Айримларини алоҳида-алоҳида қабул қилиб, улар берган кўпдан-кўп саволларнинг ҳеч бирини жавобсиз қолдирмади. Шак-шубҳасиз, Ўзбекистон бундан кейин

қандай йўлни танлаб, қай йўсинда ички ҳамда ташқи сиёсат юритади, деган савол биз маҳаллий журналистларни ҳам, халқимизни ҳам қизиқтирарди.

Тез орада бу саволга жавоб топдик. Ислом Каримов «Халқ сўзи» газетасига берган интервьюсида «Бизнинг ўз йўлимиз бор» деди ва бу йўл тенглараро тенг бўлиш, кенг дунёга даллоллар ва воситачиларсиз чиқиш, халқаро муносабатлар ўрнатиш, миллатлар ҳамдўстлигига қўшилиш эканини аниқ ва лўнда қилиб айтди. Энди буни халқаро ҳуқуқий нормалар (меъёрлар) билан мустаҳкамлаш зарур эди. Бунга бироз вақт керак бўлди.

Ниҳоят, 1992 йилнинг 26 февраль куни тарихда қолди. Ўзбекистон ҳали Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинмаган эди. Президент Ислом Каримов Хельсинкида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши Якунловчи актини имзолар экан, жумладан, шундай деди: «Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган биринчи кунлардан эътиборан ўзининг ҳамма эътироф қилган ва БМТ Низомида, Хельсинки Якунловчи актида ва Париж хартиясида лўнда ифодалаб берилган қоидаларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини эълон қилди. Умумевропа жараёнида ардоқлаб, таомил тусига киритилаётган умумбашарий қадриятлар: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, оз сонли миллатларни ҳимоя қилиш, миллати ва диний, ижтимоий насл-насаби ва мавқеидан қатъи назар, давлатнинг ҳар бир фуқароси учун муносиб турмуш шароитларини яратиш талаблари бизга яқин ва тушунарлидир». Юртбошимиз яна бир ўта муҳим масалага эътибор қаратиб, урғу бериб деди: «Ўзбекистон Умумевропа жараёнига қўшилар экан, ўзининг ядросиз дунёга содиқлигини билдиради ва давлатларо муносабатларда халқаро муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш билан дўқ қилиш ва ҳар қандай зўравонлик усуллари ўзаро истисно этилишини кутди. Бу масалаларнинг ҳаммаси фақат сиёсий келишув усуллари ва воситалари билан ҳал этилади»

Давлатимиз ўз зиммасига ана шу мажбуриятларни олар экан, орадан бир неча кун ўтибоқ БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Жаҳонда тенглик сиёсатини изчил амалга ошириш мақсадида бу энг нуфузли халқаро ташкилот билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлини танлади. Ислоҳ Каримов 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида нутқ сўзлаб, барча давлатларни ва халқларни турли минтақаларда юз бераётган можароларни ҳамда бутун жаҳонда долзарб бўлиб турган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга тинчлик асосида ёндашишга чақирар экан, БМТни халқларнинг тинч-тотув яшашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзига айлантиришни таклиф қилди.

Ўзбекистон раҳбари бундай орзу-истак билан тўхтаб қолмади. Орадан икки йил ўтиб, Бош Ассамблеянинг юбилей сессиясида сўзлаган нутқида Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга доимий янги аъзолар қабул қилиш, БМТ Бош қотиби ваколатларини кучайтириш, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини янада мустаҳкамлаш юзасидан муҳим таклифлар киритди. Бу таклифлар ҳамон кун тартибидан тушгани ёки ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Айниқса, Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш билан боғлиқ масала бошқа кўплаб давлатлар томонидан ҳам маъқулланди. Чунки бугунги ўзгараётган дунё, турли минтақалардаги кескин вазиятлар, холисликка ва одилликка асосланган тенглар ичида тенглик сиёсати шуни тақозо этмоқда. Хавфсизлик Кенгаши Жаҳонда юзага келаётган вазиятлардан келиб чиқиб, тенглик ва холислик асосида барча қитъалар ва минтақаларнинг, барча давлатлар ва халқларнинг, барча динлар ва миллий қадриятларнинг манфаатларини ифодалайдиган халқаро ҳакам вазифасини ўташи керак. Шундагина БМТнинг Жаҳонда тинчликни сақлаш ва хавфсизлик-

ни таъминлашга қаратилган тезкор саъй-ҳаракатлари самарали бўлади. Бу жуда масъулиятли вазифа бўлиб БМТ Низомида қайд қилинган тенглик сиёсатининг асл моҳиятини белгилайди.

Гап Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида мустақкам тенглик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида борар экан, давлатимиз раҳбарининг тўқсонинчи йиллар охири ва иккимингинчи йиллар бошида бу борада кўрсатган изчил фаолияти ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Президентмиз ғоят қисқа вақтда БМТ Бош Котибининг Афғонистондаги махсус вакили Лаҳдар Браҳими билан бир неча марта суҳбат ўтказди, Афғонистондаги қуролли можароларни тинч йўл билан ҳал этиш ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигини янада кенгайтириш хусусида мулоқотлар олиб борди. Шу масалага бағишланиб Тошкентда ўтказилган анжуманда нутқ сўзлаб, унда иштирок этган Покистон, Эрон ва бошқа давлатларнинг делегациялари билан фикр алмашди. Шунингдек, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон президентлари Тошкентда учрашиб, террорчиликка, сиёсий ва диний экстремизмга, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтақа давлатларига таҳдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга доир ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзоладилар. Кейинчалик давлатимиз раҳбари минтақадаги вазиятга бағишланиб Бишкекда ўтказилган учрашувда иштирок этиб, Афғонистон можаросини бартараф этишда халқаро ҳамжамият, ривожланган етакчи давлатлар етарли даражада фаллиқ кўрсатмаётганини эслатиб ўтди. Юртбошимиз чегарада вазият кескинлашган пайтда Сурхондарё вилоятининг иккита туманида бўлиб, bosқинчиларга қарши курашаётган ҳарбийларнинг кайфияти, қурол-яроғи, яшаш шароити билан қизиқди. Унинг тинчлик йўлидаги мулоқотлари мунтазам тус олди. Осиёдаги,

Европадаги, Африкадаги айрим давлатларда бундай мулоқотларга қизиқиш кучайгандан кучайиб бораверди. Айниқса, Афғонистоннинг олтига қўшниси, Европа Иттифоқи, НАТО, АҚШ, Россия вакиллари билан олиб борилган мунтазам мулоқотлар бутун жаҳоннинг эътиборини тортди. Мисрнинг энг нуфузли «Ал-мустақбал» газетаси «Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё тинчликнинг ишончли элчисидир», деган бош мақола билан чиқди. Давлатимиз раҳбари «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофотига сазовор бўлди.

Ўтган йилларда мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги жуда яхши самаралар берди. Ўзбекистон раҳбарининг бир неча таклифлари эътиборга олинди. Жумладан, БМТ ҳомийлигида Нукус шаҳрида Орол денгизини ва Оролбўйини қутқариш бўйича халқаро конференция тайёрлаш ҳамда Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик, ҳамкорлик ва барқарорликни таъминлашга бағишланган халқаро семинар-кенгаш ўтказиш юзасидан киритилган таклифлар инобатга олинди ва ўз вақтида тегишли тадбирлар ўтказилди. БМТ ҳомийлигида ўтган халқаро конференцияда Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Нукус Декларацияси қабул қилинди. Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Тошкентда ўтказилган халқаро семинар-кенгашда эса БМТнинг махсус делегациясидан ташқари Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган давлатларнинг юқори мартабала делегациялари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Анжуманда муҳим тарихий ҳужжат – Баёнот қабул қилинди. Умуман, Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари фақат Марказий Осиё минтақаси манфаатига хизмат қилибгина қолмасдан, балки БМТ Жаҳон кун тартибига киритган масалаларни ҳал қилишга қўшилган муносиб ҳисса бўлди.

Мустақил ташқи сиёсатнинг ижобий натижаси халқаро миқёсда долзарб аҳамият касб этган яна бир жиддий қадамда кўзга ташланди. Яъни Ўзбекистон Марказий Осиёдаги давлатлар номидан БМТ Бош Ассамблеяси кун тартибига масала киритди. Бизнинг делегация тақдим этган «Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни яратиш тўғрисида»ги резолюцияни маъқуллаб 141 давлат овоз берди. Бу ғоянинг ташаббускори Ўзбекистон раҳбари эди. Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги шартномани минтақадаги бешта давлат имзолади. Кейинчалик бу шартномани БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган бешта давлат протокол билан тасдиқлаб кучга киритди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида жуда мураккаб вазифалар турибди. Энг муҳими, айрим минтақаларда юзага келган нотинч вазиятларни бартараф этиш масаласи. Яқин Шарқ, хусусан, Фаластин, Ироқ, Сурия, Ливия, шунингдек, Афғонистон, Кашмир, Тоғли Қорабоғ, Шарқий Украина муаммолари бўйича Ўзбекистон ўз қарашларига эга. Халқаро терроризм, наркобизнес, чегара билмайдиган жиноятчилик, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, қочоқлар, қашшоқлик, очлик, диний ва миллий-этник низолар каби бугун жаҳонни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этишга ҳисса қўшишдан ҳам Ўзбекистон четда туролмайди. Дунё сиёсат оламида юртимизнинг ўз ўрни, ўз сўзи ва ўз овози борлигини, шак-шубҳасиз, тенглар ичида тенг бўлиб мустақил ташқи сиёсатда қўйилаётган дадил, қатъиятли ва изчил қадамлар мисолида кўриб турибмиз.

Қўшнимиз Афғонистон ҳақида алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Биз бу юртнинг халқи билан кўп асрлар мобайнида бирга яшаб келганмиз. Афғон халқи 37 йилдан бери уруш олови исканжасида. Дастлаб динсиз коммунистлар бошлаб берган хунрезликларни энди бошқалар давом эттиришяпти. Бунга, аввало, миллат ичидан чиққан хоинлар, мунофиқлар ва мансабпарастлар сабабчи. Улар ўзгаларнинг ноғорасига

Ўйнаб, ўз халқини гумдон қилаётган кучлар мулоқот ва мураса йўли билан ярашиш ўрнига қайсарликни қурол қилиб олишди. Оқибатда, оддий халқ Искандар Мақдуний ва Чингизхон босқинлари пайтида кўрмаган азобларни кўряпти. Ўзбек халқи ва Ўзбекистон қўшни, қардош, диндош халқнинг бундай азобини томошабин бўлиб кузатиб туролмайди, албатта. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон раҳбари ўзи иштирок этган бирорта халқаро анжуман, ўзи ташаббус кўрсатиб ташкил этган бирорта тадбир, ўзи аниқ ва лўнда фикр баён этган бирорта суҳбат ёки интервью йўқки, қўшни давлатдаги қалтис вазият ва қардош халқ тортаётган азоб ҳақида ташвиш билан куюниб гапирмаган бўлсин. Чунки биз қўшинининг уйидаги нотинчликка бефарқ муносабатда бўладиган лоқайд халқ эмасмиз.

Аввало, давлатимиз раҳбари Афғонистондаги инқирозни бартараф этишнинг ягона йўли сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш эканини кўп марта таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Юртбошимиз икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳам аниқ лўнда ифодалаб берди. Яъни Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади. Бундай ёшдашув, бундай позиция бизнинг мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар билан муҳрлаб қўйилган. Президентимиз таъбири билан айтганда, айна шундай сиёсат олиб боришни кимнингдир «ўйин»ларига қўшилмаслик, қўшилларимиз билан тинч-осойишта яшаш, эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш, яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилади.

Шак-шубҳасиз, мустақил ташқи сиёсат юритишида фахрланишга арзийдиган ишларимиз кўп. Шу ўринда дилимиздаги бир гапни айтиб ўтмоқчимиз. Собиқ марказ таркибидан ажраб чиққан бошқа мустақил давлатларга нисбатан олганда Ўзбекистон долзарб халқаро масалаларда мустақил позицияга эгаллиги, турли таклиф ва ташаббуслар билан чиқиши, ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб то шу пайтгача бутун Марказий Осиёда тинчлик ўрнатиш ва хавфсизликни таъминлаш учун курашиб келаётгани, мамлакат ичкарасида тинчлик-осойишталикни ва миллий тотувликни таъминлашда бутун МДХ давлатларига ибрат кўрсатаётгани, Ватанни ҳимоя қилишдек куч-қудратга эгаллиги ва ўз чегарасини ўзи қўриқлаётгани, халқаро ҳаётдаги мустақил қадамлари билан нафақат ўз халқининг, балки қўшни қардош халқларнинг ҳам ҳурмат-эътиборини қозонаётгани биз ижодкорларга илҳом бағишляпти.

Бугунги Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Халқимиз ҳаётини жаҳон халқлари ҳаётидан айри ҳолда тасаввур этолмаймиз. Биз тенглар ичида тенгмиз, ҳеч нарсада ҳеч кимдан кам эмасмиз. Ички ҳамда ташқи сиёсатдаги оқиллик ва одиллик туфайли шу даражага эришдик.

*“Ватанпарвар” газетаси, 30-сон,
22.07.2016*

ОЗОДЛИК КАРВОНИНИНГ ЎЗ САРБОНИ БОР

«Афғонлар уни Зулия, ҳиндлар эса Гуру дейишади. У билан учрашиш учун энг юксак лавозимларда турган кишилар: хорижий давлатлар элчиларидан тортиб давлат арбоблоаригача Грознийга келишган». Гап бошқалардан яширин воқеаларни кўра оладиган Сунянбек Шерипов ҳақида боряпти.

«Век» газетаси ўзининг 1995 йил 21-27 июль сониданана шу мўътабар инсон билан суҳбат берди. Бу суҳбатни

«Халқ сўзи» газетаси ўзининг 1995 йил 2 август кунги со-нида кўчириб босди. Қуйида ана шу суҳбатдан бир парча берамиз:

– «Ҳозирги пайтда ҳақиқий раҳбар тўғрисидаги та-савурларингизга мос келадиган одам борми?

– Бор. У – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ис-лом Каримов! СССР парчаланиб кетганидан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Ле-кин бундай бўлмади. Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади. Истиқболни кўзлаб қилинаётган ишлар ХХI аср Ўзбекистон гуллаб-яшнайдиган аср бўлади, дейишга ҳуқуқ беради».

Озодлик карвони 1991 йил 31 август куни йўлга чиқди. Унгача унинг йўлга чиқишига қарши бўлган куч-лар турли йўллар ва усуллар билан таҳдид қилиб тур-ган эди. Шундай пайтда карвонга сарбонлик қиладиган бир журъатли ва қатъиятли инсон чиқди. Ўша куни, ўша дақиқаларда бу ҳолатни бир шоир шундай ифодалади:

Бугун бир азамат чиқиб яловга,
Ўзлигидан кечиб кириб оловга,
Она халқим учун туриб гаровга,
Буюк Туркистонга Хуррият деди.

Ваҳоланки, ўша пайтда ГКЧП деган олабўжи пайдо бўлиб, ҳаммага дағдаға қилиб турган, ундан сал олдин эса Тбилиси ва Боку қўчаларида қон тўкилган, Виль-нюс Телевидениеси биноси қонга беланиб, уни химоя қилиш учун келган одамлар қурбон бўлган эди. Шундай қалтис вазиятда Ислам Каримов Озодлик карвонини бошқаришни ўз зиммасига олганида халқимиз унинг журъати ва жасоратли қадамини олқишлади. Қутлуғ сана арафасида бу карвон бугунги манзилга қандай етиб келганини эсламасак, бўлмайди.

Мустақиллик Декларациясини 1990 йилдаёқ қабул қилдик. Демак, бизнинг ўз мақсадимиз ва танлаган ўз йўлимиз ҳаммага маълум бўлди. Буни сезган ташқи дунё Ўзбекистон раҳбарини расмий равишда таклиф

раҳбарлари ҳамда халқи Ўзбекистонда қатағон бошланишини кутди. Ўша кунларнинг ҳар бир соати жасоратга тенг эди. Халқ Исломи Каримов бу ишга жонини тикканини тушуниб етди.

Ана шундай мураккаб даврда ва қалтис вазиятларда журъат ва жасорат кўрсатиб, мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаш ва юртни бошқариш жилловини қўлга олишнинг ўзи бўладими?.. Агар Оллоҳ қўллаган ҳар қандай исёнкор руҳ ҳам ҳеч нарсага қодир эмас. Демак, журъат ва жасорат бағишлайдиган исёнкорликнинг сири кўплаб азиз-авлиёлар ва улуғ ағломлар ётган муқаддас тупроғимизда яширинган. Ана шу тупроқни азиз деб билган инсон мустақиллик қарвонини йўлдан адаштирамай бошқариб борапти.

Агар мустақиллик қарвонига тош отилмади, десақ, хато қиламиз. Буюқдавлатчилик шовинизми билан заҳарланган кучлар шу пайтгача тинчишмади ва улар бундан кейин ҳам тинишмайди. Дастлаб улар «Ўзингиздан чиққан балога қайга борурсан даъвога», деган мантиққа асосан ҳаракат қилишди. Яъни улар орамиздан сотқинлар, мунофиқлар ва оғмачиларни излашди ва топишди. Аввалдан пухта тайёрланиб, айна ана шундай хиёнаткор кучларнинг номидан иш кўрган бир гуруҳ депутатлар 1991 йилнинг 30 сентябрь куни ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида Президент Иломи Каримовга қарши зимдан уюштирилган қабих фитнани амалга ошириш ниятига сиёсий жанжал қўзғашди.

Одамда ирода кучи мустаҳкам бўлса, ҳар қандай фитнани енгар экан. Агар раҳбар иродасиз, журъатсиз, қатъиятсиз бўлса, бундай пайтда ўз жонини сақлаш учун истеъфо беради ёки қочиб қолади. Буни жаҳон тажрибасида ҳам, ҳатто МДХга аъзо айрим давлатлар мисолида ҳам кўрдик. Ўз халқини оғир аҳволда қолдириб, қочиб қолаётган раҳбарлар ҳозир ҳам оз эмас. Бироқ Иломи Каримов ўзи бошлаган ишни давом эттириш, ўзи тан-

лаган йўлдан бориш ва ўзи сарбонлик қилган карвонни «қароқчилар» қўлига топшириб қўймаслик учун ўшанда ҳам, ундан кейинги қалтис вазиятларда ҳам қатъиятлик кўрсатди. Натижада, ҳамиша ташқи ғаразгўй кучлар ҳам, ички хиёнаткор кучлар ҳам мулзам бўлиб қолавердилар.

Шунингдек, бизнинг жанубий чегараларимизда кескин вазиятлар ҳам бўлди. Дўст бўла туриб душманнинг ишини қилган ҳамкорларимиз ҳам бўлди. Бир неча марта Фарғона водийси вилоятларининг чегара ҳудудларида миллий-этник низо қўзғашга уринишлар ҳам бўлди. Ўш ва Жалолободда бунга эришдилар ҳам. Ҳатто бизнинг мустақил ташқи сиёсатдаги қадамларимизга ҳамда қарорларимизга тош отишлар ҳам, тухмат уюштиришлар ҳам бўлди. Ана шундай пайтларда Юртбошимизни ҳеч қачон сиёсий мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш, хушёрлик ва вазминлик тарк этмади.

Албатта, озод ва эркин яшаш учун машаққатли ва аёвсиз кураш олиб борган, қанча-қанча тўфон, довул ва бошқа синовларни, зулм-зўравонлик ва қатағонларни бошдан кечирган, не-не қурбонлар берган ўзбек халқи учун мустақилликнинг муқаддаслигини англаб етишнинг ўзи фахр. Биз уни дастлаб кўкариб, шохлаб, илдиз отиб, келажакда катта мевали дарахтга айланиб, мўл ҳосил берадиган ниҳол сифатида қабул қилдик. Бироқ унинг кўкариб улғайиши учун тинчлик, барқарорлик, иймон-этиқод, ўзликни англаш, миллий ва маънавий қадриятларни қадрлаш, миллатлараро тотувлик, сабр-қаноат ва бағрикенглик, тараққиёт ва фаровонлик каби кучли илдизлар керак эди. Ўтган йилларда бутун диққат-этибор ана шу илдизларни авайлаб-асраб ва озиклантириб, йил сайин тобора мустаҳкамлаб боришга қаратилди. Шундагина биз авайлайдиган Мустақиллик дарахти ҳар қандай шамол, тўфон, довул ва бўронларда йиқилмайдиган ҳамда солган меваси тўкилмайдиган бўлиб улғаяди. Ўтган йилларда бизда худди шундай бўлди.

Ўзбекистон раҳбари ўз мамлакатида тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, жаҳонда ва минтақада тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳисса қўшиш учун астойдил кураш бошлар экан, Амир Темур бобомизнинг «сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан ўн баравар фойдалироқдир» деган доно сўзларини ҳамиша ёдда тутгани унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида кузатилди. Аввало, жаҳондаги барча нуфузли халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Халқаро ҳаёт ҳам оддий ҳаётга ўхшайди. Агар қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла аҳли, обрў-эътиборли оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб турмасангиз, ҳатто ўз ўйингизда ҳам тинчлик ўрната олмайсиз.

Ана шу жиҳатдан олганда, мустақилликдан кейинги дастлабки уч-тўрт йилдаёқ Ўзбекистон Жаҳонда ва минтақада тинчлик учун фаол курашчи сифатида намоён бўлгани диққатга сазовордир. Президентимизнинг Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик кенгашида, БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Тошкент семинар-кенгашида ва бошқа халқаро анжуманларда сўзлаган нутқларида жаҳонда тинчликни ҳамда барқарорликни таъминлаш бўйича ёш Ўзбекистон давлатининг таклифлари ҳамда ташаббуслари баён қилинди. Жумладан, «Тинчлик, Барқарорлик, Ҳамкорлик» шиори остида ўтган ва жаҳондаги барча нуфузли халқаро ташкилотлардан ташқари яна 16 та мамлакатда келган малакали экспертлар иштирок этган Тошкент семинар-кенгаши Жаҳонда катта ижобий акс-садо берди. Умуман, Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва жиддий саъй-ҳаракатлари кейинчалик ҳам БМТ томонидан бир неча бор эътироф этилди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Ўзбекистонга охириги марта кеганидан кейин Президент Ислоҳ Каримовга йўллаган макту-

бида шундай ёзади: «Сиз билан учрашиб, бир қатор минтақавий ва глобал масалалар, шу жумладан, Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизлик, Афғонистондаги вазият, атроф-муҳит ҳамда иқлим ўзгариши муаммолари бўйича фикр алмашув мен учун катта шараф бўлди. Бизнинг фикрлашувларимиз ушбу масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон ғоят муҳим роль ўйнашини, шунингдек, бизнинг бардавом шериклигимиз қудратли салоҳиятга эга эканини яққол кўрсатди».

Ҳозир Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатлар ҳақида кўп гапириляпти ва ёзиляпти. Ислом Каримов тўқсонинчи йиллардаёқ бу масалага жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборини қаратган эди. У тарихда биринчи марта мустақил Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессияси минбарида туриб бу борада шундай деди: «Биз Шимолдаги тараққий этган мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар ўртасида ҳадиксираш кучайганидан хавотирдамиз. Шарқ билан Ғарб ўртасида аввал мавжуд бўлган мафқуравий муросасизлик эндиликда миллий ва диний заминдаги муросасизлик билан алмашаётгани хусусида таассуф билдирамиз». У пайтда ҳали Ироқ, Ливия, Сурия воқеалари бўлмаган эди. Бироқ қандайдир хавф туғилаётган эди. Ўша пайтда айтилган гаплар озодликка ва ҳушёрликка даъват эди. Бугунги ҳолат эса бутун инсониятни ташвишга солиб қўйди. Ўшанда Ўзбекистон раҳбари огоҳлантириб ва ташвиш билдириб қўя қолмади, балки аниқ таклиф киритди. «Шу муносабат билан, – деди Ислом Каримов ўз маърузасида, – биз БМТнинг энг муҳим органи – Хавфсизлик кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини баб-баравар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консерватив тузилмасини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чора-тадбирлар белгилаш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз».

Тўғриси, бундай аниқ ва лўнда таклифнинг ақамиятини ва моҳиятини фақат сиёсатдан беҳабар одамгина англаб етмаслиги мумкин. Одатда, бундай одамлар ғаразли мақсадни кўзлаган турли бузғунчи кучлар ва гуруҳларнинг иғвосига учиб, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда тутган йўли ва қўйган қадамларини нотўғри тушуниб, бу сиёсатни обрўсизлантириш мақсадида тинчлик ва барқарорликка атайлаб таҳдид қиладилар. Юртимиз ва халқимиз ўтган йилларда бундай оғир синовларга ҳам дуч келди. Бироқ ҳар сафар Оллоҳ мададкор бўлиб, Юртбошининг журъати ва қатъияти, халқнинг ирода, кучи ғалаба қилди.

Биз, аввало, Фарғона водийсининг айрим шаҳарларида, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли туманларида, юртимизнинг чегара ҳудудларида юз берган кўнгилсиз воқеаларни, бошимиздан ўтказган таҳликали кунларни назарда тутяпмиз.

Ҳап юртимизда ҳукм сурган тинчликка ва барқарорликка нисбатан уюштирилган суиқасдлар ҳақида борар экан, 1999 йил 16 февраль кунини эсламаслик мумкин эмас. Тошкентнинг бир неча жойида портлаш юз берди. Ватанга, Миллатга, Мустақилликка суиқасд уюштирилди. Бироқ ёвуз ниятли кучлар мақсадларига эриша олмадилар. Юртда саросима, халқнинг орасида ваҳима ва қўрқув сезилмади. Портлашлар юз берганидан кейин орадан атиги бир неча дақиқа ўтибок, Юртбошини телеэкранда кўрдик. У ўзини эркин ва дадил тутарди. Унинг иродасига тан бердик. Бошга ташвиш тушганида саросимага берилмасликни, душман хуруж қилганида, уюшқоқлик ва хушёрлик кўрсатишни, жаҳолатга қарши босиқлик ва маърифат билан курашишни, хиёнатга донорликни қарши қўйишни ва, ниҳоят, Ватанга эътибору садоқатни ҳам, эртанги кунга ишончу келажак учун фидойиликни ҳам Юртбошидан ўргандик. Бизнингча, ўшанда Президент ўзини қандай дадил ва журъатли

ва кўп қиррали мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишда ташаббускор бўлган Юртбошимиз бу нуфузли халқаро ташкилотнинг деярли барча юксак мукофотларига сазовор бўлди. ЮНЕСКО миллий илдиэларимизни, маънавият ва маданиятимизни қайта тиклашда, тарихий хотираларни жонлантиришда ва ўтмишдаги кўплаб ҳақиқатларни рўёбга чиқаришда биз билан яхши ҳамкорлик қилмоқда.

Биргина мисол. ЮНЕСКО қароргоҳида – Парижда 1996 йилда ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига, умуман, темурийлар даврига бағишланган кўрғазма ташкил этилганини эслайлик. Унинг очилиш маросимида Президент Ислом Каримов нутқ сўзлаб, бизнинг жаҳон цивилизацияга қўшган ҳиссамизни эслатар экан, жумладан, шундай деди: «Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди. “Биз ана шу мулкни авайлаб-асраб сақлаётган юртнинг фуқаролари, юқорида номлари тилга олинган улуғларнинг авлодлари, ноёб асарлар ҳамда ёдгорликларнинг бугунги эгалари эканмиз, бундан фахрланиш билан бирга ана шу ҳақиқатни юзага чиқаришда ва жаҳоннинг эътибори ҳамда эътирофига эришишда бош-қош бўлган Юртбошимизга миннатдорчилик билдираммиз.

Озодлик қарвонининг сарбони ҳақидаги ҳикоямизни Супянбек Шериповнинг сўзи билан бошлаган эдик. Энди фикримизни унинг сўзи билан якунламоқчимиз. У шундай деди: «Ислом Каримов мусулмон мамлакатлари билан муносабатларни заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўйди. Мусулмон оламининг ўзга маъри-

фатга қарама-қарши туриши келажакнинг манзарасини белгилаб беришини ўта сезгирлик билан аниқлади. Уларнинг тўқнашувини истисно этадиган заминни яратди. Буларнинг ҳаммаси Исом Каримовнинг улуғлигини белгилайдиган сифатлардир».

Бизнингча, Ўзбекистон раҳбари нафақат давлатлараро, динлараро, миллатлараро ва маънавиятлараро муносабатларни, балки давлат бошқаруви барча бўғинларининг уйғунлигини ҳам заргарларга хос нозиклик билан йўлга қўя олди. Муносабатларнинг мураккаблашиб ёки кескинлашиб, бўғинларнинг чигаллашиб ёки тарқаб кетмаслиги учун, сўзсиз, у бошлаган улуғвор ишлари бундан кейин ҳам давом этади. Бугунги талаб ва вазият, имконият ва истак қадимги «Турон», «Туркистон», «Мовароуннаҳр» эндиликда «Ўзбекистон» деган ном билан тарихда муҳрланиб қолишини тақозо этмоқда.

*“Ватанпарвар” газетаси, 32-сон,
05.08.2016*

Ўз халқи қалбидан жой олган зотнинг номи энди тарихимиз саҳифаларида муҳрланиб қолиши шарт.

ОЗОДЛИКНИ ОЛОВЛАРДАН ОМОН САҶЛАГАН ИНСОН

Жаноза маросимидан сўнг Афғонистон Президенти Ашраф Ғани ўзининг дил изҳорини шундай баён қилди: «Ислом Каримов минтақамиздаги ўта доно инсон эди». Худди шундай. Унинг донолиги шундаки, у ғаразгўйлар аланга олдирган оловни ўчиришга қодир эди, халқаро ҳаётда ҳар қандай ноҳақликка қарши тура оларди, зўрлик ва зўравонликни мурося ва мулоқот билан енга оларди, ўзгаларни камситишга ва сурбетликка қарши туришда ўзининг қатъиятидан қайтмас эди, тинчлик ва хавфсизлик учун курашда таклифлар ҳамда ташаббусларсиз тура олмасди, дипломатияни нафақат санъат, балки юксак ақл-идрок даражасига кўтара олган инсон эди. Бу билан у Амир Темур асос солган ўзбек дипломатия мактабини янги мазмун-моҳият билан бойитди.

Мен бу фикрларни ўтган 25 йил мобайнида Ўзбекистоннинг мустақил ташқи сиёсатини кузатган сиёсий шарҳловчи сифатида айтяпман. Яқинда хориж радиосидан Қирғизистоннинг собиқ президенти Асқар Акаевнинг интервьюсини эшитдим. У шундай деди: «Биз хоҳлаймизми-йўқми, Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг Византияси. Бу – Чингиз Айтматовнинг гапи. Мен ҳамиша қадрлаб ҳурмат қиладиган Ислом Абдуғаниевич шундай давлатни қойиллатиб бошқариб, халқаро миқёсдаги лидер даражасига етдим, бунга тан бериш керак». Шундай қайғули кунларда Акаевнинг Ислом Каримов ҳақидаги дил сўзларини эшитиш ҳар қандай ўзбегу қирғиз учун ҳузур бағишлайди.

Тўғриси, орамизда Ислом Каримовнинг кимлигини, у давлатни қай даражада донолик билан бошқарганини ҳалигача англаб етмаганлар ҳам

бўлиши мумкин. Бироқ мотам кунларида ўзга юрт вакилларининг ҳиссиётларини кузатиб, қардошликнинг куч-қудратига тан бердим. Жумладан, Туркманистон Президенти Қурбонгули Бердимухамедовнинг қайғули ҳолати вужудимда муҳрланиб қолди. Унинг депсиб турган юрагида пайдо бўлган дард нидоси тилига етиб келмай муҳрланиб қолар, айтмоқчи бўлган сўзини зўрға ичидан суғуриб олар эди. У Ислом Каримовнинг вафотини жуда оғир қабул қилди. Туркманлар ҳам, ўзбеклар ҳам уларни ота-боладек, оға-инидек, туғишганлардек, дўғонлардек, қадрдон биродарлардек қабул қилишарди. Бердимухамедов Ислом Каримовнинг доно сўзларини қайта-қайта такрорлар экан, буюк қардошига ҳамиша содиқ қилишини, бу содиқлик ўзбек ва туркман халқларининг абадий қардошлигида намоён бўлишини таъкидлади. Эҳтимол, содиқлик тимсоли сифатида совға қилинган туркман тулпори ҳам ҳозир қайғудадир.

Ислом Каримовнинг донолиги ҳақида гап борар экан, аввало, унинг аланга олган оловларни ўчиришга қодирлигига тўхталайлик. Бизни тўғри англаб етишингиз учун жаҳонда юз бераётган бугунги воқеа-ҳодисаларни кўз олдингизга келтиринг. Ироқ, Ливия, Сурия ва Африкадаги бир қанча давлатларда аланга олган олов одамлар билан бирга шаҳар ва қишлоқларни ҳам кулга айлантиряпти. Афғонистонда «ўтин» ўрнида фойдаланиладиган жонли ва жонсиз материаллар озайиб қолгани учун ҳозирча бу ҳудуд бурқсиб тутаб турибди. Эҳтимол, ёш новдалар ўсиб-улғайиб яна «ўтин»га яраб қолишини кутишаётгандир. Украинада катта оловга ярайдиган «ўтин» ғамланыпти. Яқин Шарқда эса гугурт чақиб аланга олдиришга ўтган аср матоҳи сифатида қаралиб, портлайдиган бомбаларнинг кучига умид қилинмоқда. Тўғри-да, одамларни куйдириб бир ҳовуч кул қолдиргандан кўра ерни гиёҳ ҳам ўсмайдиган қилиб заҳарлаб қўяқолган яхши эмас-

ми?! Ҳозир Африкадаги ўндан ортиқ давлатда одамнинг динига, миллатига, мавқеига қараб уруш оловини ёқиш кучайиб борапти. Хуллас, бугунги дунё нотинч.

Хўш, бунинг сабаблари нимада? Бугунги дунёга ҳукмронлик даъвоси, геосиёсий, иқтисодий ва бошқа манфаатлар, ўзгаларнинг қадриятларига қасд, мустамлакачилик ва миллатчилик сиёсати, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ниқобидаги найранглар, шовинистик хуружлар, исломофобия, инсониятга ёт бўлган сунъий қадриятларни мажбурлаш – буларнинг ҳаммаси турли минтақалар ва давлатларда вазиятни издан чиқариб, уруш оловини ёқишда асосий восита бўлмоқда.

Эсланг, тўқсонинчи йиллар бошида Ўзбекистонда ана шундай вазият ҳукмрон эди. Собиқ марказ шундай вазиятни атайлаб вужудга келтирди ва мустақиллик эълон қилинганидан кейин эса, аксинча, ички ва ташқи кучлар бундай вазиятни кучайтириш ҳаракатини авж олди. Шовинистик кучлар, буюклик даъвосидан воз кечмаган миллатчилар, имкониятни бой бериб қўйган аламзадалар, вазиятни очарчилик ва норозилик сари буриб юборишга умидвор бўлган бузғунчилар, миссионерлар бир томондан, иккинчи томондан эса ўзимизда пайдо бўлган бақироқ демократлар, мансабпарастлар, маҳаллийчилар, сохта салафийлар, халқни йўлдан оздирувчи турли оқимлар ва гуруҳлар, сотқинлар, мунофиқлар ёш мамлакатни олов исканжасида қолдирди. Сиёсий ва иқтисодий танглик вазиятида, сал хато қилинса, озодлик куйиб кул бўлиш эҳтимоли сақланиб турган бир ҳолатда Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонга раҳбарликни қўлга олди. Ўша пайтда қарама-қарши кучларнинг ҳар бири ўз ҳолича ҳаракат қиларди. Мен ўша пайтда матбуотда собиқ марказнинг бузғунчи кучларига қарши деярли ҳар куни чиқишлар қилардим, бироқ ўзимизнинг бақироқларни инсофдиёнатга чақиришнинг иложи йўқ эди. Чунки улар де-

мократия ва эркинлик ниқобидаги бошбошдоқликка қарши бўлганни халқ душмани деб эълон қилишдан тап тортишмас эди. Аслида ўша пайтдаги бошбошдоқлик, парокандалик ва бақироқлик фақат ташқи душманларимиз манфаатига хизмат қиларди.

Мана ҳозир кўриб турибсизлар, Ироқ, Ливия ва Сурияда юздан ортиқ гуруҳлар бир-бири билан урушиб, битта миллат ва битта дин вакиллари бир-бирини ўлдирыпти, ҳатто гўдак болаларни ҳам соғ қўйишмаяпти. Эътибор беринг, ҳар бирининг бошқа дин ва бошқа миллат вакилларидан ўз «демократ» ҳомийси, ўз қўлловчи «ғамхўри», ўз таъминотчи «меҳрибони» бор. Агар ўшанда бизда ҳам ҳар бир бақироққа эрк берилганида ўзбек халқи бугун бир-бирини ўлдириб, маҳаллийчилик иллатини демократиянинг ўтқир қуролига айлантириб олган бўларди. Арабларда қабилалар ўртасидаги қарама-қаршилиқ қадимдан бор. Ғарб дунёси ва бошқа ташқи кучлар ғаразли мақсадда бундан жуда усталик билан фойдаланяпти. Бизда бунга йўл қўйиб бўлмайди. Ислоҳ Каримов шуни англаб етиб ва юз бериши мумкин бўлган фожеанинг олдини олиб, ғоятда донолик кўрсатди.

Ташқи ғаразгўй кучларга келсак, уларни жуда усталик билан жиловлаб, юртимизни турли балоқазолардан сақлашда Президентимиз амалга оширган дипломатик саъй-ҳаракатлар унча-мунча раҳбарнинг қўлидан келмайди. Ислоҳ Каримов том маънода жуда кучли сиёсатчи ва бу борада жаҳон тан олган буюк давлат арбоби эди.

Андижон воқеаси, Ўш ва Жалолобод воқеалари, жангариларнинг Сурхондарё ҳудудига бостириб кириши, бир неча марта Тошкентда амалга оширилган портлатишлар, чегара бузиш ҳолатлари, Ўзбекистонни қўшнилардан яккалашга уринишлар, баъзи давлатларнинг халқаро миқёсда Ўзбекистон киритган таклифлар ҳамда ташаббусларга лоқайдлиги ёки эътиборсизлиги,

турли ниқоблар остида бизга нисбатан тамға босишга бўлган ҳаракатлар, унутманг, буларнинг ҳаммаси режалаштирилган фитналар, аниқ мақсад кўзланган бузғунчиликлар, тазйиқ ўтказиш ва ўз йўриғига юритиш усуллари, Ўзбекистон эришаётган ютуқларга нисбатан ҳасадгўйлик кўринишлари эди. Ана шундай ҳолатларда Ислом Абдуғаниевич доно инсон ва буюк давлат арбобига хос босиқлик, мулоҳазакорлик ва қатъиятлик кўрсатди. Бироқ ҳеч қачон вазиятга қараб оғмачилик ва таслимчилик қилмади, катта ва кучли давлатларнинг йўриғига йўрғаламади, ўз танлаган йўли ва принциpidан қайтмади. Халқаро ҳаётни диққат-эътибор билан кузатиб борган бўлсангиз, сезгандирсиз, Ислом акадаги ноёб истеъдод – ўта нозик дипломатик маҳорат, мулоқотга ва мурсага мойиллик, ўрни келганда ён босиш ва ечим топишга йўл ахтариш, оқиллик ва одилликка интилиш, қарор қабул қилишда мужмалланмай мардлик кўрсатиш каби хислатлар камдан-кам давлат арбобларига на-сиб этади. Президентдаги бундай хислатлар доим менга илҳом бағишлаб келди.

Ислом Каримовнинг ҳамиша сўзи билан иши бир бўлганига бир мисол. Жаҳонда кимлар демократия ва эркинлик, инсон ҳуқуқлари ҳақида кўп сафсата сотишаётган бўлса, ўшалар кўп одам ўлдиришяпти. Нима, ўлаётган ёш болалар, аёллар ва қарияларнинг яшашга ҳуқуқлари йўқми?! Ислом аканинг буюк ва доно, бир сўзли мард инсон эканлигига мисол шуки, озодликнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистонда уруш-жанжал ва низо юз беришининг олдини олиб ҳамда ҳарбийларимизни ташқи уруш-жанжалларга жалб этмасдан, бир йигитнинг йиқилишига, бир она-нинг йиғлашига, бир оиланинг мотамга ботишига йўл қўймасликни ваъда қилган эди. У умрининг охиригача шу ваъдасида турди. Айтинг, бундай давлат раҳбари қаерда бор?!

Шу билан бирга, у Куролли Кучлар Олий Бош қўмондони сифатида Ўзбекистон армиясини тубдан ислоҳ этиш, ҳарбий бўлинмаларни замонавий курол-яроғлар билан таъминлаш, армиямизнинг жанговар салоҳиятини ва қудратини ошириш, чегараларни мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг билим ва тажрибаларини, жанговар тайёргарлик ва маҳоратларини жиддий синовлардан ўтказишдек масъулиятли ишга ҳамиша жиддий эътибор бериб келди. Ёш давлатимиз фақат ташқи сиёсатдагина эмас, балки ҳарбий сиёсатда ҳам сателлитлик (бировга қарамлик) йўлини рад этди. Ҳавф-хатар туғилган қалтис вазиятларда ҳам ўзига, ўз ҳарбий куч-қудратига таянди-суянди, ўз чегараларини ўзи қўриқлади.

Ислом Каримов дастлаб Ўзбекистонга раҳбарликни қабул қилганида аниқ ишонса бўладиган битта ҳам взвод йўқ эди. Ҳозир Ўзбекистон ҳарбий куч-қудратда Европа ва Осиёдаги бир қанча номдор давлатларни ортда қолдириб кетди. Бугун Ўзбекистон Армияси ҳар қандай ҳавф-хатардан ўзини-ўзи ҳимоя қилишга қодир. Бироқ ҳарбий масалада ҳеч қачон лоқайдликка, ортиқча ишониб юборишга, ғаразгўй душманнинг ҳийла-найрангларини эътиборга олмасликка, кутилмаган вазиятларни назардан қочирмасликка йўл қўйиб бўлмайди. Агар ишончли ва кучли, жанговар ва салоҳиятли Куролли Кучларга эга бўлмасак, бизни назар-писанд қилмай қўядиганлар топилади.

Келинг, энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларнинг ўсиш суръатларида, тараққиёт ва тўкинчиликда, тинчликни таъминлаш ва бахтли яшашда, миллий тотувлик ва бағрикенгликда, ҳарбий куч-қудрат ва илм-фанда, маданият ва спортда жаҳон рейтинглари бўйича юқори ўринларда бораётган эканмиз, бу жараёнларнинг ва ютуқларнинг бош раҳнамоси, ташкилотчиси, ташаббускори ва назоратчиси Ислом

Абдуганиевич Каримов бўлганини ҳеч қачон унутма олмаймиз. Шундай экан, у кишининг ўчмас бўлиб қалбларимиздан жой олган номи энди тарихимиз саҳифаларида абадул-абад муҳрланиб қолиши шарт.

Жумладан, бошқалар қатори бу борада менинг ҳам таклифларим бор:

1. Мустақиллик йилларида қурилган ёки бутунлай қайтадан ободонлаштирилган шаҳарлардан бирига Исломобод деган ном берилиши керак.

2. Қарийб 130 йиллик мустамлака зулмидан озод бўлган давлатни тарихан қисқа муддатда оёққа турғиза олган ва жаҳонда Ўзбекистон деган давлатнинг ҳамда ўзбек миллатининг шаъни-шавкатини тиклай олган Ислом Каримовнинг номи мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларидаги дарсликларга киритилиши шарт.

3. Ўзбекистон Қурулли Кучларини ташкил этишдаги хизматлари инобатга олиниб, ҳарбий хизматда ибрат кўрсатган Ватан ҳимоячиларини мукофотлаш учун «Ислом Каримов» медалини таъсис этиш мақсадга мувофиқ.

Озодлигимизни оловлардан омон сақлаган инсоннинг руҳини шод қилиш учун эзгу ишларни қанча кўп қилсак, шунча яхши.

*“Ватанпарвар” газетаси, 37-сон,
09.09.2016*

*Ислол Каримов – Ўзбекистон Қуролли Кучлари
асосчиси ва Биринчи Олий Бош Қўмондони*

ОЗОДЛИККА БАХШИДА УМР

Баъзи одамлар билан суҳбатлашганда ниманидир тушунтирмакчи бўласиз-у, аммо деворга гапиргандай ҳиссиётда қоласиз. Мустақилликнинг 25 йиллиги арафасида газетада туркум материаллар берганимда бир таниш одам менга: «Нега озодлигимизнинг галабасини нуқул битта одам билан боғладингиз?» – деб эътироз билдирди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, ўша мен улуғлаган одам вафот этди. Шундан кейин «Ватанпарвар» газетасида «Озодликни оловлардан омон сақлаган инсон» деган сарлавҳада чиқиш қилдим. Унда мен ташқи ифвогарлар, ички бақироқлар, имкониятни бой берган шовинистлар, сохта демократлар қуршовида ўша одам мустақил давлатимизга қай даражада асос солганини исботлаб бердим. Эътирозга жавоб бўлсин деб, уни ўқиш учун танишимга берган эдим, у ўқимасдан материални қайтариб бераркан:

– Қизиқсиз-а, ҳа, сайлаб қўйишса сиз ҳам, мен ҳам бажариб кетаверамиз-да! – деди.

– Сизни билмадим-у, аммо менинг қўлимдан келмайди, – дедим.

Ана шундай фикрлайдиган одамлар йўқ эмас, бор. Мабодо, шундай одамларга, айтайлик, армияни қандай ташкил этасиз, десангиз, улар унинг даъвоси битта фармон-да, дейишдан тап тортишмайди. Бундай пайтда «фаросатингга балли», дейишдан бошқа иложингиз йўқ.

Мен мустақилликнинг дастлабки икки-уч йилида ўзимизни ҳимоя қилишнинг урдасидан чиққан имизни шерлар, сиртлонлар ва қашқирлар қуршовидан омон чиққан буқага ўхшатгим келади. Бунга менинг «фаросатли» танишимга ўхшаганлар ишонмасликла-

ри мумкин, аммо кўпчилик буни яхши англаб етмади. Ҳақиқатни инкор этган одам нафақат бугунги тинчлик ва хавфсизликнинг, балки озод ва эркин яшашнинг ҳам қадрига етмайди.


Мустақиллик арафасида собиқ СССРда ГКЧП деган ҳарбий-сиёсий тўнтариш амалга оширилганида Борис Ельцин билан Руслан Хасбулатов ўзлари қамоққа олинишларини кутиб, иш жойларидан чиқмай ётишди. Ҳиндистондаги сафарини тўхтатиб зудлик билан Ўзбекистонга қайтган Илом Каримовни Тошкент аэропортида Москвадан келган учта генерал кутиб олди. Каримов аэропортдан тўғри ҳукумат биносига бориб йиғилиш ўтказди ва ҳукумат аъзоларига ГКЧП кўрсатмаларини бажармаслик тўғрисида топшириқ берди. Борис Ельцинни қамалишдан Москва шаҳри аҳолиси сақлаб қолди. Одамлар кўчаларга чиқиб, танкларнинг йўлини тўсди ва олқишлар билан Ельцинни майдон минбарига чиқарди. Тошкентда эса Илом Каримов Москвадан келган генералларни писанд қилмай, жонини гаровга қўйиб, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини эълон қилди.


Хўш, мустақил давлатимизнинг асосчиси ўта қалтис вазиятда, оғир шароитда, шовинистлар ўч олиш учун ташланиб, ифвогарлар қуроли тўқнашувга чорлаб, демократлар бошбошдоқликни рағбатлантириш, ўзимизнинг бақироқлар мансаб илинжида бири-бирига тош отиб турган бир пайтда эълон қилинган мустақилликни қандай ҳимоя қилди ва сўнгра Қуроли Кучларни ташкил этишга қандай қилиб асос солди?! Бугунги кунда жўн ва оддий ҳисобланган бу саволга ўша пайтда жавоб топиш жуда мушкул ва мураккаб эди. Бу нарса битта-иккита фармону қарорлар билан ҳал бўлди-қўйди-да, дейдиганларнинг онгсизликларини кечириш мумкиндир, аммо улар ёшларнинг онгини шундай фикрлар билан заҳарлаши мумкинлигини кечириб бўлмайди.


















Келинг, яхшиси, ўша даврни кўз олдимизга келтирайлик. Мустақиллик эълон қилинганида собиқ Совет армияси сафида рус, украин, белорус миллатларига мансуб ўндан ортиқ Совет Иттифоқи маршаллари, юздан ортиқ қўшин турлари маршаллари, минглаб генераллар ва адмираллар бор эди. Бир неча миллионли армияда фақат биттагина ўзбек генерали бор эди. У ҳам бўлса жанговар қисмда эмас, собиқ СССРнинг Вьетнамдаги элчихонасида ҳарбий атташе бўлиб хизмат қиларди. Ваҳоланки, собиқ СССРда ўзбеклар сон жиҳатидан руслар ва украинлардан кейин учинчи ўринда турарди.

Ўшанда ҳарбий мутахассисларнинг йўқлиги Ўзбекистон мудофааси учун биринчи муаммо эди. Ҳарбий қурувчилардан жанговар қисмларни шакллантириб бўлмайти-ку. Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги ҳарбий бўлинмалар фақат Туркистон ҳарбий округига бўйсунарди. 1991 йил 6 сентябрь куни Мудофаа ишлари вазирлиги тузилгани билан унинг ихтиёрида ҳеч қандай ҳарбий куч йўқ эди. Эълон қилинган мустақилликка хавф солиб турган Туркистон ҳарбий округи эса ҳамон собиқ марказнинг буйруғини бажарарди. Бу округнинг қўмондонлиги таркибида битта ўзбек офицери йўқ эди. Бунинг устига округ қўмондонлиги ўзини қандай тутишини ҳали ҳеч ким билмасди. Бироқ литваликлар озодликни ис-таб қолганликлари учун Вильнюс кўчалари қонга беланганидан хабаримиз бор эди. Бизда қон тўкилмади, аммо Туркистон ҳарбий округининг қурол-аслаҳа ва жанговар техникаси Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиб кетила бошланди. Ана шу дамда Ислом Каримов ғоятда журъатли ва жасоратли қадам қўйди. Яъни Туркистон ҳарбий округининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий бўлинмалари Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги назоратига олинди, аниқроқ қилиб айтганда, шу вазирлик таркибига ўтказилди. Ўзбекистон ҳали

БМТга аъзо бўлмасдан олдин ўз ҳарбий куч-қудратига, ҳатто Ўрта Осиёда ҳарбий ҳаво кучларига эга ягона давлат сифатида тилга олинди.

Қўшин турлари маршаллари ва генералларга бой Украина Республикаси билан Белорусь Республикаси раҳбарлари – Леонид Кравчук билан С.Шушкевич орадан салкам икки ой ўтибоқ, Мудофаа масаласидаги журъатли қадамлари учун Ислом Каримовни табриклаш ва энди давлатлараро муносабатларни йўлга қўйиш мақсадида бирин-кетин Тошкентга келишди. Шунингдек, 1991 йил октябрь-декабрь ойларининг ўзида Ўзбекистонга бир қанча давлатларнинг президентлари ва бош вазирлари, Мудофаа вазирлари ва етакчи ҳарбий мутахассислари, жаҳондаги деярли барча йирик ахборот агентликлари ва газеталарнинг вакиллари, машҳур журналистлар ҳамда дипломатлар ташриф буюришди. Улар Ислом Каримов қабулида бўлиб, икки ўртадаги суҳбатдан Ўзбекистонда мустақилликни ҳимоя қилишнинг кафолати борлигига ишонч ҳосил қилиб кетишди.

Ўзбекистон ҳали собиқ СССР таркибида бўлганида биринчи бўлиб президентлик лавозимини жорий этди. Мустамлака республикалар орасида биринчилардан бўлиб ўз давлат мустақиллигини эълон қилди, Болтиқбўйи ва Кавказорти республикаларидан фарқли ўлароқ собиқ империянинг ҳарбий бўлинмаларини биринчи бўлиб ўзининг назорати остига олди, Марказий Осиёда биринчи бўлиб ўзининг Қуролли Кучларига эга бўлди. 1991 йил 19 октябрь куни «мўъжиза»лар юз бераётганига қизиқиш билдирган Озарбойжон Президенти Аёз Муталибов Ўзбекистонга ташриф буюрди. У бир йил олдин хорижий журналистларга айтган гапини бу ерда ҳам такрорлаб шундай деди: «Биз Ислом Каримов Ўзбекистонда президентлик лавозимини жорий этиб, ўзи президент бўлганини эшитганимизда кўрқиб кетганмиз. Ҳамма энди у марказнинг қаҳрига

учрайди деб кутарди...» Айтинг-чи, бу сўзлар изоҳ талаб қиладими?!

Туркистон ҳарбий округининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий бўлинмаларининг Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги назоратига олингани бу мураккаб ва машаққатли ишнинг бошланиши эди. Олдинда катта синовлар турарди. Дастлаб ҳарбий мутахассисларнинг бўшаб қолган ўрнини тўлдиришда бироз қийинчилик сезилгандай бўлди. Бироқ бу узоққа бормади. Биринчидан, ўзимизда жанговар ҳарбий мутахассислар тайёрлашга эътибор кучайтирилган бўлса, иккинчидан 1992-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига собиқ СССРнинг бутун ҳудудидан ҳарбий хизматни Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида давом эттириш истагини билдирган хатлар ёғилиб кетди. Хат муаллифлари асосан катта ва кичик офицерлар бўлиб, уларнинг орасида танкчилар, артиллериячилар, ҳарбий учувчилар, взвод, рота, батальон командирлари кўп эди, ҳатто денгизчилару десантчилар ҳам бор эди.

Қуролли Кучларимиз ташкилий жиҳатдан шаклланиб, энди қаддини ростлай бошлаганида атрофимизда нохуш вазиятлар вужудга кела бошлади. Тожикистонда фуқаролар уруши бошланди. Афғонистонда қарама-қарши гуруҳлар тўқнашуви кучайди. Собиқ империянинг шовинистик кучлари жазавага тушиб, телеэкранларда, радиотўлқинларида ва газеталар саҳифаларида Ўзбекистонда миллий-этник ва диний низо кўзгаш мақсадида сафсата сотиб бузғунчиликни кучайтириб юборди. Ўз ичимиздаги мансабпараст кучлар парламентда тарафкашлик қилиб, фитна кўзгай бошлади. Ҳатто иккифуқаролик ғоясини илгари суриб, ўз Ватанига нисбатан хиёнат йўлини танлаганлар ҳам бўлди. Ана шундай ўта қалтис ва мураккаб вазиятда Мудофаа ҳамда хавфсизлик ҳақида ўйлашнинг ўзи бўладими?! «Озгина адашиш, қалтис қадам бутун жумҳуриятни

издан чиқариб юбориши мумкинлигини доим англаб турдим», – деди Ислом Каримов кейинчалик «Халқ сўзи» газетасига берган интервьюсида.

Вазият тобора мураккаблашиб бораётганига қарамасдан, Ўзбекистонда мудофаани мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги журъатли, қатъиятли ва кескин чора-тадбирлар қамрови кенгайиб, ҳар бир хатти-ҳаракатнинг қонуний асосларини яратиш билан боғлиқ масалалар ечимига эътибор қаратилди. Мустақилликни ҳимоя қилиш масъулияти тез орада «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган чегара қўшинларининг бўлинмалари тўғрисида»ги Фармонни ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини тузиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилишни тақозо этди. Ўша пайтда Марказий Осиёдаги ёш мустақил давлатлар орасида фақат Ўзбекистонгина ўз чегарасини ўзи қўриқлай бошлади. Бу халқаро миқёсда ўша давр нуқтаи назаридан катта ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга иш эди. Президентнинг Фармонига кўра, Мудофаа ишлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига айлантирилди. Нафақат ҳарбий қисмлар, балки ҳарбий ўқув муассасалари ҳам республикамиз тасарруфига олинди. Шунингдек, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунлар ҳамда ҳарбий қасамёднинг янги матни қабул қилинди.

Барча жараёнларни кузатиб борган сиёсий шарҳловчи сифатида шуни айтмоқчиманки, 1994-1996 йилларда Ўзбекистон ва унинг атрофидаги ҳарбий вазият яна ҳам кескинлашди. Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазият назоратдан чиқиб, Ўзбекистонга ҳам таҳдид қила бошлади. Ислом Каримов астойдил вақт ажратиб, томонларнинг даражалари ва даъволарига қарамасдан тожик муҳолифати раҳбарлари А.Тўражонзода, О.Латифий, Х.Холиқназаров, БМТнинг Тожикистон бўйича махсус

вакили П.Рамиро, АҚШнинг Тожикистондаги элчиси С.Эскудеро, Россия чегара қўшинлари қўмондони, генерал-полковник А.Николаев ва бошқа можарога дахлдор шахслар билан қайта-қайта учрашиб, қўшнининг уйида тинчлик ўрнатиш учун куч-ғайратини аямади. Менимча, Ислом Каримов ҳамиша бўлганидек ўша пайтда ҳам бутун Марказий Осиёнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлигини ўйлаб ҳаракат қилди. Биргина 1995-1996 йилларнинг ўзида Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси очилди, «Ўзбекистон Республикасининг Миллий Хавфсизлик Кенгаши тўғрисида»ги Фармон қабул қилинди, орадан бир неча ой ўтиб Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони, Миллий Хавфсизлик Кенгаши раиси Ислом Каримов бошқарган биринчи мажлисда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Кейинги йигирма йилдан бери кузатаман, хорижнинг оммавий ахборот воситаларида нуқул «Толибон» ҳаракати Ўзбекистоннинг душмани сифатида шарҳланади. Ваҳоланки, бу масалага Ўзбекистоннинг ёндашуви бундан йигирма йил олдин аниқ ва лўнда қилиб айтилган эди. Чунончи, 1996 йил 1 октябрь куни Ўзбекистон миллий хавфсизлик кенгашининг Ислом Каримов раислигида ўтган навбатдан ташқари мажлисида «Толибон» ҳаракати мамлакат пойтахти Қобулда ҳокимиятни эгаллаб олгани натижасида вужудга келган ҳарбий-сёсий вазият кўриб чиқилиб, Ўзбекистоннинг БМТ қоидаларига, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизлик ишига, қўшни мамлакатларнинг ички ишларига аралашмасликка қаратилган тинчлик-севар ташқи сиёсатни изчиллик билан давом эттириш ва Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш тарафдори экани таъкидланди. Ўзбекистон ҳозир ҳам ҳукумат билан «Толибон» ҳаракати ўртасида мулоқотни йўлга қўйиб, мамлакатда тинчлик ўрнатиш тарафдори.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг асосчиси ва Олий Бош қўмондони сифатидаги кўпқиррали ҳамда сермашаққат фаолияти ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, биз фақат айрим даврлар ва айрим ишларнигина тилга олдик. Қуролли Кучлар қурилиши дастурининг бажарилиши, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, чегарадаги мураккаб вазиятларни назоратга олиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, ҳарбий бўлинмаларнинг жанговарлик қобилиятларини ошириш, ҳарбийлар ҳузурида бўлиб, уларнинг шарт-шароитлари билан танишиш, Қуролли Кучлар Моделлаштириш ва симуляция бўйича махсус марказида бўлиб, ҳарбийларимизнинг ўқув-тактик машғулотлар ва жанговар операцияларни моделлаштиришни ўрганиш ҳамда замонавий инфор­мацион технологияларни ўзлаштириш жараёнларини кузатиш – буларнинг ҳаммаси Қуролли Кучлар асосчиси ва Биринчи Олий Бош Қўмондон зиммасидаги бурч ва масъулият эди. У янги ҳарбий шаҳарчалардан бирини кўздан кечирганида шундай деган эди: «Мазкур ҳарбий шаҳарча келажакда бошқа ҳудудларимизда қуриладиган худди шундай мажмуалар учун намуна вазифасини ўтамоғи керак. Ўзини ҳимоя қила оладиган халқ келажакка ишонч билан қарай олади. Халқимизнинг мард ва садоқатли ҳимоячилари эса ҳеч кимдан кам бўлмайдиган шароитларга муносибдир».

“Ватанпарвар” газетаси, 1-сон,

06.01.2017

ЕТТИ БОР ЎЛЧАНГАН ВА ЎЙЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Хитой бугун Ўзбекистоннинг энг яқин, ишончли ва синовдан ўтган стратегик ҳамкорларидан бири. Аслида, бу даражага осонликча эришилмади. Чунки Хитой ўзига муносиб ва ишончли ҳамкор танлашда етти бор ўлчаб бир кесадиған давлат. Хитой биров билан ҳеч қачон геосиёсий манфаатни кўзлаб, қандайдир шартлар қўйиб, ҳамкорлик қилмайди. Бу давлатнинг кўзлаган асосий мақсади битта – ҳамкорлик иқтисодий манфаат келтириши шарт. Бунинг учун танланган шерик шунга арзийдими ёки йўқ – гап ана шунда!..

Ана шу мезондан келиб чиқиб, Хитой Ўзбекистон билан тўлақонли ҳамкорликка киришишдан олдин етти марта ўлчашдан ташқари, етти бор ўйлагани ҳам кузатилди. Бу жараён дастлаб беш йилдан саккиз йилгача, сўнгра яна ўн икки йилгача бўлган даврни ўз ичига олди. Шарҳловчи сифатида диққат билан кузатиб бордим. Икки давлат ўртасидаги алоқаларда бирон марта ҳам таваккалчилик ёки қутилмаган ҳолатлар бўлмади.

Ўлчовлар ва ўйловлар

Дастлаб нафақат хитойликлар, балки бошқалар ҳам ана шундай фикрда эди. Тўғри, Хитой Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини биринчилар қаторида тан олди. Бироқ баъзи бировларга ўхшаб, геосиёсий ёки бошқа манфаат илинжида қандайдир илтифотлар кўрсатмади. Чунки Ўзбекистон Собиқ империя таркибидаги иқтисодий жиҳатдан энг қоқоқ ва «боқиманда» республика ҳисобланарди. Озод «қул» билан олди-берди қилишга ким ҳам журъат этарди?! Бунинг устига собиқ империянинг аламзада қучлари эгалик қилаётган оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонни тез орада очарчилик, иқтисодий таназзул, миллий-этник низо ва фуқаролар уруши кутаётгани ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини авж олдириб юборди.

Ана шундай бир пайтда, яъни 1992 йил 13 март куни Ислом Каримов Хитойга биринчи давлат ташрифи билан борди. У раҳбариятдаги иккинчи шахс – Бош вазир Ли Пэн билан учрашди. Бироқ ҳеч қандай ҳужжатлар имзоланмади. Бу оддий танишув бўлди. 1992 йил 18 ноябрь куни Хитой ташқи ишлар вазири Тошкентга келиб-кетди. Бу ҳам оддий танишув эди. Шу билан сирли жимжитлик бошланди. Элчилик алоқаларидан бошқа ҳеч қандай гап йўқ. Чунки Ўзбекистонда очарчилик бўлмаган тақдирда ҳам, иқтисодий таназзул давом этарди. Бизнинг қашшоқлигимиз ҳатто оддий савдосотиққа ҳам тўсқинлик қиларди.

Ниҳоят, 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодий таназзул тўхтади. Очарчилик ўрнига тўкинчилик ва тўқчилик бошланди. Бизда саноат ишлаб чиқаришининг турли тармоқлари вужудга кела бошлади. Ўша йили Ли Пэн Тошкентда бўлиб, авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолияти билан танишди, Ислом Каримов эса Хитойда бўлиб, Шанхайдаги дунёга машхур «Пудунь» иқтисодий ҳудуди билан танишди.

Шундан кейин ҳам иқтисодий алоқалар йўлга қўйилмади, аксинча, ўлчовлар ва ўйловлар давом этди. Ваҳоланки, Ўзбекистоннинг Япония ва Корея Республикаси билан савдо-иқтисодий алоқалари тез суръатларда ривожланиб борар эди. 1994-1999 йиллар оралиғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий йўналишда ҳеч қандай ҳужжат имзоланмади. Ҳатто 1999 йил 8 ноябрь куни Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган битим юзасидан ҳам аниқ натижалар қайд қилинмади.

Ниҳоят, тан беришди ва...

Фақат 2005 йилга келиб икки давлат ўртасидаги муносабатда янги босқичга қадам қўйилди. Май ойида Пекинда бир неча ҳужжатга имзо қўйилди. Бироқ ўлчовлар ва ўйловлар ҳамон давом этарди. Орадан яна

беш йил ўтди. Хитой раҳбари Ху Цзиньтао 2010 йил 9 июнь куни Тошкентда бўлганида биринчи марта Хитой Ўзбекистонга бундан буён вақт синовидан ўтган ишончли дўст ва муҳим шерик сифатида қарашини аниқ ва лўнда қилиб айтди ҳамда Ўзбекистон раҳбарини Хитойга расмий равишда таклиф этди. Бу ташриф 2011 йил 19-20 апрель кунлари амалга оширилди ва Ўзбекистон – Хитой муносабатларида биринчи марта умумий қиймати 5 миллиард долларлик сармоявий лойиҳалар бўйича ҳужжатлар имзоланди. Ҳатто икки ўртада олий даражадаги ҳамкорлик қўмитаси тузиш тўғрисида келишувга эришилди.

Буёғи эса тезлашиб кетди. 2012 йил июнь ойида Пекинда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида Стратегик ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Ўшанда Ислон Каримов Ху Цзиньтаодан ташқари Хитой Халқ Республикаси раисининг ўринбосари, Хитойнинг ҳозирги раҳбари Си Цзиньпин билан ҳам биринчи марта учрашди.

Хўш, қарийб йигирма йил давом этган ўлчовлар, ўйловлар, синовлар ва кузатишлардан сўнг Ўзбекистонга нега бу даражада юксак ишонч билдирилди?! Чунки бу даврга келиб, мамлакатимиз иқтисодий ўсиш суръатларида, аввало, жон бошига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда ва бошқа муҳим кўрсаткичларда жаҳондаги етакчи давлатлар сафидан ўрин олди. Иқтисодий ислохотни босқичма-босқич жорий этишнинг «Ўзбек модели» деб ном олган усули мўъжизага қодирлигини кўрсатди. Саноатни, қурилишни, транспортни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, бошқа тармоқларни тез суръатлар билан ривожлантириш, ички талаб-эҳтиёжни қондиришдан ташқари экспорт имконияти ҳам кенгайиб бораётган, бунинг устига, бировдан бир сўм ҳам қарзи бўлмаган, четдан олган сармоясини ўз вақтида қайтаришга қодир бўлган давлат билан, айтинг-чи, ким ҳам дўст ва ҳамкор

бўлишни истамайди, дейсиз?! Хитойга айнан ана шундай дўст ва ҳамкор керак эди. Хитой “айтганимни қилсанг, йўриғимга юрсанг, халқаро, дипломатик, минтақавий масалаларда қўллаб тарафкашлик қилсанг, сармоя ажратаман ёки ёрдам бераман”, дейдиган давлатлар тоифасидан эмас. Ваҳоланки, жаҳонда йўриғимга юрсанг, чегарангни қўриқлаб, худудингни ҳимоя қилиб, тўғонингни тўсиб, энг катта иншоотингни қуриб бераман, дейдиган катта ва кучли давлатлар ҳам бор. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда танлаган йўли бунга бутунлай зид. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам ўзларига муносиб шерик, яқин дўст ва ишончли ҳамкор топа олди.

Довон ошган чўққини кўзлар

Хитойнинг олдинги раҳбари Ўзбекистонни вақт синовидан ўтган ишончли дўст ва муҳим шерик сифатида тан олиб, дастлабки савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликка асос солган бўлса, ҳозирги раҳбари бу ҳамкорлик қамровини кенгайтириб, алоқаларда юксак довонларни кўзлаб ҳаракат қила бошлади. Фақат иқтисоддагина эмас, балки бошқа жиҳатларда ҳам саъй-ҳаракатлари кўзга ташланиб турган давлат раҳбари ўзининг ташқи дунёга қилган дастлабки расмий ташрифларидан бирида Ўзбекистонни танлади. Си Цзиньпин 2013 йилдаёқ мамлакатимизда бўлиб, Тошкент билан Самарқандни кўздан кечириб, бизнинг иқтисодий имкониятларимиз билан танишиб, юртимиз ва халқимиз салоҳиятига тан берди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида юксак довонларни эгаллаш учун кураш ўшанда бошланган эди. Ўтган тўрт йилда Ўзбекистон Хитой муносабатлари том маънодаги стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Аввало, Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилаётган инвестициялари ва кредитлари ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йили мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида 650 дан зиёд корхона фаоли-

ят кўрсатди. Икки ўртадаги товар айирбошлаш ҳажми эса 4,2 миллиард долларни ташкил этди. Шунингдек, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик иқтисод, савдо, саноат, қурилиш ва энергетикадан ташқари сиёсат, долзарб халқаро масалаларга ёндашув, илм-фан, таълим, маданий-гуманитар соҳаларни ҳам қамраб олди. Икки давлатнинг халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар бўйича позиция ва ёндашувларида ўхшашлик ёки яқинлик бор. Мамлакатларимиз ҳеч қандай шартларсиз халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Сиёсий шарҳловчи сифатида ўз фикримни айтадиган бўлсам, Хитойнинг ташқи сиёсатида бошқа баъзи катта ва кучли давлатларга ўхшаб буюк давлатчилик, шовинистик, миллатчилик, зўравонлик, бузғунчилик, ахборот хуружлари кўринишлари кўзга ташланмайди. Бундай кўринишлар бизнинг ички ҳамда ташқи сиёсатимизга ҳам, халқимиз менталитетига ҳам бутунлай ёт.

Назаримда, кейинги тўрт-беш йилда икки давлат ўртасидаги ишонч ва муносабатларни мустаҳкамлашда дастлабки довлонлардан ошиб ўтилди. Ўзбекистон ва Хитой курувчилари, муҳандислари ҳамда мутахассисларининг Қамчиқ туннелида биргаликда бажарган улғувор ишлари – ана шундай довлонлардан бири. Ҳали бунга ўхшаган кўп довлонлар забт этилади. Қадимда бир-бирларидан касбхунари ўрганган халқларимиз илгари карвон йўллари билан алоқа қилган бўлсалар, бутун темир йўллар ва автомобиль йўллари қуришда елкадош бўлиб, қитъаларни ва халқларни бир-бирлари билан боғлашда ҳам янги довлонлардан ошиб ўтишларига ишончимиз комил.

Ишлаб чиқарилгани эмас, сотилгани ҳисоб

Хитойнинг ташқи сиёсатида кўзга ташланиб турадиган яна бир ибратли ҳолат шуки, бу мамлакат ўзига мунолиб ва ишончли шерик танлашда давлатнинг катта ва кичиклигига, кучли ёки кучсизлигига, ғоявий-сиёсий тизимига, наспонийлар ёки мусулмонлар мамлакати эканига

аҳамият бермайди. Энг муҳими, танланган шерик билан ҳамкорлик самара берсин. Жаҳонда Хитой иқтисодининг устунлиги ҳам ана шунда.

Шубҳасиз, бугунги кунда Хитойнинг Ўзбекистонга ихлоси ва ишончи баланд. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи самараси ўлароқ 23 миллиард долларлик сармоя доирасида имзоланган ҳужжатлар биз учун қулай имкониятлар эшигини очади. Биз ҳам уйимизда ёки бошқа жойларда бўлсин, кимлардир қандайдир мақсадлар ва сабаблар билан яхши кўриб мўл-қўл харид қиладиган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяйлик, ҳозир савдо дўконларида ҳамда омборларда тўлиб-тошиб ётган ва қимматлигидан сотилмаётган буюмлар ўрнига арзонроғини ишлаб чиқарайлик, мол қанчалик тез ўтса, даромади шунчалик тез кўпаяди. Бир мисол: дўконларда ўтган йили 30-40 минг сўмдан сотилган эркаклар кўйлагини ҳозир 70-80 минг сўмсиз ололмайсиз ёки ўтган йили 200-300 минг сўмдан сотилган костюм-шимларни бу йил 400-500 минг сўмдан ками йўқ, деб ўтиришибди. Азизлар, Хитойнинг сармоясидан фойдаланар эканмиз, арзон маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни тез сотишга ҳам хитойликларга ўхшаб ёндашайлик. Одатда, Хитой йигирма-ўттиз миллиард долларлик сармоя доирасида асосан Россияга ўхшаган йирик давлатлар билан ҳамкорлик қилади. Бизга ҳам ана шундай юксак ишонч билдирган экан, бундай имкониятдан ишнинг кўзини билиб, ўринли фойдаланмаслик мумкин эмас. Хитой бизни кенг қамровли ҳамкорликка чорлар экан, нафақат саноат, қурилиш, транспорт, энергетика соҳаларида, балки ҳатто чиқиндиларни қайта ишлашдан ҳам даромад олиш йўллари кўрсатяпти. Бизда саноат ва маиший чиқиндилардан фойдаланишдан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ириб-чириб кетишининг олдини олиш ҳам жуда муҳим. Бу борада Хитойнинг тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ, албатта.

Негадир Хитойдаги ишсизлик ҳақида ҳеч қаерда ёзилмайди ва гапирилмайди. Бир ярим миллиард

аҳолиси бор давлат бу муаммони қандай ҳал қиляпти? Буни ўрганиш жуда муҳим. Бу муаммони ҳал қилишда бугунги Хитой социалистик стандартлар доирасидан чиқиб кетган. Ҳозир унинг ўз миллиардерлари бор. Бу мамлакатда тадбиркорликка эркинлик берилгани ҳолда ишсизликка қарши кураш ва аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий ҳимоялаш масаласи ҳамisha диққат-эътиборда бўлади.

Мен иқтисодчи эмасман. Аммо бизда ишсизлик ва ижтимоий ҳимоя ҳамisha долзарб эканини ҳис этиб тураман. Мен «бизда ёрдамга муҳтож, қийналиб яшаётган оила бўлиши мумкин эмас» деб мунофиқлик қилиб, ажратилган маблағни бошқа мақсадларга сарфлаётган маҳалла раисларини учратдим. Бу масалага тўхталиб ўтганимга сабаб шуки, эҳтимол Хитой билан кенг қамровли иқтисодий ҳамкорлигимиз жараёнида янги иш ўринларини ташкил этиш асносида шу масалада ҳам қулай ечим топармиз.

Ахлоқ бор жойда иқтисод юксалади

Хитой – буюк давлат. Бироқ бу давлат бошқа буюкларга ўхшаб ўз буюклигини пеш қилмайди. Чунки бугунги Хитой Маркснинг догматик қарашларига ёки Ғарб дунёсининг ахлоқсиз стандартларига эмас, балки буюк файласуф Конфуцийнинг юксак ахлоқий-маънавий таълимотига амал қилади. Бу таълимот негизида камтарлик, камбағалпарварлик, ҳалоллик, тўғрилик, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаслик, бошқалар билан биродарлик ётади. Ден Сяопинь Хитойнинг иқтисодий ислохотига асос солган кундан бошлаб мамлакатда шу ғояга амал қилинапти. Натижада, Хитойда қисқа даврда иқтисод билан бирга маънавият ҳам юксак, камбағаллар сони 10 барабар камайиб, бировнинг ҳисобига яшовчи ҳаромхўрлар, яъни таъмагирлар, порахўрлар, ўғрилар ва кўзбўямачилар аёвсиз жазога тортилди. Тўғрилик рағбатлантирилиб, эгриликнинг

пайи қирқилмас экан, иқтисодда ҳеч қандай мўъжиза юз бермайди. Буни Хитой тажрибаси кўрсатди.

Ден Сяопинь бошлаган ишни унинг издошлари изчил давом эттиришди. Натижада Шанхайнинг ҳозирги катта иқтисодий ҳудудида олдин карам етиштириб юрган Хитой Жаҳон иқтисодининг устунлари ҳисобланган Япония билан Германияни ортда қолдириб, Жаҳон иқтисодидида иккинчи ўринга чиқиб олди. Эсдан чиқарманг, дастлабки «учар» поездлар Ғарбда эмас, Хитойда пайдо бўлди. Ҳозир бу давлат темирйўл қурилиши, умуман, транспортни тараққий эттиришда жаҳонда биринчи ўринда туради. Аслида, бу давлатда тараққий этмаган соҳанинг ўзи йўқ.

Сиз диққат билан эътибор бериб, кузатинг: камтарликда, самимийликда, ҳеч қандай сирли нигоҳ ташламасдан ёки қитмирона луқма отмасдан, эркин, дўстона, ҳазил-мутойиба, табассум билан музокара олиб боришда, суҳбатлашишда, сайр қилишда Хитойнинг раҳбарларига ўхшаган давлат арбобларини кам учратасиз. Билмадим, мен кузатишларим жараёнида шундай хулосага келдим. Назаримда, буни биз Хитой раҳбарларининг Шавкат Мирзиёев бошлиқ Ўзбекистон делегацияси аъзоларига бўлган муносабатларида ҳам кўрдик. Мен буни Конфуция таълимотининг бизнинг маънавий-ахлоқий кадриятларимизга яқинлигидан деб биламан.

Эҳтимол, биз ҳам халқнинг дардини тингламайдиган бюрократларга ҳамда бировнинг ҳақидан кўркмайдиган таъмагирларга қарши аёвсиз кураш олиб борсак, иқтисодни янада юксалтириб, ишсизларни ва ёрдамга муҳтожларни камайтиришга эришармиз. Аслида бизда бу иш бошланди. Эндиги мақсад – лоқайдликка, муросасозликка, оғмачиликка, мунофиқликка, хиёнатга йўл бермаслик.

Айтгандай, бизнинг эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз бундан кейин ҳам етти бор ўлчаниб ва ўйланиб синовдан ўтишини унутмайлик.

*“Ватанпарвар” газетаси, 20-сон,
19.05.2017*

РУҲИЯТИ ОРОМ ОЛСИН, ДЕБ...

Ўтган ўн ойда кўплаб одамлар олдида шундай савол кўндаланг бўлди: «Ислом Каримов қандай инсон эди?» Очиғини айтаман, тириклигида у кишидаги йўқ хислатларни ҳам кўшиб улуғлаган айрим суҳбатдошларим энди бошқачароқ фикрлаган ҳолатлар ҳам бўлди. Ҳатто баъзи масалаларда шошма-шошарлик қилинмадимикан, деган фикр менинг ҳам хаёлимдан ўтди. Бироқ Ислом ака мансабидан фойдаланиб давру даврон сурадиган, бойлик орттирадиган, қариндош-уруғларига мансаб-мартаба улашадиган, шон-шуҳрат гаштини сурадиган инсон эмаслиги ҳақидаги қарорим қатъий эди. Назаримда, у давлатни, жамиятни, халқни бошқариш, қандайдир тарқоқ, носоғлом, зўравон кучлар устидан ҳукмронлик қилиш учун туғилган инсон эди. Ундаги бундай қатъият болалик ва ўсмирлик пайтларида, сўнгра ноҳақликлар гирдобида ишлаганларида шаклланган ва имконият туғилса, буни амалда кўрсатиб қўйиш учун астойдил бел боғлаган эди.

Ҳаётда идеал одам бўлмайди. Бундан минг йиллар олдин яшаган, бугун биз ҳикматларини ўқиб ибрат олаётган улуғ алломалар, авлиёлар, олимлар ва мутафаккирлар ҳаётнинг оғир синовларидан ўтганларидан сўнгина ҳикмат сўзларини айтишга қодир бўлганлар. Унгача яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик, тўғрилиқ ва эгрилик ўртасидаги курашлар жараёнида чиниқиб, сўнгра чиқарган хулосалари асосида Ватан, миллат, дин ва маънавият учун ажойиб ҳикматларни мерос қилиб қолдирганлар. Тарихни ўрганганда ва англаганда бу мероснинг аҳамиятини камситмаган ҳолда ҳар бир даврни тўғри баҳолаш зарур.

Биз Ислом Каримов шахсига, унинг хизматларига ва тарихдаги ўрнига баҳо бериш учун, аввало, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидаги мураккаб вазиятни, қолаверса, Ўзбекистоннинг мустамлака давридаги ҳолатини ақл-идрок билан ўрганиб чиқишимиз зарур.

Акс ҳолда, адашамиз ва яқин ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахсларга баҳо беришда қарама-қарши фикрларга йўл қўямиз. Ҳозирнинг ўзида мана бу иншоотни Усмон Юсупов қурдирган, Тошкент метроси – Шароф Рашидовнинг иши, мана бу бинога Ислом Каримов бош-қош бўлган, деган гаплар халқнинг орасида тарқалиб кетган. Шу аснода ҳар ким ўзига ёққан давлат арбобини улуғлайди. Бир куни бир таниқли шоир Шароф Рашидовни «авлиё» деб атаб, Усмон Юсуповни босмачилар билан боғлаб қўйди. Мен давлат раҳбарини «авлиё» деб бўлмайди, авлиёлар оддий тақводор одамлар орасида бўлади, деб балого қолдим. У мен билан ёқалашгудек бўлди.

Азизлар, будай сафсатабозликка барҳам берилмас экан, аҳиллигимиз дарз кетиб, маҳаллийчилик микро-би жонланиб, мунофиқлик ва хиёнат куртаги ниш уриб, бошимизга балолар ёғилиши мумкин. Агар биз ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида юртимизга жиддий хавф-хатар солиб турган ўша қалтис ва мураккаб вазиятнинг нозиклигини орадан 26 йил ўтганидан сўнг ҳам англаб етмаган бўлсак, унда манқуртлик сиртмоғидан қутулсак ҳам, айримларимиз ҳали-ҳануз манқуртларга ўхшаб фикрлашдан қутулмабмиз. Наҳотки, ҳар куни ўнлаб телеканаллар ва юзлаб журналистлар Марказий Осиёни бой бериб қўйганидан афсус-надомат чекиб, куну тун буюк давлатчилик ва буюк миллатчилик шовинизми руҳида кўрсатувлар тайёрлаб ва мунозаралар уюштириб, оҳ-воҳ қилаётганларини кўра билатуриб ҳам, ақлимиз кирмаса?! Улар бизнинг турли оҳангда гапиришимизни, бир-биримизни инкор этишимизни, турли гуруҳлар ва тарафкашларга бўлинишимизни, собиқ империя давридаги «тенглик»ни қўмсаб зорланишимизни, мустамлака давридаги Ўзбекистон раҳбарларини улуғлаш каби мустақил Ўзбекистон давридаги раҳбарларга соя солишимизни истаб, ахборот хуружларини авж олдиришаётганини наҳотки англаб етмасак?!

Турли даврларда Ўзбекистонга раҳбарлик қилган арбобларнинг деярли ҳаммаси халқимиз учун азиз ва қадрли. Уларнинг номлари юртимиз тарихида ва халқимиз қалбида муҳрланиб қолади, албатта. Жумладан, ҳозир Шароф Рашидов номини абадийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўриляпти. Бироқ республика раҳбари сифатида эркин ҳаракат қилишларида давр тақозосига кўра уларнинг ўртасида катта фарқ бор эди. Мустамлака даврида Ўзбекистон Москвага қарам бўлгани боис республика раҳбари ўз атрофидаги вилоятлар ва шаҳарлар миқёсидаги кадрларни танлаш ва тайинлашда, катта иншоотларни қуриш ёки бузишда, республика миқёсидаги давлат режаларини белгилашда, қандай экинлар экиш ва қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, хорижий давлатлар билан алоқа қилишда, ҳатто ғоявий-тарбиявий ишлар йўналишини белгилашда ҳам эркин ҳаракат қила олмас эди. Ҳарбий ва хавфсизлик масалалари масъулияти эса бутунлай собиқ марказ ихтиёрида эди. Лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳақиқий маъно-мантқиқдаги мустамлака эди. Республика раҳбарини тайинлаш ва вазифасидан бўшатиш ҳам собиқ марказнинг ваколатига кирар эди.

Шундай экан, энди қандай қилиб мустамлака Ўзбекистонни ва унга раҳбарликни мустақил Ўзбекистон ва унга раҳбарликка қиёслаш мумкин? Бу мантиқсизликку! Ислом Каримов мустақил Ўзбекистонга қандай қилиб қай даражада раҳбарлик қилган бўлмасин, у озод ва мустақил давлатнинг асосчиси, жаҳон тан олган давлатнинг Биринчи Президенти, Отатурк Туркия учун қандай йўлбошчи бўлса, Ислом Каримов ҳам биз учун шундай йўлбошчи. Айтгандай, унга Бухоро амирлиги, Кўқон ва Хива хонликлари ишининг давомчиси деб ҳам қарамаслик керак. Чунки бу билан баъзи мустақил давлатлар дахлсизлигига таъна қилган бўламиз. Ҳозир жаҳонда шундай давлатлар борки, беш юз-минг йил-

лар олдин босиб олинган бировларнинг ерларини ҳам ўзимники деб даъво қиляпти.

Аввало, яқин ўтмишда яшаб ўтган, халқимизнинг ҳурматини ва ишончини қозонган раҳбарларни бир-бирлари билан қиёслашнинг ўзи нотўғри. Уларга ўзбек халқининг асл фарзандлари сифатида қараш керак. Ўз вақтида Усмон Юсупов ҳам, Шароф Рашидов ҳам ўзбек халқининг фахри эди! Уларнинг номи тарихда муҳрланиб қолди. Мен тўқсонинчи йиллардаги оғир ва қалтис вазият, таҳликали кунларнинг машаққатлари, собиқ империянинг жон таслим қилиш пайтидаги тал-васалари, унинг куч тўплаб уюштирган фитналари, ана шундай пайтда Ислом Каримов қай даражада қатъият, журъат ва жасорат кўрсатгани, айниқса, унинг ташқи сиёсатда танлаган йўли ва дипломатик маҳорати ҳақида кўп ёзганман.

Бу сафар баъзи одамлар ичида ўйлаб, аммо сиртига чиқара олмай юрган дардлари, аслида, бунинг Ислом Каримовга ҳеч қандай дахли йўқлиги, бу баъзи ҳасадгўй ва ғаразгўй одамларнинг фитнаси ёки тарқатган миш-миши экани ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман. Эҳтимол, бу «Катта»дан, яъни «Ота»дан ўринсиз ранжиб, ёлғонни ҳақиқат сифатида қабул қилиб, турли ўй-хаёлларга берилиб юрганларга малҳам бўлар. Бундай сирли ҳақиқатни айтишдан кўзланган яна бир мақсад шуки, унинг руҳини шод қилган ҳолда эслайлик.

Бундан 10-15 йиллар олдин оммавий ахборот воситаларида ғалати ҳолатлар кузатила бошланди. Кутилмаганда шоирми, олимми, артистми, ҳофизми, ҳарбийми, журналистми, раҳбар ходимми, хуллас, кимдир узоқ вақт телеэкранда ёки газетада кўринмай қоладиган бўлди. Кейин тез орада ўша одам ҳақида «катта» айтганмиш деган гап тарқалади. Сўзсиз, ўйланиб қоласиз: наҳотки «ота» ҳар бир одам билан шахсан ўзи шуғулланаётган бўлса?! Унинг «таъқиқи»га

тушаётган одамлар кўпайиб бораверди. Бир куни менга ҳам навбат келди. Деярли ҳар бир сонга ялиниб-ёлвориб ҳозиржавоб шарҳ буюртма қиладиган газета бош муҳаррири шарҳимни бермади. Жиддий қиёфада: «Биз ҳам эшитдик, «Катта» айтибди, хафа бўлманг, энди мақолангизни беролмаймиз», – деди.

Ажабо, дедим-да вазиятни кузатдим. Бу 2008 йилдаги воқеа. Ана шу гап-сўздан кейинги икки ойлик муддатда «Инсон ва қонун» газетасида 4 та, «Постда» газетасида 5 та, «Фидокор»да битта, «Ҳуқуқ ва Бурч» журналида битта, «Қалқон» журналида битта мақола ва шарҳларим ҳамда «Хуррият» газетасида битта фельетоним босилди. Негадир ўзим кураторлик қилган газетадан ташқари яна битта газетага ёзганларим «Ота»га ёқмабди. Тавба, дейман ўзимга-ўзим ҳайратланиб. Наҳотки, «Ота»нинг гапи фақат иккита газетага тегишли бўлса?!

Шунга қарамасдан, 2010-2013 йилларда сермахсул ижод қилдим. «Инсон ва қонун», «Постда», «Хуррият» газеталари, «Ҳуқуқ ва бурч», «Қалқон», «Ҳидоят сари» журналлари ёзганларимни тўхтатмай бериб туришди. Сўнгра уларнинг сафига «Ватанпарвар» газетаси ва «Ўзбекистон армияси» журнали қўшилди. 2013 йилда Президент Девонидан берилган «Президентга мактублар» китобини тематик қилиб, учта газетада шарҳлаб бердим.

Кейинчалик юз берган бундай ҳолатни нафақат ўзим, балки бошқалар мисолида ҳам ўрганиб чиқдим. Маълум бўлишича, сизга ҳасад қиладиган ғаразгўй йўлини топиб, кимлардандир фойдаланиб, «Катта»нинг номи тилга олиб, миш-миш тарқатар экан. Журъатсиз бош муҳаррирнинг бундан ўтакаси ёрилади. Ваҳоланки, мен 2015 йилда Ислом Каримовнинг ёрдами билан навбатсиз Ҳаж зиёратига бориб келдим.

Ана энди ўзингиз айтинг-чи, Президентнинг номи ниқоб қилиб бировлардан ўч оладиган ҳасадгўйларни қандай ном билан аташ керак?! Агар тириклигида айтганимизда Ислом ака бундай қабиҳликни кечира ол-

мас эди. Энди эса буни унинг руҳи сезиб, ором олсин деб айтдик.

Мен Ислом Каримовни хотирлар эканман, юқоридаги ҳаётӣй мисоллар ва фикрларни айтиш билан у кишининг номини улуғлаб, руҳини шод қилишдан ташқари «Ота»дан ўринсиз ранжиганларнинг кўнгилларини ҳам овламоқчиман. Энг муҳими, биз айрим одамларни, хусусан, раҳбарларни тирикликда идеаллаштириб, ўлганларидан сўнг ёмонлашдан сақланишимиз зарур. Бу бизнинг маънавиятимизга ҳам, диний эътиқодимизга ҳам тўғри келмайди.

Бир куни бир адабиётшунос олим телеэкрандаги сўзида шоир Ғафур Ғуломни ҳазрати Хизрга қиёслади. Хизр алайҳиссаломга пайғамбарлик мақоми берилган. У тақводор ва бечора одамга жуда мушкул аҳволда қолганида кўринади ва унга нажот йўлини кўрсатади. Адабиётшунос олим шу даражада беўхшов муболага қилдики, уялганимдан телеэкранга тик қарай олмадим.

Энди ҳазрати Хизр масаласига келсак, у бадий адабиётларда кўп одамларга кўрингани айтилгани ҳолда аслида тарихий ва диний адабиётларда Ўзбекистон ҳудудида бундан 1300 йил олдин Самарқандга динни ёйиш учун келган Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиваччаси, Саҳоба Қусам ибн Аббосга ҳозирги Шоҳизинда ўрнида кўрингани қайд қилинган. Бир куни Қусам ибн Аббос жуда мушкул аҳволда қолганида ҳазрати Хизр пайдо бўлади ва унга шу ердаги ғорга кириб, жон сақлаш учун йўл кўрсатади. Кейинчалик, Амир Темур буни аниқлаш учун ер юзидаги жамики мўъжизага ва башоратга қодир тақводор зотларни ҳамда олиму уламоларни жалб қилиб, бу ҳақиқатнинг исботини топади. Шундан кейин Қусам ибн Аббос кириб кетиб, абадий кўним топган ғорнинг атрофи Шоҳизинда (Тирик шох) деб аталган муқаддас жойга айлантирилади. Айтишларича, бу ердаги ҳазрати Хизр масжиди ҳам бир минг уч юз йиллик тарихга эга.

Ислом Каримовни хотирлаб туриб, Шоҳизиндани

тилга олишимизнинг боиси шундаки, раҳматли Биринчи Президентимиз ёшлигида ҳам, Самарқандда ишлаганида ҳам, кейинчалик мамлакатга раҳбарлик қилганида ҳам бу муқаддас жойни мунтазам зиёрат қилиб туришини кўп тилга олар эди. Бу ерда онаси Санобар опа, акалари ва бошқа қариндошлари, Амир Темурнинг авлод-аждоди, кўплаб улуғ инсонлар ётгани учунгина эмас, балки бу муқаддас жой уни ўзига кўп чорлар эди. Эҳтимол, ҳар сафар мушкул аҳволда қолганида бу ерга келиб дуога қўл очганида ҳазрати Хизрнинг руҳи уни қўллаб, унга тўғри йўл кўрсатгандир. Айниқса, тўқсонинчи йилларда у шундай руҳий мададга кўп эҳтиёж сизди. Айтишларича, Соҳибқирон Амир Темур ҳам бирор улуғ ишни бошлашдан ёки узоқ сафарга отланишдан олдин Шоҳизиндани зиёрат қиларкан. Бу ер бутун дунёдан келадиган муслмонлар учун муқаддас манзил. Яқинда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Ўзбекистонда бўлганида бу манзилни зиёрат қилмасдан кетмади.

Назаримда, ҳазрати Хизрнинг Шоҳизиндани кезиб юрадиган руҳи Исломо акани тириклигидаёқ ўз таъсирига олган. Акс ҳолда, у ўлса, шу муқаддас жойга кўмишларини васият қилмаган бўларди. Бўлмаса, подшолар, шоҳлар, амирлар, президентлар ўлганидан сўнг пойтахтда қандай ҳолатда кўмилаётганидан яхши хабардор эди.

Айтмоқчи бўлган якуний фикрим шуки, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, Биринчи Президентимиз, эътиқодли инсон Иломо Каримов ҳазрати Хизр тўғри йўл кўрсатган, улуғ саҳоба кўмилган, Амир Темур абадий қўним топган шаҳарда юртимизда қурилган биринчи масжид билан ёнма-ён, Самарқанд ўзининг бутун салоҳияти билан кўзга ташланиб турадиган манзилда, ҳазрати Хизр мажмуида ётган экан, у кишини Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин, охиратини обод қилсин.

“Ватанпарвар” газетаси, 27-сон,

07.07.2017

НУР БОРКИ, СОЯ БОР

Азизлар, 26 йил ёш мустақил давлат учун оз муддат эмас. Ана шу муддат тикланиш ва тараққиёт жараёни ҳақида, давлат раҳбарининг танлаган йўли, босган қадамлари, эришган натижалари, олиб борган сиёсати, халққа маъқул бўлган ёки маъқул бўлмаган ишлари, дипломатик маҳорати ва мулоқотга мойиллиги, қарор қабул қилишдаги жасорати, журъати ёки журъатсизлиги, қатъиятлилиги ёки ўзгарувчанлиги, мухолифатга муносабати, бу масалада унга яхши кўриниш учун атрофидаги арбобларнинг тутган ўрни ва роли, у ўз атрофидаги ходимларнинг одамларни мансабга ва мукофотга тавсия этишдаги ҳалоллиги ва тўғрилигини қай даражада англаб етиши борасида фалсафий фикрлаш учун етарли. Қуйида шунга жазм этган эканман, Ислоҳ Каримов шахсини назарда тутган ҳолда мулоҳаза юритаман.

Олдиндан айтиб қўяй, мен ўзимга ва бошқаларга дахлдор қандайдир манфаатдан келиб чиқиб ёки ўтган даврда кимларгадир ноҳақликлар қилинганини хас-пўшлаш фикридан йироқман. Агар ўтмишда бўлганидек, бундай кейин ҳам тарихий жараёнларга баҳо беришдаги хатоликлардан, оғмачилик ва тарафкашлиқдан, маҳаллийчилик ва мунофиқликдан, ҳасадгўйлик ва ғаразгўйликдан, сохтакорлик ва сунъий равишда идеаллаштиришдан сабоқ олмасак, келажак авлод олдида иснодга қоламиз. Ахир юртга ҳукмронлик қилиб турганида Оллоҳ ва унинг пайғамбаридан кейинги даражада улуғланган шоҳлар, подшолар, амирлар ва президентлар кейинчалик, яъни вафот этгач ёки тахтдан тушгач қай даражада буламиққа булғанаётгани халқаро ҳаётдаги бор ҳақиқат-ку! Эсдан чиқарманг, одатда унга олампаноҳ деб сиғинганлар ҳам, уни буламиққа булғаганлар ҳам битта – у билан бирга ишлаганлардир. Бундай тубанликни халқаро ҳаётдан ис-таганча топасиз. Масалан, бизда бундай ҳолатни Ша-

роф Рашидовга нисбатан у билан 20 йил бирга ишлаган катта бир раҳбар мисолида кўрдик. Хорижий давлатларда эса бунга ўхшаган мисоллар тўлиб-тошиб ётибди. Ҳатто кечаги олампаҳо бугун зиндонбандлигига ҳам мисоллар кўп.

Айтмоқчи бўлган гапимнинг индаллоси шуки, биз Биринчи Президентимизга муносабатда жуда оқилона ва одилона йўлни танладик. Бу мўмин-муслмонларга хос йўлдир. Президент кимнинг мартабасини баланд ёки паст қилмасин, кимни хурсанд ёки хафа қилмасин, тегишли идоралар ва шахслар олиб кирган маълумотларга қай даражада ишонган ёки ишонмаган бўлмасин, ким у кишидан рози ёки норози бўлган бўлмасин, ким у кишига маддоҳлик ёки мунофиқлик қилган бўлмасин, кимлар Ўзбекистонга дўстлик ёки душманлик қилмасин, кимлардан бизга хавф-хатар туғилмасин – ҳар қандай вазият ва ҳолатда Ислоҳ ака ана шуларнинг ҳаммасини тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дипломатик санъат, мурося мулоқоти, миллий ва диний тотувлик, бағрикенглик, мулоҳазакорлик, тенглар ичида тенглик, бунёдкорлик, тўкин-сочинлик, тўқчилик сари йўналтира олди. Бундай уддабуронлик унча-мунча давлат раҳбарининг кўлидан келмайди.

Йиллар ўтиши билан Ислоҳ Каримов давридаги юксак парвозлар билан бирга пастлаб учишлари кўниш пайтидаги кўнгилсиз ҳолатлар ҳам тилга олиниши мумкин. Бунга ажабланмаслик керак. Бутун бир давлат тугул ўртамиёна бир жамоани бошқаришнинг ўзи ақл-идрокли ҳар қандай инсонни гангитиб қўяди. Чунки доноликда тенгсиз, хушёр, сезгир, фикрлашда мулоҳазали, қарор қабул қилишда донишманд ва тўғри йўл кўрсатишда Хизр даражасида бўлсангиз ҳам, ҳеч қачон идеалликка қафолат бўла олмайсиз. Бунга сабаб шуки, атрофингиздаги мунофиқ хушомадгўйлару юзсиз маддоҳлар, сирли гап ташувчилару нимадан-

дир умидвор мансабпарастлар, «содиқ» ҳасадгўйлару мушукдек «мулойим» шогирдлар атрофингизда гир-дикапалак бўлиб, ишончингизни қозониб олишгач, сизни ўз манфаатлари йўлида ўзгартиришнинг уд-дасидан чиқишади. Қарабсизки, айтадиган сўзингиз, босадиган қадамингиз, танлаган йўлингиз, қабул қиладиган қарорингиз, кимларгадир муносабатингиз, вазиятга берадиган баҳоингиз, чиқарадиган хулосан-гиз ўзгаради. Бу билан яхшими ёки ёмонми, тўғрими ёки эгрими, халққа маъқулми ёки маъқул эмасми, қонунга ва демократияга мосми ёки мос эмасми, халқаро меъёрларга муносибми ёки муносиб эмасми, хуллас, ҳамма хатти-ҳаракатлар масъулияти сизнинг зиммангизга тушади. Вақти келиб, мабодо биринчи раҳбарнинг шаънига тухмат ёғиладиган бўлса, унинг номидан иш кўриб, шундай вазиятни юзага келтирганлар қарсақ чалиб, айбни собиқ олампаноҳга тўнкаб тураверади.

Буни айтишимдан мақсад шуки, энди Ўзбекистонга халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари вакиллари, хорижлик журналистлар, ўзимиздан хорижга кетиб қолган муҳолифатчилар, бирорта айб иш қилиб ёки рухсатсиз чиқиб кетган фуқаролар, аразлаганлар, адашганлар, алданганлар, кимдандир ёки нимадандир норози бўлганлар, бирон сабаб билан ҳуқуқий паймол этилганлар, умуман, бировларнинг қутқуси зулми ва зўравонлиги сабабли юртини тарк этганлар қайтиб кела бошлайдилар. Бундай пайтда Ватанни хавф-хатардан омон сақлаб, тинчлик ва хавфсизлик учун курашган раҳбарга нисбатан гина-кудрат билан турли даъволар қилишга йўл қўймаслик зарур. Агар кимнинг қайси ташмачи ёки айғоқчида, тухматчи ёки фитначида, зўравон ёки тамғачида, қўшмачи ёки во-ситачида, ғаразгўй ёки ҳасадчида даъвоси бўлса – бу бошқа гап, қонун ёрдамида ҳаракат қилсин. Бирок Ватан ва жамиятга, давлат ва унинг собиқ раҳбарига

нисбатан даъвогарлик қиладиган бўлса, бу ношукрлик, керак бўлса, кўрнамаклик ифодасидир. Бир киши 32 миллион одамнинг ҳар бирини назорат қила олмайди. Ҳар бир Марказий идорада, ҳар бир вазирлик ва ҳокимликда, ҳар бир ташкилот ва жамоада ҳар қандай қонунсизлик, зўравонлик, ўзбошимчалик, ноҳақлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилгани учун жавобгар бўлган шахслар бор.

Юқоридаги фикрларимни асослаш учун ҳаётдан бир неча мисол келтирмоқчиман. Бир куни «Ахборот»да Тошкентнинг Шимолий вокзалидан иккита ички ишлар ходимининг қинғир ишлари ҳақида репортаж бердик. Шу заҳотиёқ бизга вазирликдан қўнғироқ бўлди. «Ҳали кўрамиз ўз ходимларингни...» деди қўнғироқ қилган одам. Орадан бир ҳафта ўтмай, «Ахборот» кўрсатувининг бир ходими «пора» билан қўлга олинди. Бу хабар Президентга ҳам етиб борди. «Ходиминг билмасдан қилиб қўйибди, мен прокурорга айтдим, уни қўйиб юборишади, йигитларинг энди эҳтиёт бўлишсин», – деди Ислом ака катта бир йиғилишда Телерадиокомпания раисига. Кейинчалик Президентга уни қўйиб юбордик, деб ҳисоб берганлар ёш журналист йигитни 15 йил қамоқда сақлашди. Хўш, дардингизни кимга айтасиз?!

Тўқсонинчи йилларнинг охирини эсланг. Ислом ака биз журналистларга ва ўша пайтдаги муфтий раҳбарларига: «Матбуотга, телевидениега чиқиб айтинглар, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф юртига қайтсин», – деб бир неча бор айтдилар. Мен «Ахборот»да бу борада бир неча чиқишлар қилдим. Бироқ мансабдор уламолар орасида у кишининг қайтишига қарши бўлганлар бор эди. Оқибатда, улар Президентга нотўғри маълумот беришарди. Худди Имом Бухорий давридагидай. Шундай улуғ зотга қарши 200 нафар ҳасадгўй уламо бирлашиб фитна уюштирди. Тарихда эса Бухоронинг ҳукмдори ёмонотлик

бўлиб қолди. Мана, орадан кўп асрлар ўтган бўлишига қарамасдан, ҳозирги уламолар ҳам нуқул Имом Бухорийни ҳукмдор қувғин қилганини айтишади, аммо фитначи уламоларни мутлақо тилга олишмайди. Энг ажабланарлиси шундаки, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф юртга қайтмаслиги учун «жон куйдирган»лардан айримлари ҳали ҳам мансаб курсиларида ўтиришибди. Келажакда улар тамғани кимга босишлари маълум. Мунофиқлар, ҳасадгўйлар, ғаразгўйлар, мансабпарастлар, маддоҳлар ҳар қандай инсонни, ҳатто Президентни ҳам қўлга олишга қодирлар.

Турли даражадаги ишчан раҳбарлар, ўта қобилиятли мутахассислар, ўз соҳасининг профессионал билимдонлари, тўғрисиўз, ҳалол-пок ва диёнатли одамлар кўпинча фитна қурбони бўлишади. Ҳасадгўйлар ва ҳаромхўрлар тил бириктириб, уларни гумдон қилишади. Бундай пайтда Президентдан, давлатдан ва жамиятдан хафа бўлмаслик керак. Аксинча, фитначиларга қарши очиқ курашиш керак. Мен ҳамиша шундай қилдим. Президентдан, давлатдан ва жамиятдан ранжиб, фитначиларни шарманда қилмай жим юриш – ожизлик белгиси. Бу руҳиятингизга ёмон таъсир кўрсатади. Оқибатда қобилиятингиз сўнади, ўзингизга ишонч йўқолади, сизни ҳафсаласизлик ва лоқайдлик қамраб олади. Фалон одам Президент бўлган пайтда менга фитна уюштирилган, деб ўша даврдаги раҳбарликка соя соладиган бўлиб қоласиз. Бундай кайфият фитначиларни баттар рағбатлантиради. Яна Имом Бухорийни ёмонотлик қилган уламоларга ўхшаганлар четда қолиб, юртни бошқарганлар шаънига доғ тушиб қолаверади.

Азизлар, собиқ иттифоқ ҳудудида ҳозир миллий қаҳрамонлар, доҳийлар, мустақил давлат асосчилари ва озодлик учун курашчилар кўп. Келинг, ҳақиқатнинг юзига тик қарайлик: ўша озодлик учун курашчиларнинг аксарияти 1991 йилда СССРни сақлаб қолиш учун курашган эдилар. Бугунги мустақил давлат асосчиларининг аксарияти ўша пайтда Иттифоқ шартно-

масини имзолашга шай бўлиб туришган эди. Ҳозирги доҳийларнинг аксарияти «озодлик», «мустақиллик» сўзларини айтишдан қўрқиб, қамоққа олинишларини кутиб ётишарди. Эндиликда миллат даҳоси номини олганларнинг аксарияти ҳар куни «Время»ни кутиб, Ислом Каримов қамоққа олингани ҳақидаги хабар ўқилишини кутишарди. Кейинчалик, буни бошқа айрим даҳоларнинг ўзлари ҳам тан олишди.

Хўш, нега биз буни тан олмаймиз?! Нега биз буни ёшларга тушунтирмаймиз? Ўша пайтда Борис Ельцин, Леонид Кравчук ва Ислом Каримовдан бошқа бирорта арбоб «мустақиллик» сўзини айтишдан қўрқарди. Ахир Михаил Горбачев 1991 йил охиригача ўз лавозимидан кетмади, унинг маршаллари ва генераллари ҳарбий ҳаракатларга шай бўлиб туришарди. Қамоққа олинадиган «миллатчилар»нинг раҳнамолари рўйхати тайёрлаб қўйилган эди. Ислом Каримовнинг ўша пайтдаги журъати жасоратга тенг эди. Унинг қамоққа олинишини кутиб, пайт пойлаган бугунги доҳийлар қаёқда-ю юрт озодлиги учун ўз жонини тиккан Ислом ака қаёқда?! Буни унутишга ҳаққимиз йўқлигини ёшларга уқтирайлик.

Ўрни келганда бир гапни айтай: менинг аксарият ҳамкасбларим ўтинга ярамайдиган тарашадек қотиб, ўт ўришга ярамайдиган ўроқдек ўтмаслашиб, тоққа чиққач тушишни билмайдиган одамдек гангиб, дон топса, чўқишдан қўрқадиган чумчуқдек олазарак бўлиб қолишган. Телевизордами, радиодами, газетадами Ислом Каримов ҳақида ёзмоқчи ёки гапирмоқчи бўлишса, нуқул битта ҳолатни – унинг Наманганга диндорлар олдига борганини такрорлашади. Булар шунчалик нўноқ бўлишмаса, деб ҳайратланаман. Ваҳоланки, Ислом аканинг бошқа журъатлари ва жасоратлари, айниқса, халқаро ҳаётдаги ўрнию дадиллиги ҳамда халқаро миқёсдаги обрў-эътибори тилларда дoston бўлишга арзийди.

*“Ватанпарвар” газетаси, 33-сон,
18.08.2017*

ЁДДА ҚОЛГАН ҲАЯЖОНЛИ ОНЛАР

Бадиий адабиётларда, тарихий асарларда, хотиралар, эсдаликлар ва эртактларда подшолар, амирлар, хонлар, беклар ҳақида кўп ёзилган. Бугунги президентлар ҳам ана шундай тоифа ва мақомдаги ҳукмдорлар сирасига киради. Бироқ улар ҳақида ёзилганларни ўқисангиз, таъмоман бир хилликни кўриб ҳафсалангиз пир бўлади. Асосан, президентнинг ўзи ва оиласи ҳақидаги гап-сўзлар. Унинг қайси ўғли ёки қизи қандай бебошликлар қилгани, унинг қанча бойлиги бор ва бу бойликни қандай йўллар билан топган, у кимларни эркалатиб юборган ёки кимларни қувғин қилган ва бошқа кўпдан-кўп миш-мишлар уни тириклигида ҳам, ўлганидан сўнг ҳам таъқиб этади.

Мен бугун Биринчи Президентимизни хотирлар эканман, бундай миш-мишларни бутунлай инкор этган ҳолда, ҳар биримизнинг мўмин-мусулмонлик бурчимиз ва масъулиятимиздан келиб чиқиб, марҳум Юртбошимизнинг яхши хислатларини, донологини, камтарлигини эслаш билан ўзбек журналистикасининг ахволи, ахборот хуружлари ва хавфсизлик масалалари ҳақида қай даражада қайғурганига эътибор қаратмоқчиман. Оддий суҳбатлардан олинган таассуротлар қайғуришнинг аҳамияти ва таъсир кучи ҳақида хулоса чиқариш учун имконият беради.

Тахминан, 1994 йилнинг баҳори эди. Радиода бош директор ўринбосари бўлиб ишлардим. Кунда бўлмасам ҳам, кунаро газеталарда озодлигимиз душманларига қарши памфлет, луқма ва шарҳларим билан чиқиб турардим. Бирон ҳафта йўқки, “Озодлик”, “Би-Би-Си”, “Америка овози” радиолари билан ахборот хуружларига қарши мулоқотга киришмаган бўлсам. Россия газеталарида босилаётган шовинистик, миллатчилик, миссионерлик, империяпарастлик ва бузғунчилик руҳидаги чиқишларнинг ҳеч бирини жавобсиз қолдиргим келмайди. Хуллас, ахборот хуружларига қарши курашга бутунлай шўнғиб кетганман. Мақсадим – озодлигимизга

гард юқтирмаслик, хавфсизлигимизни эса қаламим билан ҳимоя қилиш.

Шундай кунларнинг бирида мени Президент девонига чақириб қолишди. Бордим. “Ҳозир Президент қабулига кирасиз”, – деди масъул ходим. Бироз ҳаяжон босди. Бир пайт эшикни очиб, мени ичкарига киритиб юборишди. Атрофига стуллар қўйилган узун столнинг охирида Ислом ака ўтирибди. У ўрнидан туриб мен билан саломлашди ва ҳол-аҳвол сўради.

– Сизнинг ёзганларингизни доим ўқиб бораман, – деди ниҳоят у ва ўз сўзида давом этди: – Нега сиз бошқаларникига ўхшамайдиган қилиб ёзасиз? Бундай ёзишни қаердан ўргангансиз?

– Ислом ака, бундай ёзишни мен кўп йиллар давомида “Крокодил” журналида ҳамда “Известия” газетасида босилган лужма, фельетон, памфлет ва халқаро шарҳларни ўқиш ҳамда кузатиш жараёнида ўргандим, – дедим.

– Ўқиб-ўрганишнинг ўзи етарли эмас, бировни мулазам қилиш учун одамда яна нимадир бўлиши керак, менимча, сизда қайсарлик бор, – деди Ислом Каримов.

– Тўғри айтдингиз, сал қайсарроқман!

– Ана холос, топдим-а! – Президент шундай деб хохлаб кулди ва яна бироз вақт ҳазиллашгач, жиддий қиёфада шундай деди:

– Мустақиллигимиз ва тинчлигимиз душманлари ичкарида ҳам, ташқарида ҳам бор. Улар ҳали-бери тинчишмайди. Хавфсизлигимизга таҳдид қиладиган ахборот хуружларига ва бошқа бузғунчиликларга қарши курашишда журналистлар олдинги сафда бўлишлари зарур. Шунинг учун озодлигимиз душманларига яна ҳам ўткирроқ тилда аёвсиз зарба беришда, иложи борича уларнинг кирдикорларини фош этишда чарчаманг.

Ислом Каримов мени иккинчи марта ўз қабулига чақиртирганида президент девонида етакчи консултант бўлиб ишлар эдим.

– Тўғриси айтсам, – деди президент мен ўтири-

шим биланоқ сўз бошлаб, – иккита олий ўқув юртидаги факультетларда журналист кадрлар тайёрлашнинг аҳволи мени қониқтирмаяпти. Негадир ярқ этиб кўзга ташланадиган журналистлар жуда кам. Хўш, бунинг сабаблари нимада? Шу масалада сизнинг фикрларингизни эшитмоқчиман.

– Менимча, бунинг асосий сабабларидан бири шуки, студентларга таълим бераётган профессор-ўқитувчилар орасида амалиётчиларга қараганда назарийчиларнинг кўплигидир, яъни ўзлари ёзмайдиганлар студентларга қандай ёзиш кераклиги ҳақида оғзаки ўргатадилар. Масалан, умрида репортаж ёзмаган одам репортаж жанридан, фельетон ёзмаган одам фельетондан дарс ўтади. Бундан ўзбек миллий журналистикаси зарар кўряпти, – деб бир неча аниқ мисолларни айтдим.

Шунингдек, журналист кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ бошқа муаммолар юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимни билдирдим. Ислом Каримов ҳаммасини индамай тинглади. Кейин тугмачани босиб, Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраевни чақиртирди.

– Нарзулла, – деди Ислом Каримов у келганидан сўнг, – ҳозир олдинга Норматов киради. У менга нимани гапириб берган бўлса, сенга ҳам шуни гапириб беради. Агар керак бўлса, иккита деканингни ҳам ўзгартир, керак бўлса, профессор-ўқитувчиларни аттестациядан ўтказ. Керак бўлса, дарс беришга тажрибали журналистларни жалб қил, хуллас, иккита факультетдаги аҳволни бутунлай қайта кўриб чиқ, тушундингми?

Ислом Каримов юрт тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашни журналистларнинг иштирокисиз тасаввур қила олмас эди. Ахборот хуружларига қарши чиқиш ўз йўлига, ҳатто жиддий воқеа-ҳодисалар юз берганида ҳам журналистнинг ўткир ва кескин, бузғунчиларни фoш этиб, шарманда қиладиган сўзларини эшитишни хоҳларди. Жумладан, 1999 йил февраль ойида Тош-

кентда фожиали воқеа юз берганида ҳам, 2000 йил август ойида халқаро террористик гуруҳлар Сурхондарёнинг Сариосиё ва Узун туманлари ҳудудларига суқилиб кирганларида ҳам Ислом Каримов мени чақиртириб, телевидениеда сиёсий шарҳловчи сифатида ўзим чиқишлар қилишим зарурлигини, бунда муттаҳамларни бадном қиладиган “маҳоратим”ни аямаслигимни тайинлаган эди.

Тошкентдаги февраль воқеаларидан атиги йигирма кун олдин Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтганди. Унда мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидаги талаблардан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётган ислохотлар доирасида миллий армиямиз тузилишини янада такомиллаштириш, қўшилма ва ҳарбий қисмларнинг жанговар тайёгарлик даражасини ошириш борасидаги долзарб масалалар кўриб чиқилганди.

16 февраль куни айна террористик ҳаракатлар юз берган пайтда эса Ислом Каримов 1998 йил якунлари ва 1999 йилга мўлжалланган иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳақида маъруза қиладиганди. Террорчиларнинг хуружи худди “биз сенларга иқтисодий ривожланишни кўрсатиб қўямиз”, дегандай бўлди. Шунинг учун Президентнинг маърузаси эртасига уларга жавобан газеталарда “Келажакни жасоратли одамлар қуради” деган сарлавҳада босилди. Мен ҳам бир неча кун мобайнида “Ахборот”даги чиқишларимда халқимизнинг қалбига ғулғула солиб, бирлигимиз ва аҳиллигимизни бузиб, юртимизни ўзгаларга қарам қилиш билан мақсадларига эришмоқчи бўлганларга тигли ва тиканли сўзларимни айтдим.

Бироқ Сариосиё ва Узун туманларига ўзгаларнинг ҳудудлари орқали, уларнинг лоқайдликлари ҳамда сохта “жасорат”лари туфайли суқилиб кирганларга тигли ва тиканли сўзлар камлик қилди. Одатдагидек,

Президент девонига чақириб қолишди. Ислом Каримовнинг хонасида тахминан 3-4 нафар ҳарбийни ва 2-3 нафар фуқаро кийимидаги раҳбарни кўрдим. Афтидан, президентимиз бирлашган Куролли Кучларнинг Сариосиё аэропортидаги штабида бўлиб, жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган аскар ва офицерлар билан суҳбатлашиб, жойлардаги вазият билан танишиб қайтган кўринади. Бироз асабий ҳолатда, гаплари кескин, аммо қатъият сезилиб турарди. Ҳарбийлар ва ҳарбий бўлмаганларга кўрсатмалар берди-да, бир пайт менга қараб:

– Мана бу одам сиёсий шарҳловчимиш, ўргилдим бунақа шарҳловчидан, душман тупроғимизга кириб келди, бу одам бўлса ҳали ҳам нима дейишни билмай бош қотириб юрибди!

– Ислом ака, хато қилишдан қўрқяпман, – деб хаяжонланиб ўрнимдан турдим.

– Мен бор эканман қўрқишнинг кераги йўқ, фақат бор ҳақиқатни айтиш керак, халқ ҳаммасини билсин, шубҳа-гумонга ўрин қолмасин! – деди Президент.

Келиб зудлик билан Сурхондарёдаги мухбиримиз Жўракул Турсуновга тушдан кейин олиш шarti билан тасвири репортаж буюртма қилдим. Ўзим интернетни, ахборот агентликларини, радиохабарларни, Россия газеталарини титкилай бошладим. Интернетда ажойиб материалларга дуч келдим. Бир материалда қўшни давлатлардан бирининг генерали жангарилар билан бўлган жангда яраланди, дейилса, бошқа бир материалда бу генерал жангда умуман қатнашмаган, балки тоғда тошга қоқилиб йиқилиб, оёғи қаттиқ лат еди, дейилган. Бир материалда жангарилар чегарадан ўтишда Россия чегарачилари билан тил топишган, дейилса, бошқа бир материалда жангарилар Ўзбекистон ҳудудига ўтишда қўшни давлатларнинг тоғли ҳудудларидаги қишлоқларда жиддий қаршиликка дуч келишмади, дейилган. Хуллас, материаллар ва тахминлар турлича.

Сурхондарёдан репортаждан ташқари Сариосиё аэропортидаги штабдан ёзиб олинган интервьюлар ҳам келди.

Ўзбекча “Ахборот” бошланишига бир соат қолганида ўзим шарҳлаган 20 минутлик материал тайёр бўлди. Ўша пайтда телерадиокомпания раисининг ўринбосари эдим.

– “Ахборот”га 20 минут катталик қилади, ярмини қисқартиринг, - деди раис.

– Қисқартирмайман, бугун Президент кўради, - дедим жиддий.

– Бу аҳволда берилмайди!

– Бўлмаса, гап бундай, - дедим мен таклиф киритиб. – Сиз ҳозир кадрлар бўйича давлат маслаҳатчисига кўнғироқ қилинг. У киши масаланинг ечимини топиб беради.

Давлат маслаҳатчиси Президентга кириб айтган экан, қисқартирмасдан тўлиқ бераверсин, дебди.

Ислом Каримовнинг бошқа кўпдан-кўп ажойиб хислатлари бор эди. Айниқса, хавфсизлик масаласида у киши учун майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқ эди. Бир мисолни айтмасам, бўлмайди.

Бир куни “Ўзбекистон овози” газетасида ички ва ташқи ғаразгўй кучлар бирлашиб, Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзегга қандай фитна уюштирилгани ҳақидаги мақола босилди. Мени шу куниёқ чақириб, Президент хузурига киритиб юборишди.

– Мана бу мақоладаги маълумотларни қаердан олдингиз? – сўради Ислом Каримов салом-алиқдан сўнг.

– Интернетдан, Россиянинг нодавлат газеталаридан, хориж радиоларидан олдим, - дедим.

– Манбалари аниқми?

– Аниқ, ҳаммаси ўзимда сақланяпти.

Президент тугмачани босиб, ўша пайтда мудофаа ва хавфсизликка масъул давлат маслаҳатчисини чақиртирди.

Давлат маслаҳатчиси киргач, Президент унга газетадаги мақолани кўрсатиб:

– Мана бу мақолани ўқидингларми? – деб сўради.

– Йўк, - деди у.

– Бўлмаса, ўқиб чиқинглар, ундаги хавфсизлик ва ҳушёрлик борасида хулоса чиқарадиган жиҳатларга эътибор беринглар! – деди Президент.

Сўнгра кетиш учун менга рухсат берар экан, қўлимни қисиб, шундай деди:

– Ҳушёрлигингиз учун раҳмат! Биз ҳушёр бўлсаккина мамлакатимиз ва халқимиз хавфсизлигини таъминлай оламиз.

Айтинг-чи, бундай одам ҳақида ёзмаслик ва уни хотирламаслик мумкинми? Мен ҳеч нарсани сохта-лаштирмасдан, бор ҳақиқатни шундайлигича ёздим. Ислоҳ Каримов ўз танлаган йўлидан қайтмайдиган, эл-юрт ва Ватан манфаати кўзланган ҳар қандай яхши маънодаги қайсарликка мойил одам эди.

“Ватанпарвар” газетаси, 35-сон,

01.09.2017

ҲАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЛИДЕР

Ислом Каримов собиқ империя тарқаб кетганидан кейин озодликка эришган мустақил мамлакатларни бошқарган давлат раҳбарлари орасида «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофотиغا сазовор бўлган ягона арбоб. Бу мукофотни унга 2002 йил 13 март куни Нью-Йорк шаҳрида жаҳоннинг ва АҚШнинг таниқли давлат ҳамда жамоат арбоби Генри Киссинжер тантанали маросимда топширди. Ўзбекистон раҳбари маросимда сўзлаган нутқида, бу мукофот ўзбек халқининг халқаро террорчиликка қарши курашга, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишдек хайрли ишга қўшган ҳиссаси учун берилган муносиб баҳо, деб таъкидлади.

Ҳўш, бундан атиги бир неча йил олдин мустамлака бўлган республиканинг эркин гапириш ва ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган раҳбари қисқа вақтда, ички ва ташқи бузғунчи кучлар хуруж қилиб турган бир пайтда қандай қилиб халқаро миқёсдаги лидер даражасига эришди? Яхшиси, бунга жавобни 1991-2002 йиллар ўртасида юз берган ўта қалтис вазиятлар ва уларни ақлидрок ҳамда сиёсий етуқлик билан енгиб ўтишдаги доноликдан излайлик. Аввало, Ислом ака ички вазиятни тўлиқ қўлга олди, ташқи кучларнинг асл мақсадларини тўғри англаб етди ва уларга қарши тура олди, иғволарга учмади ва озодлигимиз душманларига панд бермади, долзарб ички ҳамда ташқи масалаларга ёндашувларда хатога йўл қўймасликка ҳаракат қилди. Дастлабки кунларданоқ ташқи дунёга дипломатик туйнуклар тугул, дарвозалар ҳам ланг очилди, ҳар қандай мақсад ва интилишда мулоҳазалик, вазминлик, етти ўлчаб бир кесиш устунлик ва устуворлик қилди.

«Пахта экишдан бошқа нарсани билмайдиган халқ» ва унинг озодлик учун жонини тиккан раҳбари ҳузурига жаҳондаги деярли барча йирик ахборот агентликлари ва газеталарнинг вакиллари, бир қанча

таниқли давлат ва жамоат арбоблари, вазирлар ва депутатлар, ҳарбий маҳкамаларнинг раҳбарлари, ҳатто ўз мустақилликларини эълон қилса, ҳали ваколатидан воз кечмаган марказ қамаб қўйишидан қўрқиб турган айрим мустамлака республикаларнинг арбоблари, шунингдек, сиёсат оламининг турли намояндалари ёпирдилар. Уларнинг бирдан-бир мақсади қандай қилиб бўлмасин шахсан Ислоҳ Каримов билан учрашиб ва суҳбатлашиб, вазиятни аниқлаш, «оқибат»нинг асорати бор ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилиш, агар ҳаммаси кўнгилдагидек бўлса, ҳамкорликнинг бундан кейинги йўналишини белгилаб олиш эди. Тошкентга дастлаб ташриф буюрган таниқли давлат арбоблари орасида Жеймс Бейкер, Генри Киссинжер каби сиёсат оламининг билимдонлари ҳам бор эди. Агар Жеймс Бейкер Ислоҳ Каримов ва журналистлар билан учрашувдан қаноат ҳосил қилган бўлса, Генри Киссинжер Вазирлар Маҳкамасида вазирлар, депутатлар, йирик олимлар, концернлар ва банклар раҳбарлари билан мулоқотдан кўнгли тўлиб қайтди.

Биргина 1992 йилнинг ўзида Ислоҳ Каримов 16 та давлатда расмий ташриф билан бўлди, Тошкентда 59 та турли даражадаги делегацияларни қабул қилди. Шу йилнинг ўзидаёқ у таниқли давлат арбоби сифатида Ўзбекистоннинг шухратини дунёга ёйди, Давосдаги халқаро анжуманда қатнашиб, мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини асослаб берди, Хельсинкида Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг якунловчи актига имзо чекди, Москвада Ўзбекистон билан Россиянинг бундан кейинги муносабатларига аниқлик киритилган ҳужжатни имзолади. Шунингдек, Ислоҳ Каримов бир йилда мамлакатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатига дахлдор 60 дан ортиқ фармонга ҳамда 28 та қарорга имзо чекди, 40 дан ортиқ қонунни тасдиқлади, пойтахтда ва вилоятларда 26 та учрашув ўтказди, 35 та жиддий тадбирда иштирок этди, хорижлик ва ўзбекистонлик журналистлар иштирокида 7

марта матбуот анжумани ўтказди. Шу жиҳатдан олганда, мамлакатимизнинг ҳозирги Президенти Шавкат Мирзиёев ўтказётган сиёсат билан Ислом Каримов дастлабки йили ўтказган сиёсат ўртасида уйғунлик бор. Фақат ҳар иккала даврдаги вазиятдан келиб чиқиб, фарқ бўлиши мумкин.

Тўқсонинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб то охиригача хавфсизлик масаласида Марказий Осиёда вазият бироз кескинлашди. Бу, аввало толибон ҳаракати Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаб олгани, оқибатда, Россиянинг толибонга нисбатан позицияси аниқ бўлмагани ва унинг минтақадаги халқларни жиддий хавф-хатар билан қўрқитиш сиёсати ҳамда Тожикистондаги қалтис вазиятнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ эди. Хорижнинг, хусусан, Россиянинг оммавий ахборот воситаларида Афғонистондаги ўзбеклар, тожиклар ва пуштунларни бир-бирларига қарши қўйиш, бунда Мозори Шарифдаги ўзбеклар ва уларнинг раҳбарларини Ўзбекистон билан боғлаш, ҳатто Афғонистондаги иккита ўзбек генералини бир-бирларига қарши гиж-гижлаш, уларнинг қайси бири Ислом Каримовнинг одами эканига шама қилиш ташвиқоти авж олдириб юборилди. Мен Россиянинг бу борадаги ташвиқот олиб борган газеталарида босилган деярли барча шарҳлар ва мақолаларни сақлаб қўйганман.

Оқибатда, бу даврда Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни сақлаб қолиш учун тиним билмай фаолият кўрсатди. Яъни АҚШ Президенти Билл Клинтон, АҚШ вице-президенти Альберт Гор, Россия Президенти Борис Ельцин, қўшни давлатларнинг раҳбарлари, БМТ Бош қотиби Бутрос Ғолий, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Бош қотиби Вильгельм Хайнк, Тожикистон муҳолифати раҳбарлари, БМТ Бош қотибининг махсус вакили Маҳмуд Мистрий, БМТ Бош қотибининг Афғонистондаги махсус ва-

кили Лахдор Брахими каби жаҳон сиёсат оламида таъсир кучига эга бўлган арбоблар билан қайта-қайта учрашиб ва телефон орқали мулоқот қилиб, минтақадаги вазиятнинг мўътадиллигини сақлаб қолишга катта ҳисса қўшди. Ислом ака деярли ҳар ҳафтада бирорта элчи, ҳарбий мутахассис ёки халқаро ташкилот вакилини қабул қилиб, минтақадаги вазиятни муҳокама қилди.

Долзарб халқаро масалаларга ёндашувда Ислом Каримовга иккиланиш, вазиятга қараб ўнгга ёки сўлга оғиш, бировнинг йўриғига йўрғалаш каби ҳолатлар бутунлай ёт эди. Айниқса, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масаласига ёндашувда у кишидаги қатъиятлилиқка ҳеч қандай куч таъсир кўрсата олмас эди. Бу борада ўтказилган Тошкент семинар-кенгаши ана шу қатъиятнинг натижаси эди. Унинг ишида БМТ, ЕХХТ, МДХ вакиллари билан ташқари 16 та мамлакатдан келган экспертлар қатнашди. Ислом аканинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш тўғрисидаги ташаббуси ҳам жаҳонда ижобий аксадо берди. 1997 йилда, яъни Афғонистонда вазият ноаниқ бўлиб турган пайтда Тошкентда шу масалага бағишланган халқаро конференция чақирилди. Орадан тўққиз йил ўтгач, Ўзбекистон пишиб етилган бу масала юзасидан тайёрланган ҳужжатни имзолашни таклиф қилди. Бу ташаббусни минтақага яқин жойлашган иккита йирик давлат, яъни Хитой билан Россия қўллаб-қувватлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осиё ва Тинч океани минтақасидаги тинчлик ва қуролсизланиш масалалари бўйича минтақавий маркази директори Цутоми Ишигури ўшанда шартномани имзолаш маросими қатнашчиларига мурожаат қилар экан, жумладан, шундай дейди: «Бу – менинг кўп йиллик фаолиятимдаги энг қувончли кун. Мен сизларни ва бутун жаҳонни бу воқеа билан қутлайман». Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан

туғилган бу улуғвор иш кейинчалик БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлган бешта давлат томонидан шартномага қўшимча протоколни имзолаш билан ўзининг мантиқий якунига етди.

Президент Ислом Каримов дастлаб Осиё ва Европани кезиб чиқиш билан Ўзбекистонни жаҳонга танитди. Бироқ 1993 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси ишида иштирок этиш учун Нью-Йоркка борган ва Билл Клинтон билан учрашиб, суҳбатлашган бўлса-да, АҚШни яхши кашф қилмай қайтди. Кейинчалик, бу давлатни яхшироқ таниш учун 1996 йилда Вашингтонга расмий ташриф билан борди ва АҚШда 6 кун қолиб кетди. «Ислом Каримовнинг Билл Клинтон билан узоқ давом этган суҳбатида тилга олинмаган масаланинг ўзи қолмади. АҚШ Сенатининг халқаро муносабатлар қўмитаси аъзолари билан қилинган суҳбатда парламентлараро алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Юртбошимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Марказий Осиё – Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раисини қабул қилди. Жаҳон банки қароргоҳида эса ушбу банк президенти билан учрашди. Шу куни Ислом Каримов Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси янги биносининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Бошқа кунлари давлатимиз раҳбари Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида ҳамда Техас, Калорадо штатларида турли даражадаги давлат ва жамоат арбоблари, ишбилармонлар, шунингдек, банклар, агентликлар ва компанияларнинг раҳбарлари, сенаторлар билан самарали учрашувлар ўтказди, турли амалий тадбирлар меҳмони бўлди. Бу Ўзбекистон делегациясининг хорижга ташрифлари орасида энг аҳамиятлиси бўлди ва бу ташриф давомида Ислом Каримов АҚШни кашф қилди. Кейинчалик, Ўзбекистон раҳбари 2000 йил 7-8 сентябрь кунлари Нью-Йоркда АҚШ Президенти томонидан БМТнинг «Мингйиллик саммити» иштирокчилари шара-

фига уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди ва жаҳоннинг 150 дан ортиқ давлат ҳамда ҳукумат раҳбарлари қатнашаётган БМТ Бош Ассамблеяси сессияси минбаридан нутқ сўзлади.

Ислом Каримов халқаро миқёсдаги лидер сифатида жаҳонга машҳур давлат арбоблари – Сулаймон Демирел, Жак Ширак, Франсуа Миттеран, Ёсир Арафот, Сухарто, Гельмут Коль, Ху Цзиньтао ва бошқалар билан самарали ҳамкорлик қилди. Жуда кўплаб давлат раҳбарларини Тошкентга таклиф этди. Қарийб йигирматадан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбарларига ҳамроҳлик қилиб, уларни Имом Бухорий ва Баҳоуддин Нақшбанд боболаримиз зиёратига олиб борди, Ғарб дунёси бир қанча кўзга кўринган давлат арбобларининг истак-хоҳишларига кўра, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ётган жойни бориб кўришда уларга ҳамроҳлик қилди. Мен уларнинг мақбарага ва қабрга нигоҳ ташлашларини кузатдим. Сиртдан сир бой беришмасанда, ичдан тан беришлари сезилиб турарди. Бугун Ўзбекистон деган давлатни Темур бобонинг авлодлари бошқараётгани ҳаммага аён. Ислом Каримов ана шу авлоднинг кўзга кўринган вакили сифатида халқаро миқёсда танилган экан, унинг номи халқимиз хотирасида абадий сақланиб қолади.

*“Ўзбекистон армияси” журнали, 3(11)-сон,
2017 йил, сентябрь*

РЕВИЗИЯ ҚИЛМАНГ, УЯТ БЎЛАДИ

Ҳозир давлатни бошқаришда ўтиш даврини бошимиздан кечиряпмиз. Бу даврда асосан ислохотларга урғу берилмоқда. Табиийки, ислохотларга муносабат турлича бўлиши мумкин. Шак-шубҳасиз, олдинги тартиб-қоида ҳукм сурган даврда илдиз отиб, жамиятни зулукдек сўриб келган кучлар ҳамда бугунги ислохотлардан умидворлик билан ниманидир кутаётган аҳоли қатлами ўртасида қарама-қаршилик бор. Буни кўриб, сезиб, ҳис этмаслик мумкин эмас. Шунинг учун баъзан ишонч ва умидворлик деган ҳиссиётлар билан шубҳа ва гумон деган шарпалар тўқнаш келиб қолади. Айниқса, хорижнинг оммавий ахборот воситаларида, хусусан, баъзи интернет сайтларида Ўзбекистон ҳақида берилаётган шов-шувли материаллар одамларнинг аҳиллиги ва бирлигига қарши қаратилгани билан ажралиб турибди. Шу сабабли менинг сиёсий шарҳловчи сифатида жим туришим мантқиққа тўғри келмайди.

Турли сайтлардан олинган материалларни менга таниш-билишларим ва ҳамкасбларим кўрсатишади. Уларнинг баъзиларида ифвогарлик ва бузғунчилик шу даражадаки, ўқиб ҳайратдан ва нафратдан қотиб қоласиз. Биттасида илгари Ўзбекистондан кетиб қолган бир ревизионист-муҳолифотчи Ислом Каримовни мустақиллик қаҳрамони дейишларидан жазавага тушиб, ҳақиқат учун курашган мана мен мустақиллик қаҳрамониман, дебди. Бу илгари ҳокимият учун курашган, бугун намозхон бўлган ва ёши етмишдан ошган одамнинг гапи эмас, балки кўчадаги оғзи бузуқ бир безорининг гапига ўхшайди. Кўриниб турибди, агар бу одам юртига қайтса, қолган умрини Оллоҳга ибодат қилиш билан ўтказиш ўрнига шалтоғликни очик давом эттиришдан тап тортмайди.

Бошқа бир ифвогарона чиқишда эса Ислом Каримовнинг шахсиятига дахлдор шубҳалар билдири-

либди. Миллатидан қатъи назар, Оллоҳга ва унинг пайғамбарига ҳамда муқаддас китоб Қуръонга имон келтирган ҳар қандай одам мусулмон ҳисобланади. Буни билмаслик онгсизликдир. Жумладан, ўзбек бўлиш мусулмонлик учун қафолат эмас. Оллоҳга ва унинг динига имон келтирган одамгина мусулмон. Чингизхон билан Амир Темурнинг қон-қардошлиги, аждодларининг томирдошлиги бизгача етиб келган шажарадан маълум. Бироқ Амир Темур мусулмон ва Ислом динининг тараққиёти йўлида таърифга сиғмайдиган савоб ишлар қилган зот.

Ўзларини муҳолифатчи деб атаётган ревизионистларнинг мақсадлари аниқ: улар Ислом Каримов бошқа миллат ва бошқа дин вакили бўлгани учун диндорларни таъқиб этди, деган тушунчани халқнинг онгига сингдиришмоқчи. Бу масалада менинг фикрим шундай? У кишининг ким бўлганига Оллоҳдан бошқа ҳеч ким гувоҳ бўлолмайди. Бироқ у киши Ислом динининг қатъий тартиб-қоидалари бўйича, бу дин юртимизга биринчи марта Пайғамбаримизнинг амакиваччаси, саҳоба Қусам ибн Аббос томонидан милодий етти юзинчи йилларда олиб келинган Самарқанддаги муқаддас жойга, Ҳазрати Хизр масжидининг ёнига жаноза ўқилиб кўмилганига бутун халқимиз, бутун дунё мусулмонлари гувоҳ. Энди ҳадеб иғвони авж олдиравермай, тўғрироғи, муқаддас динимизга хилоф иш қилмай ўлган одамнинг руҳини тинч қўяйлик. Аламзадаликни иғво билан эмас, шукроналик билан енгил керак. Ислом динимиз ва айрим диндорларимиз таъқибга учраган ҳолатлар юзасидан менинг ҳам айтадиган фикрларим бор.

Қуруқ гап қулоққа ёқмайди. Шунинг учун мен ҳар бир фикримни ҳаётини мисоллар ва кузатишларим билан боғлайман. Икки йил олдин Ҳаж зиёратига бордим. Мадинага бориб тушган кунимизнинг эртасига кечки овқатдан сўнг меҳмонхонада ўзбекистонлик беш-

олти нафар зиёратчи Ислом Каримовни иғво қилиб ўтиришибди.

– Тўқсон иккинчи йилда зиёратга келганида Каъбага юзланиб икки ракат намоз ўқимабди-я, – деди биттаси иғвони бошлаб.

– Сиз намозни айтасиз, хатто Каъбанинг ичига кирганда ҳам эгилмабди, – деди ҳайратланиб иккинчиси.

– Бирга келганларнинг айтишларига қараганда...

– Тўхтатинглар иғвони! – дедим асабийлашиб. – Уялмайсизларми, олтмишдан-етмишдан ошган одамсизлар-а?! Ахир, бу ер муқаддас жой. Ўша бирга келганлар ҳозир авлиёлик даражасига етишибдими?!..

Бироз ўзимга келганимдан сўнг уларни ва маъқуллаб ўтирган яна бир неча зиёратчини атрофимга тўпладим.

– Сизлар содда одамсизлар, ҳар нарсага ишонаверасизлар, – дедим ва гапимда давом этдим: – Гап бундай биродарлар, Ислом Каримов жуда хушёр сиёсатчи, у ҳар бир нарсани олдиндан кўра билишга ҳаракат қилади. Ўшанда Ўзбекистон қандай йўлни танлар экан, деб бутун дунё бизни кузатиб турган эди. Айниқса, ғарб дунёси у кишининг ҳар бир қадамини кузатар эди. Агар биз бутунлай ислом йўлидан кетсак, фитнес уюштиришга тайёр бўлиб турган кучлар бор эди. Менимча, ана шундай қалтис бир вазиятда Ислом Каримов ғаразгўй кучларни чалғитиш учун шундай қилган ёки бирга борган шерикларидан холи бир ҳолатда Каъбага юзланиб, қалбан Яратганга илтижо қилган. Мана, ҳозир кўриб турибсизлар, Исломда муқаддас саналган жойларнинг эгалари бўлган айрим давлатлар ҳамда аксарият ислом давлатлари билан ғарб дунёси ўртасидаги сиёсат титилиб кетадиган нозик пардалардек эҳтиёткорлик билан олиб бориляпти. Ислом Каримов ҳам ана шундай сиёсат йўлини танлади.

Албатта, булар менинг кузатувларга асосланган шахсий фикрларим. Бироқ бошқа фикрлар ҳам йўқ эмас. Турли чалғитадиган кучлар ҳар қандай доно ва хушёр

давлат раҳбарининг ҳам фикрини ўзгартириб юбориши мумкин. Ислом аканинг тобора қариб, кундалик назоратдан четлашиб, турли маълумотларни олиб кирадиганларга, айниқса, арзимаган ҳолатлардан ваҳима қўзғаб диндорларни олабўжи қилиб кўрсатадиганларга ишончи ортиб боргани, бунинг устига Россия телеканалларидаги кўрсатувларда «Ўзбекистон Ислом ҳаракати» деган уйдирма ҳақида жазавалар кучайганлиги, шунингдек, Россияга рухсатсиз бориб ишлаётган айрим ёш йигитларга «террорчи» тамғаси босилиб, орқага қайтариб юборилаётгани, энг ёмони, диндорларнинг айримлари мансаб-мартабага эришиш учун ёки ҳасадгўйлик ҳамда ғаразгўйлик мақсадида динга ва бир-бирларига хиёнат қилиб, намозхон яхши инсонлар устидан ёлғон маълумотлар берганлари оқибатида анча-мунча одамлар жабрлангани – бор ҳақиқат.

Хўш, бу динга қарши кураш эмасми дерсиз?! Аслида шундай. Бироқ буни фақат Ислом Каримов билан боғламаслик керак. Ҳар қандай президент бутун мамлакатни назорат қилишга қодир эмас. Юз берган ноҳақликларда асосий масъулият уни чалғитганлар ва алдаганлар, шунингдек, фитначилар, хиёнаткорлар, диндорлар орасидаги мунофиқлар, мансабпарастлар, манфаатпарастлар, турли тоифадаги имонсизлар, виждонсизлар, миллат ва дин хоинлари зиммасига тушади. Бундан кейин ана шундайларга қарши кураш олиб бормас эканмиз, халқимиз яна алданиб ва жабрланиб қолаверади. Вақти келиб, бутун айбни яна битта инсонга тўнкайдиганлар топилади. Шундай экан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг муқаддас динимиз ва унинг моҳияти ҳақида айтган гапларидан тегишли хулоса чиқармас эканмиз, мусулмонмиз дейишга ҳақли эмасмиз.

Мен ўзлари хорижда яшаб, бировларнинг садақасига сайраб, бизга ҳакамлик қиладиганлар билан мунозара қилишни яхши кўраман. Уларнинг Ислом Каримов хо-

размлик, қашқадарёлик, водийлик ва бошқа юртдошларимизни камситганлари ҳақидаги даъволарига келсак, бу маҳаллийчилик дардига йўлиққанларнинг жон талвасасидаги, яъни кома ҳолатидаги аҳволини эслатади.

Мусулмонларнинг тарихига ва бугунги ҳолатига бир назар ташланг. Арабларда қадимдан қабилачилик ва тарафкашлик касали бор. Бу касаллик билан ўз вақтида Пайғамбаримиз ҳам курашган. Мен араб халифаларининг тарихини ўрганиб чиқдим. Қабилалар ўртасидаги кураш ҳеч қачон тинчимаган экан. Бу кураш ҳозир ҳам давом этмоқда. Оқибатда араб дунёсидаги парокандаликнинг охири кўринмаяпти.

Бизда эса ўтмишда қабилачиликдан кўра маҳаллийчилик кўпроқ зарар келтирган. Александр подшога хиёнаткорона таслим бўлишимизга ҳам шу иллат сабабчи. Миллатимиз ўртасида айирмачиликни юзага келтиришда большевиклар бу иллатдан жуда усталик билан фойдаланишди. Бундан қирқ-эллик йил олдин ҳам вилоятдан пойтахтга келиб қолсак, очикчасига ҳар қадамда «қишлоқи» деган камситишни эшитардик.

Бир ҳолатни ҳеч эсимдан чиқара олмайман ўттиз йил олдин Тўйтепада яшаб туриб Ўзбекистон Радиосига ишга кирдим. Бир гуруҳ болам тенги ёш йигитлар қаерлик эканимни, қаердан келганимни сўрайвериб тинчлик беришмасди.

– Ҳозир Тўйтепадан қатнаёпман, асли гулистонликман, вилоят газетасида 20 йил ишладим, – дейман сўраганларга.

– Бизни неча йил ишлаганингиз қизиқтирмайди, қаерда туғилганингизни сўраяпмиз, – дейишди бир куни адабиёт таҳририясидаги йигитлар ўртага олиб.

– Асадада. Олдин дадам Туркистонда яшаган экан, – дедим уларга.

– Асли авлод-аждодининг қаердан?

– Аниғини билмайман, аммо момоннинг айтишича асли бухоролик эканмиз...

– Яхшиси, қишлоқиман, деб қўя қолмайсизми, – деди фарзандим тенги биттаси.

Буниси ҳолва экан. Ёзган қўлёзмамни машбуродаги папкага солиб қўяман – эртасига у йўқолиб қолади. Бу ҳолат икки ҳафта давом этди. Икки марта эфирга бериш вақтига эшиттиришни тайёрлай олмай панд бердим. Огоҳлантириш олдим. Бундай ҳолат учинчи марта такрорланди. Таваккал қилиб бош директор қабулига кирдим ва юз бераётган ҳолатни айтиб бердим. Барча қўлёзмаларим дом-дараксиз кетди, дедим унга.

– Бу ерда қишлоқдан келганларга шундай муносабатда бўладиган баъзи бир номардлар бор. Бу – машбуродагиларнинг эмас, шаҳарлик баъзи олифта муҳаррирларнинг иши. Улар маҳаллийчилик касалига йўлиқишган. Материалларингизни папкадан олиб, йиртиб ташлашган. Бундай ҳолат илгари ҳам бўлган. Бундай кейин қўлёзмаларингизни менга беринг, ўзим кўчиртириб бераман, – деди бош директор Барно Ражабов.

Илгари бундай қитмирлик ва айирмачилик ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида кўзга ташланиб турарди. Совет даврида бундай иллатдан битта миллатнинг бир мушт бўлиб жипслашиб кетишининг олдини олишда фойдаланиларди. «Местничество» халқни тизгинда ушлаб турадиган ҳалқа эди.

Тан олишимиз керак, ана шу ҳалқани чил-парчин қилишда Ислом Каримовнинг хизмати катта. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда, мукофотлаш ва тарғибот-ташвиқотда, ободонлаштириш ва маблағ ажратишда барча вилоятларга уларнинг салоҳиятига қараб бир хил муносабатда бўлинди. Тошкент бир-бирини камситмайдиган якка бир миллат вакиллари-нинг сеvimли пойтахти бўлиб қолди. Ҳозир қайси бир ишхонага кирманг, барча вилоятлардан мутахас-

сислар борлигини кўрасиз. Ислом Каримов давлатни бошқаришда кимгадир ёқиб, кимгадир ёқмайдиган қандай усул ва услублардан фойдаланган бўлмасин, юртда халқнинг бирлигини ва аҳиллигини, тинчликни ва хавфсизликни, тўқчилик ва тўкинчиликни таъминлай олди.

Энг муҳими, у раҳбарлик қилган даврда турли уруш-жанжалларга аралашмадик, ўзгаларнинг қўлида кўғирчоққа айланмадик, миллат ва Ватан шаънига, ўзлигимизга ва диний эътиқодимизга хиёнат қилмадик, бировдан ҳимоя истаб ялтоқланмадик, ўзгалар садақасига зор бўлмадик, Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топа олдик.

Энди сиёсий шарҳловчи сифатида жаҳон сиёсат оламида юз бераётган бир ҳолатни эслатсам, тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Бир пайтлар тинч ва эркин яшаётган мисрликлар, бой-бадавлат ироқликлар, яхши яшашда бутун Африкага ибрат бўлаётган ливияликлар, дўстлари кўплигидан фахрланаётган суряликлар ташқи кучларнинг қутқуси ва ички мухолифатнинг мурасасизлиги сабаб Хусни Муборакни, Саддам Хусайнни, Муаммар Каддафийни, Ҳофиз Асадни диктаторликда айблаб, курашдан тўхташмас эди. Бугун бу халқлар ўша арбоблар раҳбарлик қилган даврдаги ҳаётларини Жаннатга қиёслашяпти. Чунки ҳозир улар дўзах азобида яшашяпти, фақат Мисрдагина тинчлик ҳукм суриб турибди. Бу ношукрликнинг оқибат-натижаси.

Худога шукр, ўтган йиллар биз учун зорланадиган давр бўлмади. Сулаймон ўлган экан, энди девларга эрк бермаслик керак. Чин ҳақиқатчи Ватанида бонг уради, четда юриб ноғора қоқмайди.

*“Ватанпарвар” газетаси, 42-сон,
20.10.2017*

ЎТМИШГА ТОШ ОТМАНГ, МИЛЛАТГА ТЕГАДИ

Миллатимиз аниқ – ўзбекмиз. Бироқ халқ бўлиш учун бу етарли эмас. Агар ўзаро кечиримли, аҳил ва иноқ, меҳр-оқибатли, араз-ғараз ва гина-қудуратдан йироқ, диёнатли, сабр-қаноатли, оқил ва одил бўлсақкина халқ деган номга муносиб бўламиз. Акс ҳолда жаҳон олдида ўзбеклигимизга доғ туширамиз. Айтинг-чи, сон жиҳатидан бизга нисбатан анча оз бўлган чеченлар, ингушлар ва доғистонликлардан қаеримиз кам?! Расул Ҳамзатов ёки Аҳмад Қодиров деганда аҳилликда ва оғизбирликда бутун дунёни лол қолдирган халқларнинг вакилларини тушунамиз.

Хўш, биз-чи?! Бугун жаҳонда юзага келган ўта мураккаб ва қалтис вазиятда бир-биримизга тош отишимиз ва тамға босишимиз, орамиздан бир-биримизга душман қидиришимиз, ўтган 25 йиллик тарихимизни ревизия қилишимиз, мансабга эриша олмаганидан аламзада бўлиб хорижда дайдиб юрган баъзи бировларнинг иғволарига қўшилиб, кечагина йўлбошчимиз дея ҳурмат қилган одамимизни бугун диктатор ва жаллод деб аташ, бу билан мамлакатимизда яна 1991 йилдаги парокандаликни вужудга келтиришга уриниш, ана шу жараёнда кимдандир ўч олиш ёки қандайдир мансабга эришиш, умуман, демократия ва эркинлик деган ниқоб остида турли талаблар ва даъволарни авж олдириш каби уринишлар халқимиз шаънига доғ тушириши аниқ. Мен интернет сайтларида берилган кўпдан-кўп материаллар билан танишиб чиқиб, шундай хулосага келдим.

Азизлар, Шароф Рашидовни қоралаб ва қабридан чиқариб, шарманда бўлганимиз етарли эмасмиди?! Кимдир: «Бу Москванинг топшириғи эди», – дейиши мумкин. Йўқ, Москвага ёқиш учун ўзимиздагилар бу жазавани авж олдиришди-ку! Мен ўша пайтда Ўзбекистонда босилган газеталарни сақлаб қўйганман. Рашидовни қоралаб мат-

буотда чиқишлар қилганлар орасида у киши билан бирга ишлаганлар, ҳукумат аъзолари, академиклар, ёзувчилар ва журналистлар бор. Шунингдек, у кишини ҳимоялаб чиқишлар қилганлар ҳам оз эмасди. Бир гуруҳ аламзада олимлар эса уларга қарши «Хўжайинни қўмсаш» деган сарлавҳада чиқиш қилишган.

Нима, яна ўша даврга қайтамизми?! Бу қандай халқки, бир-бирини кавлагани-кавлаган, дейишмайдими? Менга таъсир қилган нарса шуки, интернетда берилаётган материалларда бир неча ифвогарнинг хориждан бошқараётган сиёсий сафсатасига қўшилиб, шу пайтгача жамиятда юз берган барча хато ва камчиликларни битта одамга тўнкаш тенденцияси, яъни илллати кучайиб борапти. Юртдошларга айтадиган дўстона гапим шуки, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги ниқоби остида авж олдирилаётган сафсаталар асло сизнинг ноҳақликдан чўккан кўнглингизни нурафшон қила олмайди, сиздаги қасос олиш ёки аламзадалиқ оловини сўндира олмайди, сизни ният қилган мансаб-мартабангизга эриштира олмайди, сизни диёнат ва эзгулик сари йўллаш олмайди, сизда ақл-идрок ва доноликни пайдо қила олмайди, аксинча, жамиятни бошбошдоқлик ва парокандалиқ сари руҳлантиради. Ўзбек халқининг душманларига, иқтисодий, геосиёсий ва бошқа манфаатларни кўзлаган кучларга, шовинистлар ва миллатчиларга, бизни ўзликимиздан, миллий маънавиятимиз ва динимиздан маҳрум қилишни мақсад қилганларга шу керак.

Сўзсиз, ўтган йилларда йўл қўйилган хато ва камчиликларни, ноҳақликларни, инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлиги бўғилган ҳолатларни, порахўрлик ва таъмагирликни, мансабдорларнинг ўзбошимчалиги ва оддий одамларга нисбатан ҳақоратомуз хатти-ҳаракатларини айтиш керак, бироқ бундай хорижда дайдиб юрган бир неча кишининг дирижёрлигида ва компания тарзида эмас. Кейин барча салбий ҳолатларни фақат бир киши-

га – собиқ Президентга тўнкаш номарднинг, мақсадига эриша олмаган аламзаданинг, ҳасадгўйнинг, сиёсий обрў орттирмоқчи бўлган сафсатабознинг, ҳеч бўлмаганда ўн ёки юз кишига раҳбарлик қилиб кўрмаган ландавурнинг, ҳаётдан норози бўлавериб, тушкунлик гирдобига тушиб қолган ношукрнинг, ҳеч нарса қўлидан келмаганидан кейин одамларнинг орасини бузишни касб қилиб олган бузғунчининг ишидир. Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбарлик қилган йилларда кимдандир ва нимадандир хафа бўлганлар сон мингта. Хўш, энди улар хориждаги дирижёрларга жўр бўлиб Ислом Каримовга тош отишлари керакми?! Ҳозир шундай бўляпти. Буни бузғунчиларнинг интернет сайтларидаги чиқишларига билдирилган муносабатлар кўрсатиб турибди.

Президент, аввало, мамлакатдаги миллионлаб одамлардан ҳар бирининг хатти-ҳаракатларини назорат қила олмайди. Қолаверса, ҳар бир соҳанинг ўз мутасаддилари ва ҳар бир идоранинг ўз раҳбари бор. Сизни ким, қандай одам ва қайси раҳбар хафа қилган бўлса, ана ўша одамга қарши курашинг, унинг ноҳақлигини, ҳаромхўрлигини, бошқа кирдикорларини фош қилинг. Президентга, ҳуқуқ-тартибот идораларига ёзинг, жуда бўлмаса, инсон ҳуқуқлари билан шуғулланадиган халқаро ташкилотларга мурожаат қилинг. Муттаҳамларнинг номларини интернет сайтларига киритинг. Уларнинг аксарияти тирик ва ҳозир ҳам ишлаб турибди. Агар мард ва тўғрисўз бўлсангиз, ҳадеб ўлган одамга тош отавермасдан, ўзингизни хафа қилган тирикларнинг номини тилга олсангиз бўлади. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, Худодан кўрқмайдиган, ҳаром луқмага ўрганган, ўта бюрократ мансабдорлар минг хил ҳийлани ишлатиб Президентни алдаганлари ва адаштирганлари етмаганидек, катта саллали машҳур домла-имомлар ҳар бир сўзида Оллоҳни тилга олиб: «Ислом ака, бизда тиланчи йўқ, Ислом ака, бизда

мутлақо камбағал йўқ, Ислом ака, бизда қонунни бузиш ва ноҳақликнинг ўзи йўқ», – деб туришганидан кейин Каримов ишонмай нима қилсин. Наҳотки, фикрлашда ана шундай ҳолатлардан тегишли хулоса чиқармасак?..

Баъзи бировлар журналистлар қаерга боришмасин, гувоҳномаларини кўрсатиб ишларини битириб кетаверишади, деб ўйлашади. Йўқ, ҳозирги бюрократлар сизнинг гувоҳномангизни ҳам, ёшингизни ҳам, кўкракка тушиб турган соқолингизни ҳам тан олишмайди. Шунинг учун нафақат ўзимнинг, балки бошқаларнинг ҳам ташвишлари ҳақида қайғуриб, Бош прокуратурага, Ички ишлар вазирлигига, Адлия вазирлигига, Молия вазирлигига, Соғлиқни сақлаш вазирлигига, «Ўзбекэнерго» акциядорлик компаниясига хат билан мурожаат қилмаган йилларимни эслай олмайман. Турли долзарб масалаларда Ислом Каримовнинг ўзига ҳар йили бир неча марта мурожаат қилардим. Ҳеч бир хатим жавобсиз қолмаган. Ҳозир ҳам турли вазирлик ва идоралардан қониқарли жавоб олмагунимча тинчимайман. Жамиятдаги барча иллатларни, турли даражадаги раҳбарларнинг хато ва камчиликларини, порахўр ва бюрократларнинг қилмишларини, ҳуқуқ-тартибот идораларидаги қонунсизлик ҳолатларини ва бошқа барча нуқсонларни вафот этган одамга тўнқаб, сафсатабозлар ноғорасига ўйнаб, гуруҳбозлик ва тарафқашлик қилиб, тинчликнинг муҳим шарти бўлган аҳиллик ва тотувликка зарар етказиб, Ватанни ва миллатни шарманда қилгандан кўра юртнинг ичида юриб, жамиятда иллатлар гирдобини юзага келтираётганлар юзига тик боқиб, аччиқ, аммо очиқ гапларни айтиб, яхши маънода бетгачопар ва муросасиз бўлган яхши эмасми?

Азизлар, ўринли савол туғилади: борди-ю, ҳозир ташқарида ёки ичкарида туриб даҳолик қилаётганлар ўтган йилларда Ўзбекистонни бошқарганларида ноҳақликларга, қонунбузарликларга, инсон ҳуқуқларива эркинликларининг бузилишларига, матбуотнинг бўғилишига,

порахўрлик ва таъмагирликка йўл қўйилмаган бўлиши мумкинмиди?! Балки, иложи бўлса, улардан баъзиларини, айниқса, 25 йил давомида кўпроқ жавраганлардан айримларини Ўзбекистонга таклиф қилиб ҳокимлик, вазирлик ва идораларга раҳбар этиб тайинлаб кўриш керақдир. Бироқ оқибат натижаси қандай бўлишига кафолат йўқ. Масалан, мен ўзимни Худодан қўрқадиган ҳалол-пок инсон ҳисоблаб, Ўзбекистон телевидениесига салкам тўрт йил раҳбарлик қилиб кўрдим. Бироқ, кейинчалик билдимки, атрофимни порахўрлар, таъмагирлар, мунофиқлар, фитначилар, очофатлар қуршаб олишган экан. Улар пул ундиришнинг, чалғитишнинг, ёлғоннинг, тухмат ва фитнанинг минг хил усулларини билишарди. Нафс деган микроб вабони енгса енгади, аммо енгилмайди. Бундай микроб шу даражада юқумлики, яна бироз ишласам, у мени ҳам ўз домига тортарди. Шунинг учқунлари сезила бошлаганида Оллоҳ мени сақлаб қолди.

Энг ёмони шундаки, бу дардга йўлиққандан сўнг ноҳақликларга ҳам, қонунларнинг бузилишига ҳам, зўрлик ва зўравонликка ҳам, тўғрини эгри, эгрини тўғри дейишга ҳам мажбур бўласиз. Айниқса, АҚШнинг кўк қоғози сизни минг мақомга йўрғалатади. Хорижда яшаб турли бузғунчиликларга дирижёрлик қилаётганлар ва ўзимизда яшаётган ҳайбаракаллачилар буни жуда яхши билишади. Шунинг учун ҳадеб ўлган одамга тош отгандан кўра тирикларни инсоф-диёнатга чақирайлик, уларни назорат қилишни кучайтирайлик, фақир кишига ўхшаб панада пайт пойлаб писмайиб юрмасдан, мардлик, дадиллик, тўғрисўз ва тўғри қадамимиз билан ҳақиқат учун биргалиқда курашайлик.

Ўтмишни, айниқса, охириги 25 йиллик тарихий даврни ва бу даврга раҳбарликни қоралайвериш келажакка бўлган ишончни сўндиради. Ғараз-араз билан отилган ҳар қандай тош Ватан ва миллат шаънига доғдир.

*“Ватанпарвар” газетаси, 44-сон,
03.11.2017*

АҚЛ-ИДРОК КЎРСАТГАН ЙЎЛ

Ислом Каримов олиб борган ички ҳамда ташқи сиёсат ҳақида кўп ёзганман. Унинг халқаро миқёсдаги лидер сифатидаги ибратли сиёсий фаолияти ҳақида «Ўзбекистон армияси» журналининг ўтган сонларидан бирида чиқиш қилгандим. Бу сафар унда қайд қилинган диққатга сазовор ишлар, маълумотлар ҳамда жаҳон миқёсидаги эътирофларни такрорламаган ҳолда у кишининг ақл-идроки, давлатни бошқаришдаги маҳорати, огоҳлик ва ҳушёрликни англашдаги етуклик санъати, ҳамиша Ўзбекистоннинг ва ўзбек халқининг шаъни-шавкатиға муносиб хатти-ҳаракатлар мезонига амал қилгани ҳамда шахсияти билан боғлиқ жиҳатлар борасида фикр-мулоҳаза юритмоқчиман.

Мен Ислом Каримовнинг давлатни бошқаришга доир шахсияти билан боғлиқ материалларимни асосан у кишининг вафотидан сўнг ёздим. Олдин бунинг иложи йўқ эди. Ёзган тақдиримда ҳам уни ҳеч ким босиб чиқармас эди. Тирик одамни қўйинг, ҳатто Ислом ака ўлганидан сўнг, орадан ўн кун ўтиб «Ватан-парвар» газетасида «Озодликни оловлардан омон сақлаган инсон» деган сарлавҳада чиқиш қилганимда илгари раҳбар бўлиб ишлаган, олтимишдан ошган бир танишим сурбетлик билан: «Роса маддоҳ экансиз-ку, у Ўзбекистон учун нима иш қилиб қўйди?!» – деди. Афсуски, орамизда ўзидан бошқа ҳеч кимни тан олмай-диган ана шундай одамлар бор! Зеро, ана шундайлар менинг қуйидаги фикрларимни ўқиб, эс-хушларини йиғиб олишса, деган умиддаман.

Агар ҳар биримиз мансаб-мартаба, бойлик, шон-шуҳрат деб худбинлик касалига йўлиқсак, ҳеч қачон ҳақиқатни айта олмаймиз. Аксинча, ҳасад ўтида ёниб, жамиятдан, давлатдан, президентдан ва турли тоифадаги раҳбарлардан нолиб юраверамиз. Ҳеч ким ва ҳеч нарса кўзимизга яхши бўлиб кўринмайди. Агар жаҳонни кузатиб қиёсламасангиз, тўғри хулоса чиқара

олмайсиз. Демак, ҳақиқатни айтишга қодир эмассиз.

Президентнинг даражаси давлатнинг катта ёки кичиклиги, кучли ёки кучсизлиги, бой ёки камбағаллиги, қандай ҳарбий-сиёсий блокка аъзо ёки аъзо эмаслиги билан ўлчанмайди. Давлат раҳбари ҳар қандай ҳолатда ҳам Президентга хос хатти-ҳаракатлар қилиши лозим. Унга нафақат ўз халқи, балки жаҳон жамоатчилиги ҳам тан берсин. Кўриб турибсизлар, бугунги кунда жаҳонда халқаро консенсус мезонлари талабларини менсимай қарорлар қабул қилаётган, дунёга устунликни даъво қилаётган, бир давлат ёки халқни улуғлаб, бошқасини камситаётган, БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорларини менсимаётган, мустақил давлатларнинг дахлсизлигига таҳдид қилаётган, бошқа давлатлар ва халқлар ўртасида миллий ва диний низо кўзгаётган, ўзга миллат ва дин вакиллари қувғин қилаётган, ҳарбий тўнтаришни амалга ошириб, ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаб олаётган, қонуний йўл билан сайланган раҳбарни қамоққа ташлаётган, ўзидан олдинги раҳбарни ёмонотлиқ қилиш орқали шон-шуҳратга эришмоқчи бўлаётган президентлар ва бош вазирлар оз эмас.

Қани, айтинг-чи, ўтган 26 йилда Ўзбекистонда шундай ҳолатлар кузатилдимми?! Мен имкон қадар турли манбалар ёрдамида жаҳондаги кўплаб президентлар ва бошқа биринчи раҳбарлар фаолиятини кузатиб, уларни Ислом Каримов президентлик вазифасини халқаро мезонлар талабларидан келиб чиқиб қай даражада бажаргани билан қиёслаб бордим. Тўғриси, юрганда-турганда ҳам, музокара-мулоқот пайтида ҳам, ташаббус кўрсатиш ва таклиф киритиш асносида ҳам, қарор қабул қилиш ва уни ижро этишда ҳам дадиллиги, донолиги, изчиллиги, қатъияти ва Президент деган номга ярашиқли салоҳияти билан ҳам яққол кўзга ташланиб турди. Буни фақат мансаб-мартаба илиётида мақсадига эриша олмаганлар, тирикчилигида хушомадгўйликни қойиллатиб, эндиликда номини тилга олишга қўрқаётганлар ҳамда ўзгаларнинг

ноғорасига ўйнаб, ўзлигини унутган мунофиқлар тан олмасликлари мумкин.

Бу билан мен Ислом ака идеал одам эди, демокчи эмасман. Мен сизга айтсам, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва сўз эркинлигини таъминлашда, сансалорлик, таъмагирлик ва порахўрликни жилашда, ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари йўл қўяётган қонунсизлик ҳолатларига қарши курашишда бошқаларга ибрат бўладиган бирорта давлатни тилга олиш қийин. Демократияда даҳоликни даъво қилаётганларнинг оммавий ахборот воситалари уларнинг ўзларини эмас, балки ўзгаларни танқид қилишга ихтисослашган, уларнинг ҳуқуқ-тартибот, қонунчилик ва назорат идоралари эса ўзларидаги одатий тус олган қотилликлар, ирқий ва диний камситишлар, жисмоний ва жинсий таҳқирлашлар, ахлоқий бузуқликлар ҳақида эмас, балки ўзгалардаги ноҳақликлар ва қонунсизлик ҳолатлари ҳақида бонг уриб, жаҳонга жар солишга мослашган. Тан олишимиз керак, Ислом Каримов даврида оддий фуқароларга нисбатан юз берган ноҳақликлар ва бошқа қонунсизлик ҳолатлари ҳуқуқ-тартибот идораларининг хатоси, айби ҳамда айрим раҳбар ходимларнинг ҳаддидан ошгани туфайли юз берди. Бугунги кунда бу хатога у кишининг муносиб шогирди Шавкат Мирзиёев томонидан барҳам берилаётгани, сўзсиз, устозининг руҳиятига ором бағишлайди. Буни қаранг, бир неча йил олдин Ислом Каримов Шароф Рашидовнинг безовта руҳига ором бағишлаш учун кўп савоб ишлар қилган эди. Демак, ҳар қандай савоб иш эгасига эзгулик бўлиб қайтади. Бундан, аввало, оддий халқ, қолаверса, жамият ва давлат манфаат кўради.

Вайсақилик – сиёсат одамига зид ҳолат. Яхши сиёсатчи файласуфдек фикрлайди. Одатда, вайсақи одам ҳеч кимни, ҳеч нарсани, ҳеч қандай эзгу ишни тан олмайди. Ҳозир шундай одамлар аксарият интернет сайтларини эгаллаб олишган. Улар файласуф-

га хос фикр-мулоҳаза юритишдан кўра кимларгадир тош отиб ёки тамға босиб, ўзларидаги ғараз ва араз ўтини сўндирмоқчи бўлишади. Айниқса, ўлган одамни иғво қилиш ва унга тош отиш диёнатсизликдир. Шунга қарамасдан, бир кун ёки бир марта бўлса ҳам, Ислом Каримов номини қоралаб тилга олмаса уйқуси қочиб, оромини йўқотадиганлар йўқ эмас. Бугун у кишини хотирлаш билан нафақат ана шундай одамларга таскин-тасалли беришни, балки уларга Биринчи Президентимизнинг ўзи танлаган йўлда босган журъатли ва жасоратли қадамлари берган самараларини яна бир бор эслатиб ўтишни мақсад қилганмиз.

Саксонинчи йилларнинг охирини ва қисман тўқсонинчи йилларнинг бошини эсланг. Ўзбек ўзининг эл эканини йўқотиши оқибатида тарафкашлик, мунофиқлик, бузғунчилик, хиёнат, манқуртлик, миллатни ёмонотлик қилиш кучайиб, Москва ўзбекнинг қарамлик жловини энди қуллик занжирига айлантириш учун пайт пойлаб турган эди. Ўзимизнинг ичимиздаги динсизлар муқаддас динимизга қарши курашни авж олдириб юборишган бир пайтда шаҳар ва қишлоқларимизни, кўча ва хонадонларимизни насронийликни тарғиб қилувчи китоблар ва варақаларни бепул тарқатувчи миссионерлар оқими босиб кетди. Ҳатто ким насронийликни қабул қилишга рози бўлса, 100-200 доллар ташлаб кетишарди. Иккинчи томондан эса туғилганида ўзбек деб йўргакланган, тили чиққанида ғарблик демократга айланиб қолган ўзимизнинг жўжахўрозлар тонг отмасдан, яъни айтиш учун ҳали вазият етилмасдан: «Ўзбек тилида гапирмаган ва ёзмаган руслар Ўзбекистондан кетсин!» – деб бемаҳал қичқира бошлашди. Собиқ марказга бошбошдоқлик кўчасига кирган миллатни занжирбанд қилиш учун ана шундай вазият керак эди.

Бизнинг ёш демократлар турли шиорлар ва талабларни ўртага ташлаб, кўча ва майдонларни тўлдириб бақириб-чақириб юришганида собиқ марказ бизнинг миллий қадриятларимиз илдизларига болта ура бошлади. Жумладан, тўппа-тўғри Москвадан Сирдарё вилоятига биринчи раҳбар бўлиб келган Александр Клепиков атиги бир неча ой ичида барча масжидларни ёптирди, чойхона ва тўйхоналарни буздирди, дўппи кийганларни ва рус тилида яхши гапира олмайдиганларни ишдан ҳайдади, никоҳ, жаноза, худойи, ҳайит ва Наврўзни нишонлашни тақиқлаб қўйди. Бир қанча вилоятларда ўзбек миллатини бутунлай буламиққа булғаш учун атайлаб миллий-этник низолар уюштиришди. Бу айтганларим эҳтимол мен гувоҳи бўлганларнинг ўндан биридир.

Ана шундай оғир, мураккаб ва қалтис вазият ҳукм суриб турган бир пайтда Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбарликни қўлга олиб, ўта устомонлик ва сиёсий хушёрлик билан вазиятни аниқ мақсад сари йўналтира олди. Акс ҳолда, ўшанда бизда фуқаролар уруши бошланиб кетиши аниқ эди. Жуда бўлмаганда бакироқ демократларимиз ва аламзада сотқинларимиз билан ҳозирги Украинанинг аҳволига тушардик. Агар ўшанда Ислом ака кимнидир хафа қилган бўлса, буни юрт тинчлигини, миллатнинг шаъни ва бирлигини, эртанги кунни ўйлаб килди. Дўстидан, ҳамкасбидан, ҳамқишлоғидан, қадрдонидан, сирдошидан воз кечиб бўлса ҳам, аниқ мақсадни кўзлаб қатъият кўрсатмаганида биз тарафкашлик ва маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва мансабпарастлик гирдобида ўзлигимизни йўқотиб, манқуртлар мамлакатига айланиб қолардик.

Ўзбекистонлик бир арбоб Катта Кремль сароида Горбачёвнинг ёнида ўтириб, Ўзбекистондаги қандайдир «қулупнай» жанжали ҳақида гап сотиб беўхшов тиржайганида, Ислом Каримов журъат ва жасорат кўрсатиб, жонини гаровга қўйиб, Ўзбекистонни

мустақил давлат деб эълон қилганини, айтинг-чи, унутиб бўладими?! Собиқ марказ Ўзбекистонда очарчилик ва фуқаролар уруши бўлишини қарийб 1994 йилгача кутди. Ишонмаганлар бўлса, марҳамат, менинг олдимга келсин, собиқ марказ газеталари тахламларини кўрсатаман. Сиёсий-ижтимоий вазиятни бутунлай қўлга олиш ва дон мустақиллигига эришиш билан башоратчиларни доғда қолдирган одам Ислом Каримов эканини унутмайлик. Айниқса, 1991 ва 1992 йиллар ҳаддан ташқари оғир бўлди. Диндорлар Ислом давлати қуришни талаб қилишса, бақироқ демократларимиз ғарбнинг сунъий қадриятлари ва ўшандай қадриятларга мос қонуниятларни жорий этиш талаби билан жанжал кўтаришар эди. Ташқи кучлар тазйиқи, фитнаси, бузғунчилиги эса кучайиб борарди. Шовинизм билан миллатчилик ягона куч бўлиб ҳаракат қиларди. Бунга дош бериш учун иқтисодчи Ислом Каримов етук сиёсатчига ҳамда моҳир дипломатга айланишга мажбур бўлди.

Ислом Каримов 27 йил Ўзбекистонни бошқариши, мустақилликни эълон қилиши, унинг ишдаги ютуқлари ва йўл қўйган хатолари, қайси вазиятда қандай йўл тутгани – буларнинг ҳаммаси унинг ўз хоҳиши билан эмас, балки Оллоҳнинг иродаси билан содир бўлган ҳолатлардир. Шунинг учун ҳаммаси Яратганнинг ўзига ҳавола.

*“Ватанпарвар” газетаси,
29.12.2017*

МУНДАРИЖА

Кириш сўзи.....	3
Озодлик қалқони бўлишга қодир армия.....	4
Синовлар ортда қолгани йўқ.....	11
Ақл раҳнамою ишбоши бўлган юрт.....	19
Ватандошлик туйғуси – олий мезон.....	26
«Ўзбек модели»нинг юксак парвози.....	35
Биз тенглар ичида тенгмиз.....	44
Озодлик карвонининг ўз сарбони бор.....	52
Озодликни оловлардан омон сақлаган инсон.....	64
Озодликка бахшида умр.....	71
Етти бор ўлчанган ва ўйланган ҳамкорлик.....	79
Руҳияти ором олсин, деб.....	87
Нур борки, соя бор.....	94
Ёдда қолган ҳаяжонли онлар.....	100
Халқаро миқёсдаги лидер.....	107
Ревизия қилманг, уят бўлади.....	113
Ўтмишга тош отманг, миллатга тегади.....	120
Ақл-идрок кўрсатган йўл.....	125

Бадиий-публицистик нашр

ИБРОҲИМ НОРМАТОВ

**ОЗОДЛИККА
БАХШИДА
УМР**

Муҳаррир:

Ғафур Умурзоқов

Мусаҳҳиҳ:

Ғавҳар Зайниддинова

Техник муҳаррир:

Ғайзулло Азизов

Дизайнер:

Василий Бурцев

«Muharrir nashriyoti»

Лицензия: АІ № 309.2017 йил 22 июнь

Теришга 2018 йил 11 январда берилди.

Босишга 2018 йил 18 январда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32 «Virtec Times» гарнитурасида»


офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

4,38 шарт. б.т. 7,13 ҳисоб нашр. таб.

Адади 1000 нусха. 09-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru

ISBN 978-9943-5117-5-0



9 789943 511750